

﴿ وَرَقِيلُ الْقُرْآنَ تَرْتِيلًا ﴾

# أَحْكَامُ الْنَّجْوِيَّةِ

Тажвид

қоидалари

"Тошкент ислом университети"  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент-2011

**УДК: 297**

**ББК:86.38**

**T15**

**Тажвид қоидалари** / Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли; муҳаррир Б. Эралиев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. - 152 б.

**ББК 86.38**

**Мусаннифлар: Зиёвуддин Раҳим,**

**Одилхон қори Юнусхон ўғли**

*(Шайхонтаҳур тумани боши имом хатиби, Шайх Зайниддин жомеъ масжиди имоми)*

**Тақризчилар: Абдулазиз Мансур**

*(Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раиси муовини)*

**Т. Ш. Қодиров** (филология фанлари номзоди)

**Н. М. Орифхўжаев** (Тошкент Давлат шарқшунослик институти  
каптама ўқитувчиси)

*Илмий-тадқиқий мавзудаги “Тажвид қоидалари” рисоласи асосан Қуръони карим лафзларини тұғри ўқиши қоида ва ҳукмларига бағыланған. Ушбу рисола тажвид илмига қизиққан барча ўқувчиларни бефарқ қолдирмайды, деган умиддамиз.*

*Мусаннифлар рухсатисиз ушбу китобни чоп этиши ва сотиш шаръян ҳаром ва қонунан ман этилади! Илм йўлида иқтибос олиш жоиз.*

*Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг 2011 йил 17 июндаги 1204-рақамли тавсияси билан чоп этилди.*

ISBN 978-9943-390-26-3

© “Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011  
© Зиёвуддин Раҳим

بِسْمِ اللَّهِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## Муқаддима

Бандаларига мўъжизавий Китобини нозил қилиб, Уни тажвид қоидаларига мос ҳолда ўқиш, Қуръон аҳкомларига амал қилишни амр этган ҳамда итоатли бандаларига беҳисоб ажр-мукофотлар ваъда қилган Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтамиз!

Бизларга Қуръони каримни қай тарзда ўқишни таълим берган муаллим Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафога салавот ва саломлар бўлсин!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Қуръонни қабул қилиб, ўзидан кейинги авлодларга ўтишига сабабчи бўлган саҳобаи киромлар, тобеъинлар ва табаа тобеъинларга, шунингдек тажвид илмини ўрганиш осон бўлиши учун бу соҳада кўплаб китоблар ёзиб қолдирган мухтарам уламоларимизга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати ёғилсин!

Аллоҳ таолога беадад шукрлар айтамизки, қўлингиздаги ушбу китоб орқали Аллоҳнинг муқаддас Каломи, ҳар бир сўзи чексиз маъно ҳамда ҳидоят манбаи бўлган буюк Китоб – Қуръони каримнинг тўғри ўқиш қоидаларини ўрганамиз, иншааллоҳ!

Азиз биродарлар! Қуръони каримни ўқиш, ўрганиш ва унга амал қилиш олий саодат. Бу саодатга эришиш учун энг биринчи босқич Қуръони каримни тўғри ўқиш қоидаларини ўзлаштириш саналади. Аллоҳ таоло бизларга Қуръонни ўқишни, ўқиганда ҳам тадаббур, хушуъ-хузуъ билан тиловат қилишни амр қилган. Ўз-ўзидан маълумки, тажвид қоидаларига амал қилиб ўқиш кишини тадаббур ва тафаккурга ундейди, қалбида имон нурларини юксалтиради. Шу мақсадда сиз азизларга “Тажвид қоидалари” номли янги китобни тақдим этмоқдамиз. Мақсад

— диндошларимизни тажвид илмига тарғиб қилиш, иложи борича осон ва енгил йўл билан уларга ушбу илмини ўргатиш, уларни улуг ажр-савобларга шерик қилиш. Аллоҳ таоло ушбу ожизона ҳаракатларимизни муносиб тақдирласин, барчаларимизни Ўзининг Каломини тўғри ва бехато ўқишига мушарраф айласин!

## **Тажвид ва қироат илмининг қисқача тарихи**

Тажвид илмининг тамал тоши қироат соҳаси мутахассислари ва тилшунос олимлар томонидан қўйилган<sup>1</sup>. Баъзилар унинг асосчиси Халил ибн Аҳмад, деса, яна баъзилар Абул Асвад ад-Дувалий, деб келтиришади. Бу жараён Ислом ўлкаларининг ҳудуди кенгайиб, кўплаб ажам халқлари Исломни қабул қилишлари билан бошланди. Сабаби – ажамий ва арабий тиллар бир-бири билан аРАЛАШИБ, қироатда камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланди. Буни ўз вақтида пай-қаган масъул кишилар Аллоҳ таолонинг Китобини соф ҳолида асраш, турли хил хатолардан сақланиш мақсадида Қуръони карим ҳарфлари устига нуқта ва турли шакллар қўйишини жорий қилдилар. Усмоний Мусҳаф бундай нуқталардан холи бўлган. Масалан, "ف", "ق", "ت" ҳарфларининг нуқталари қўйилмаган. Чунки, у даврда аксарият кишилар Қуръонни ёд билган, кейинчалик эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳарфлар усти ёки остига нуқта ва белгилар қўйишига эҳтиёж сезилган. Шу тариқа секин-аста Қуръони каримни ўқувчи ҳар бир банда амал қилиши лозим бўлган тажвид қоидалари амалга татбиқ қилина бошланди.

Тажвид илмига оид илк китоб Абу Мұҳозим ал-Хоқонийга тегишилдири. Мазкур китоб ҳижрий учинчи асрнинг охирларида ёзилган.

### **Турли хил қироатларнинг пайдо бўлиши**

Биз Қуръони карим Аллоҳ таоло томонидан етти ҳарфда нозил бўлганидан хабардормиз. Хўш, ушбу етти ҳарф нимани англатади ва ундан кўзланган мақсад нима? Шу ва шунга ўхшашиб саволларга қўйида жавоб берамиз.

Ибн Ҳошим айтади: “Куръоннинг етти хил қироатда ўқилишига сабаб қўйидагилардир: халифа Усмон розийаллоҳу анҳу даврида Қуръони карим Мусҳаф шаклига келтирилгач, унга бир қори саҳобий қўшиб, турли ўлкаларга жўнатилган ва ўша юрт вакиллари мазкур саҳобийдан Қуръонни ўргана бошлаганлар. Ўша даврда Қуръон ҳарфлари усти ва остига нуқта ҳамда ҳар хил белгилар қўйилмаган эди. Шу сабаб, ҳар бир юрт вакили Қуръонни ўзларига юборилган саҳобийдан эшитганларидек ўқиганлар ва ўргангандан қироатларига хилоф келадиган бошқа қироатларни тарк қилгандар. Улар буни Қуръонни эҳтиётлаш, хатоликлардан сақданиш мақсадида қилганлар. Шу зайл турли юрт қироатлари ўртасида фарқлар кўзга ташланса бошлади”<sup>2</sup>.

Қуръони каримдаги мазкур фарқлар бир-бирига зид эмас, зеро, Аллоҳ таолонинг сўнгги ва мўъжизакор Китоби бўлмиш Қуръон бундай камчилик ва нуқсонлардан холи. Бу фарқлар фақатгина баъзи бир сўзларда учрайди. Ўз ўрнида бу Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига қилган кенглиги ва раҳмати нишонасиdir.

Қуръон қироатидаги турли хиллик саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларидан ўргангандарсага амал қилиб ўқишилари оқибатида юзага келган, десак хато қилмаган бўламиз. Юқорида таъкидланганидек, халифа Усмон розийаллоҳу анҳу турли шаҳарларга Мусҳафнинг нусхасини юборибгина қолмай, балки унга қўшиб моҳир қори саҳобаларнинг бир қанчасини ҳам жўнатган. Ўз-ўзидан турли ривоятлар замирида турли қироатлар пайдо бўлди. Масалан, Қуръони каримнинг Ҳужурот сураси, 6-оятидаги

﴿فَتَبَيَّنُوا﴾ сўзини оламиз. Аллоҳ таоло айтади:

يَتَأْكِلُهُ الَّذِينَ لَا مَنْوَأٌ إِنْ جَاءَهُمْ فَإِسْقُطُوهُ فَلَا يُغَيِّرُونَ  
أَنْ تُؤْمِنُوا قَوْمًا بِحَهْلَةٍ فَنَصِّبُوهُ أَعْلَى مَا فَعَلْتُمْ نَدِمِينَ ۖ

Бу ердаги ﴿فَتَبَيَّنُوا﴾ сўзини нуқтасиз ҳолида деб ўқиши мумкин. Ушбу сўзларнинг иккиси ҳам “**текшириб кўринглар**” маъносини ифодалайди. Демак, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга мазкур сўзни икки

хил қироатда ўқиши таълим берганлар. Ҳозирда ҳар бир юрт қайси саҳобий ёки ровийдан таълим олган бўлса, ўша қироат бўйича Қуръони каримни ўқиёди. Айни пайтда Ислом оламида икки хил қироат машҳур: биринчиси, Имом Ҳафс ривояти билан Имом Осим қироати. Иккинчиси, Имом Варш ривояти билан Имом Нофеъ қироати. Бизнинг диёрда биринчи қироат асосида Қуръон ўқилади.

### **Қуръоннинг етти хил ҳарфда нозил бўлиши**

Қуръони карим етти ҳарфда нозил қилингани ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ ҳадислар ворид бўлган. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласди: “Жаброил менга (Қуръонни) бир ҳарфда ўқиб берарди. Бас, мен ундан то етти ҳарфга етгунича зиёда қилишни сўрайвердим” (Муттафақун алайҳ).

Бундан келиб чиқадики, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз умматларига енгиллик, кенглик ва раҳмат бўлиши учун Аллоҳ таолодан Қуръонни бир неча ҳарфда нозил қилишини сўраган эканлар. Шу зайл Қуръон етти ҳарфда нозил бўлди.

Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиласди: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик пайтларида Ҳишом ибн Ҳакимнинг Фурқон сурасини ўқиганини эшитган эдим. Унинг қироатига қулоқ тутсам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ўргатмаган бошқа услубда ўқияпти. Шунда мен намозда ўтирган ҳолида унинг ёқасидан тутмоқчи бўлдим, аммо сабр қилиб, намозини тугатиб олишини кутдим. У салом бериб, намоздан чиққач, ёқасидан олиб: “Ҳозир мен эшитган қироатни сенга ким ўргатди?” – дедим<sup>3</sup>. У бўлса: “Расулуллоҳнинг ўзлари ўргатганлар”, – деб жавоб берди. Мен: “Ёлғон айтяпсан! Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга сен ўқигандан бошқача (қироат)ни ўргатганлар”, – дедим-да, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бордим ва: “Мен манави Фурқон сурасини бошқача услубда ўқиганини эшитдим, Сиз уни менга ўргатмаган эдингиз”, – дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга қаратса: “Уни ўз ҳолига қўй!” – дедилар. Сўнгра Ҳишом-

## Тажвид қоидалари

га: “Эй Ҳишом, ўқи!” – дедилар. Ҳишом Расууллоҳ соллаллоҳ алайҳи ва салламга мен эшитган услубда қироат қилиб берди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бу (сура) шундай нозил қилинганд”, – деб айтдилар. Мен ҳам Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўзлари ўргатгандаридек қироат қилиб бердим. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бу (сура) шундай нозил қилинганд. Дарҳақиқат, Қуръон етти ҳарфда нозил қилинганд. Бас, ундан қодир бўлганингизча ўқинглар!”<sup>4</sup> дедилар. (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)

Ҳадисдаги “етти ҳарф”дан мурод нима экани борасида уламолар ўртасида ихтилофлар бор. Абу Ҳотим ибн Ҳиббон ушбу мавзуга доир ўттиз беш қавлни келтириб ўтган. Ибн Арабий айтади: “Бундан мурод нима эканлиги ҳақида бирон ривоят ёки хабар келмаган”. Халил ибн Аҳмад: “Етти ҳарфдан мурод етти қироатдир”, – деган. Айтиладики: “Етти ҳарф арабларнинг етти қабиласини англатади”. Бу фикрни Абу Убайд ва Саълаб айтганлар. Муҳаммад ибн Али Шавканий айтади: “Ҳадисдаги етти ҳарфдан мурод арабларнинг тилларидир. Зоро, арабларнинг етти хил тили мавжуд. Ушбу тиллар баъзи сўзларда бир-биридан фарқ қиласи, аммо аксият қисми бир-бирига мувофиқ”.

Кўпчилик уламолар Имом Абулфазл ар-Розийнинг бу борада билдирган фикрини маъқуллаганлар. У ҳам бўлса, баъзи ўзгариш ва турли хилликларда кўзга ташланади. Улар қуидагилар:

**Биринчиси:** исмларнинг бирлик, иккилик, кўплик<sup>5</sup>, музаккар (русча “мужской род”), муаннас (русча “женский род”)да фарқланиши. Масалан:

﴿وَ عَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامٌ مِسْكِينٌ ﴾ صَلَوةٌ ﴾

سورة ۱۸۴ الْبَرَة ، آیة

Бу ердаги бирлик шаклда келган (“мискийн”) сўзи кўплик шаклида (“масакийн”) бўлиб ҳам ўқилади.

﴿فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخْوَيْكُمْ﴾ ، سورة الْحَجَرَات ، آیة ۱۰

Иккиликдаги (“аховайкум”) сўзи кўплик шаклида (”ихватикум“) деб ҳам ўқилиши мумкин.

﴿وَ لَا يُقْبِلُ مِنْهَا شَفَاعَةٌ﴾ ، سورа آلбقرе، آية ٤٨

Оятдаги (“йуқ.балу”) сўзи музаккар жинсида бўлиб, у муаннас шаклда (”туқ.балу“) тарзида ҳам ўқилади.

**Иккинчиси:** феълларнинг ўтган (мозий) ёки ҳозирги-келаси замон (музорий), буйруқ майли (amp)да тусланишидаги турли хил шакллар. Масалан:

﴿فَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا﴾ ، سورа آلбقرе، آية ١٨٤

Шунингдек, бу сўз (йаттова-шы) ўтган ҳозирги-келаси замонда ҳам ўқилиши мумкин.

﴿قَالَ رَبِّيٌ يَعْلَمُ الْقَوْلَ فِي السَّمَاءِ وَ الْأَرْضِ صَلَّى﴾

سورа آلأنбияء، آية ٤

Бу ерда ўтган замондаги (”қола“) феъли буйруқ майлida (”қул“) деб ҳам ўқилади.

**Учинчиси:** эъроб, яъни ҳарфлар ҳаракатининг турли хиллиги. Масалан:

﴿وَ لَا تُسْأَلُ عَنْ أَصْحَابِ الْجَحِيمِ﴾

سورа آلбقرе، آية ١١٩

Бу ердаги (”lá тусъалу“) сўзи жазмда (”lá масъал“) деб ҳам ўқилади.

**Тўртингиси:** баъзи ҳарфларнинг тушиб қолиши ёки зиёдалашиши. Масалан:

﴿وَ سَارِعُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِّنْ رَّبِّكُمْ﴾

سورа آل عمرан، آية ١٣٣

Оят бошидаги (“ва сáри-ۇув”) сўзи олдидағи “вов” ҳарфи тушиб қолиб, (“سارعوا” “cári-ۇuv”) деб ҳам ўқилади.

**Бешинчиси:** баъзи сўзларнинг ўрин алмашиниши, яъни олдинга ёки орқага ўтиши. Масалан:

﴿وَ قَاتَلُوا وَ قُتِلُوا...﴾ ، سوره آل عمران ، آية ۱۹۵

Ушбу оятда (قتلوا “qótaluv”) сўзи олдин, (قتلوا “qótaluv”) кейин келмоқда. Шунингдек, (قتلوا “qótiluv”) аввал, сўнг (قاتلوا “qótaluv”) ўқилиш шакли ҳам мавжуд.

**Олтинчиси:** ҳарфларнинг ўрин алмашинишидаги турли хиллик. Масалан:

﴿هُنَالِكَ تَبْلُوا كُلُّ نَفْسٍ مَا أَسْلَفَتُ﴾ ، سوره يونس ، آية ۳۰

Оятдаги (تَبْلُوا “tablув”) сўзи икки “tá” билан (“tablув”) деб ҳам ўқилиши мумкин.

**Еттингчиси:** лаҗжалардаги турли хилликлар, яъни араб лаҗжаларида баъзи сўзлар талафузининг бир-биридан фарқланishi мавжуд. Масалан, **خطوات** сўзини “хутуват” ёки “хутват” деб ўқиш мумкин. Шунингдек, **بُيُوت** сўзи “буйувтун” ёки “бийувтун” деб ўқилади<sup>6</sup>.

Юқорида келтирилган мисоллар ҳақидаги тўлиқроқ маълумотни Шайх Али ибн Мустафонинг “Муҳаззабу тафсирл-жалалайн” номли китобидан олишингиз мумкин.

### **Куръони каримнинг етти ҳарфда нозил қилинишидан кўзланган ҳикмат**

Куръони каримни етти ҳарфда нозил қилинишидаги ҳикмат ўнуки, ушбу Китоб араб тилида тушрилган. Маълумки, арабларнинг лаҗжалари турлича бўлиб, уларнинг асоси бир. Агарда Аллоҳ таоло Куръонни бир услубда, бир ҳарфда нозил қилганида, бу нарса умматга машаққат туғдирган бўларди. Шу сабаб Мехрибон Аллоҳ таоло бандаларига Ўз Динини осон қилгани каби, Китобини ҳам биз мўминлар ёдлашимиз, ўқиб амал қилишимиз учун енгил қилиб қўйди, Ҳабиби

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга уни етти ҳарфда қироат қилишга изн берди<sup>7</sup>.

Шунингдек, бунинг яна бир ҳикмати шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рост пайгамбар эканликларини тасдиқловчи мўъжиза сифатида Қуръон у кишига шу зайлда нозил бўлди. Зеро, факат Курайш лаҳжасинигина биладиган бир кишининг бошқа лаҳжаларда илохий хабарларни келтириши мўъжиза бўлмай нима ахир!?

## **Имом Осимнинг таржимаи ҳоли**

**Исми:** Осим ибн Абун-нажуд Асадий ал-Куфий. Куняси – Абу Бакр. Айтилишича, отасининг исми Абдуллоҳ бўлган.

**Тутган мавқеи:** У Куфадаги қорилар шайхи, етти қироат соҳибларидан бири, машҳур тобеъинлардан эди. Тамимий ва Ҳорис ибн Ҳассон ал-Бакрийларнинг суҳбатида бўлган.

Осим фасоҳат, балоғат ва тажвид илмларини чуқур билган. Қуръон ўқишида овози энг чиройли кишилардан бири эди. Абдураҳмон Суламийдан сўнг у Куфада қироат соҳасидаги энг пешқадам кишилардан саналган. Қироат илмидан дарс олиш учун унинг ҳузурига турли ўлкалардан қўплаб толиби илмлар келишарди.

Абу Бакр ибн Иёш айтади: “Мен Абу Исҳоқ Субайъийнинг: “Осим ибн Абун-нажуддан ҳам кўра Қуръонни яхшироқ ўқувчи бирон кишини кўрмадим. У суннат – ҳадис соҳасининг тил, наҳв (грамматика) ва лугат бўйича билимдодни эди”, деб айтганини кўп бора эшитганман”.

**Маноқиби** (хусусият ва фазилатлари): Имом Осимнинг яхши хислат ва фазилатлари кўп бўлган. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: “Мен отамдан Осим ҳақида сўрадим. Отам: “У жуда солиҳ, кишиларга кўп яхшилик қилувчи ва ишончли одам эди”, деди. Сўнгра мен ундан: “Сиз учун қайси қироат афзал?” деб сўрадим, “Мадина аҳлиниңг қироати”, деб жавоб берди отам. Мен: “Мадина аҳлидан сўнг қайси қироат энг севимли?” деб сўраганимда, у: “Осимнинг қироати”, деб жавоб қилди.

Абу Бакр Шуъба ибн Иёш шундай дейди: “Мен Осимнинг ҳузурига кирсам, ўлими яқинлашиб қолган экан, у бўлса

﴿ ثُمَّ رُدُوا إِلَىٰ اللَّهِ مَوْلَاهُمُ الْحَقُّ ﴾

Яъни, “Сўнгра (бандалар) ҳақиқий **Хожалари – Аллоҳга қайтарилурлар**” (Анъом, 62) оятини худди намоздагидек маромига келтириб қироат қилаётган экан. Ҳа, унинг тили Куръонни тажвид билан ўқишига одатланиб кетганди”.

Айтилишича, Имом Осим ҳижрий 127 йили Куфада ва-фот этган ва Шомга дафн этилган.

**Ривояти:** Имом Осимдан Куръони каримни сон-саноқсиз кишилар ривоят қилишган. Уларнинг энг машҳурлари Имом Ҳафс ибн Сулаймон ва Абу Бакр Шуъба ибн Иёшлардир. Шунингдек, Ҳаммод ибн Салама, Сулаймон ибн Маҳрон Аъмаш, Абулмунзир Салом ибн Сулаймон, Саҳл ибн Шуъайб ва бошқалар ривоят қилганлар.

**Имом Осим қилган ривоят санадининг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламгача боғланиши.**

Қироатда Имом Осим ривоятининг санади Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш Али ибн Абу Толиб ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анхумоларда тугайди. Имом Осим раҳматуллоҳи алайҳ Абу Абдурраҳмон Суламийдан қироат илмини ўрганган. Суламий эса, Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анху кўлида ўқиган. Али розийаллоҳу анху ўз навбатида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қироатни ўрганган.

Шунингдек, Имом Осим Зирр ибн Ҳубайш ал-Асадийдан ҳам қироат илмини ўрганган. Зирр эса, Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анхудан, Абдуллоҳ ибн Масъуд Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қироат илмини таълим олган.

Имом Осим раҳматуллоҳи алайҳ Суламийнинг ривоятини Ҳафсга, Зирр ибн Ҳубайшнинг ривоятини Шуъбага таълим берар эди.

## **Имом Ҳафснинг таржимаи ҳоли**

**Исми:** Ҳафс ибн Сулаймон ибн Муғијра ибн Абу Довуд ал-Асадий ал-Куфий ал-Баззоз. У Осимнинг шогирди, қариндошлик жиҳатидан қайин иниси бўлган. Куняси – Абу Умар.

Имом Ҳафс Имом Осимдан мушофаҳа<sup>8</sup> йўли билан дарс олган ва бу соҳада етук, мукаммал илм соҳиби даражасига этишган. Бунга ўз даврининг уламолари ҳам гувоҳлик беришган. Имом Шотибий у ҳақида шундай дейди: “Ҳафс Қуръонни мукаммал ёд олиш ва ҳарфларини талаффуз қилишда энг афзал киши эди”.

Шу сабаб унинг ривояти тезда машҳур бўлиб, кўпгина имомлар ундан илм ола бошладилар. Ҳафс Имом Осимнинг энг машҳур шогирдларидан бўлгани учун ҳам унинг вафотидан сўнг узоқ вақт кишиларга қироатдан дарс берган.

Яхё ибн Муиъйн айтади: “Имом Осимдан қилинган энг ишончли ва тўғри ривоят Абу Умар Ҳафс ибн Сулаймонни кидир”.

**Тутган мавқеи:** Абу Ҳишом Руфайй айтади: “Ҳафс ўз қироати билан Осимнинг энг билимдон шогирди бўлган. У Шуъбага қараганда ҳарфларни маҳражларидан аниқ чиқариш бўйича устун эди”.

Захабий шундай деган: “У қироат соҳасида ишончли ва мустаҳкамдир”.

**Ривояти:** Имом Ҳафсдан кўп кишилар қироат илмини ўргандилар. Улардан Ҳусайн ибн Мухаммад Марвазий, Амр ибн Сабоҳ, Убайд ибн Сабоҳ, Фазл ибн Яхё ал-Амборий ва бошқаларни келтириш мумкин.

Имом Ҳафс ҳижрий 90 йилда туғилиб, ҳижрий 180 йили вафот этган<sup>9</sup>.

## Тажвид илми ҳақида

Барчаларимизга маълумки, Ислом уммати қадимдан тажвид илмига катта аҳамият бериб келган. Салаф уламолар бу йўлда ўзларининг беминнат хизматларини кўрсатиб, кўплаб китоблар ёзганлар.

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, Қуръони каримнинг биз мўмин-мусулмонлар устидаги ҳақлари бор. Улардан бири Қуръонни тўғри, тажвид қоидаларига мос ҳолда тиловат қилишдир. Мақсад – Аллоҳнинг Каломини тадаббур этиш, унинг маъноларини тўғри фаҳмлаб этиш ва амал қилиш. Бу нарса тажвид илмини мукаммал эгаллаган устозлардан таълим олиш йўли билан амалга оширилади. Ҳамма ўз имкони-

ятига қараб бир устоз топиши ва тажвид илмини ана ўша устоз ёрдамида эгаллаши лозим.

Энди бевосита тажвид илми ҳақида түхталиб ўтамиз. Куръони карим бизгача ишончли ровийлар томонида нақл қилиниб келинган ва унинг таълими мушофаҳа йўли билан амалга оширилади. Барча қорилар силсиласи Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса, ўз навбатида, Куръонни Жаброил алайҳиссалом воситасида қабул қилганлар. Жаброил алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан ушбу Китобни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етказиш омонати топширилган<sup>10</sup>.


Куръони карим бизларга Оламлар Парвардигори тарафидан тажвидли ҳолида нозил қилинган бўлиб, ўз навбатида бизлар ўша аслиятни сақлаб қолишга қўлимиздан келганича ҳаракат қилишимиз керак.

“**Тажвид**” сўзи лугатда “бирон нарсани яхшилаб, сифатли ва мукаммал ҳолда бажариш” маъносини англатади. Истилоҳда эса, Куръондаги сўзларнинг ҳар бирини ўз миқдори ва сифатида талаффуз қилиш, истеъло ва истефола ҳарфларини бир-биридан фарқлаб, тафхим, тарқиқ, идғом, из-ҳор ҳамда шу каби қоидаларга амал қилиб ўқиши таълим берувчи илmdir.

Тажвид илмининг мақсади – ҳар бир Куръон ўқувчи кишига тўғри ва чиройли ўқиш, ҳар хил оҳанглардан сақлашишни таълим бериш ҳамда дунёю Охиратда бандани Аллоҳнинг розилигига эриштириш.

Куръони каримни тажвид билан ўқиши Куръон ўқувчи ҳар бир муслим ва муслима учун фарзи айн ҳисобланади. Киши хоҳ намозда, хоҳ намоздан ташқарида бўлсин тиловатини дуруст қилиши лозим.

Аллоҳ таоло Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда у кишининг умматларига шундай амр қилган:



“**Куръонни тартил билан тиловат қилинг!**” (Муззаммил, 4).

“Тартил” сўзи бирон нарсани шошмасдан, очиқ-ойдин ва тушунарли қилиб айтиш маъносига эга. Ибн Аббос ушбу оятни “Ҳамма тушунадиган қилиб ўқинг”, Захҳок эса “Ҳарфмаҳарф, оятни дона-дона қилиб ўқинг”, дея тафсир қилишган.

Абу Исҳоқ: “Тартыл қироатда шошилмаслиқдир. Бу ҳар бир ҳарфни ўз маҳражидан чиқариб, уларни бир-бири билан аралаштириб юбормай ўқиш орқали бўлади”, деб айтган.

Яна бир ояти каримада Аллоҳ таоло Ўзининг Китобини тўгри тиловат қиладиган бандаларини мақтаб шундай дейди:

الَّذِينَ ءَاتَيْنَاهُمُ الْكِتَبَ يَتَلَوَنَهُ حَقًّا تِلَاقَهُ أُولَئِكَ  
يُؤْمِنُونَ بِهِ وَمَنْ يَكْفُرْ بِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿١١﴾

**“Биз Китоб ато этган зотлар (орасида) уни тўгри тиловат қиладиган кишилар (ҳам бор)дирки, ана ўшалар (Куръонга) имон келтирурлар. Ва кимда-ким унга (яъни, Куръонга) коғир бўлса, ўшалар зиён кўргувчилардир”** (Бақара, 121).

Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг Китобини тўгри ўқимайдиган, тажвид қоидаларига амал қилмайдиган эътиборсиз кишилар мазаммат (маломат) қилинмоқда.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Куръонни таганний қилмаган одам биздан эмас!” (Бухорий ривояти.)

Имом Шофеъий: “Ушбу ҳадиснинг маъноси қироатда овозни чиройли ва майнин қилишдир”, деб айтган.

### **Тажвид илмини ўрганиш фазилати**

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимки Аллоҳнинг Китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бир ҳасана (яхшилик, савоб) ёзилади. У савоб (Аллоҳ даргоҳида) ўн баробар зиёда қилинади. Мен: “Алиф, лám, мийм”ни бир ҳарф, деб айтмайман, балки “алиф” бир ҳарф, “лám” бир ҳарф ва “мийм” бир ҳарфдир” (Термизий ривояти. Ҳадиснинг санади ҳасан-саҳиҳ-ғариби).

Яъни, Аллоҳ таоло Куръони каримни ихлос билан, тажвид қоидаларига амал қилиб тиловат қилувчи қорига ҳар бир ҳарфни ўқигани учун ўнта савоб ва яхшилик ато қилади. Бу ерда Аллоҳнинг Китобини тиловат қилиш фазилатли амаллардан эканлиги айтилмоқда. Аллоҳ таоло бандаларига Ўз Китобини ўқиш орқали кўплаб ажр ва мукофотларга эришиш имкониятини бериб қўйган. Ўз ўрнида, бу имконият-

дан ҳар биримиз унумли фойдаланишимиз керак. Бунинг учун Қуръони каримни ўқиши қоидалари ҳисобланмиш тажвид илмидан дарс қилиш ҳамда уни пухта ўзлаштириб олиш керак. Қуръони каримнинг ҳар бир ҳарфини ўқиганлик учун ўнта савоб олиш уни тажвид қоидаларига мос ҳолда ўқиши билан бўлади. Тўгри, Қуръоннинг бошқа тилларга қилинган таржималарини ўқиши ҳам савобли иш, лекин ҳадисда келган ваъдалар айнан тажвид илми талабларига мувофиқ тарзда, соғ араб тилида тиловат қилган кишиларгагина таалуқлидир.

Ҳадисларнинг яна бирида ўзаро йигилишиб, Қуръонни тиловат қилиш ва тажвид қоидаларини ўрганиш жуда фазилатли амал экани таъкидланган. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини ривоят қиласди: “Агар бирон қавм Аллоҳнинг уйларидан бир уйда (яъни, масжидда) йигилиб, Аллоҳнинг Китоби (Қуръони карим)ни ўқисалар, уни ўзаро дарс қилиб ўргансалар, албатта уларнинг устиларига сакийна тушади, раҳмат ўраб олади ва фаришталар ҳам уларни қанотлари билан ўраб оладилар ҳамда Аллоҳ уларни Ўз даргоҳидагилар қошида зикр қиласди” (Муслим, Абу Довуд ва бошқалар ривояти).

Бу ердаги “сакина”дан мурод тинчлик, хотиржамлик, саломатлик, баҳт-саодат ва ибодатларнинг ҳусни қабул қилинишидир.

Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қиласди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: “Қуръонни маҳорат билан тиловат қилувчи қори улуғ фаришталар билан бир мақомдадир, тили қийналиб тиловат қилувчига эса икки баробар кўп ажр бўлади” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Қуръони каримни маҳорат билан, ҳеч қийналмай ўқий олиш ўзига хос фазилат бўлса, тили ҳарфларни талаффуз қилишга қийналадиган кишиларнинг даражаси улардан юқорироқдир. Чунки қийинчилик билан бўлса-да, Раббининг Китобини ўқийман, унга амал қиласман, деган бандани Аллоҳ таоло кўпроқ яхши кўради. Шунингдек, тили оятларни ўқишига унчалик ҳам келишмаётган кишининг сабр қилиб, тиловатда бардавом бўлиши қийин иш. Шу сабаб адолатли Зот бўлган Аллоҳ таоло буни ҳам инобатга олиб

банданинг ҳаракатларини муносиб тақдирлайди. Ўз навбатида бизлар тажвид илмини ўрганиш ёки Каломуллоҳни ўқиш давомида бирон машаққатта дуч келсак, сабр қилишимиз, Аллоҳнинг бандаларига берадиган беҳисоб ажрларини хаёлдан ўтказишимиз керак.

Яна бошқа бир ҳадисда шундай дейилади: “Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, сўнг уни (бошқаларга) ўргатувчиларингиздир” (Бухорий ривояти).

Бу ерда умуман Қуръон илмларини ўрганиш назарда тутилмоқда. Қуръон илмларига оятларнинг нозил бўлиш сабаблари (асбабун-нузул), маккий ва маданий суралар, ноҳих ва мансух оятлар, муҳкам ва муташобиҳ оятлар, қолаверса, тажвид илми ҳам киради. Демак, ушбу илмларни ўрганиб, кейин уни бошқаларга таълим бериш банданинг Аллоҳ даргоҳидаги мартабаси ошишига сабаб бўлади.

Хуллас, ҳар биримиз Аллоҳнинг Каломи бўлмиш Қуръонга ҳурмат билан қарашимиз ва тиловатда тажвид қоидаларига амал қилиб бормогимиз талаб этилади.

### **Савол ва топшириқлар:**

- 1) Тажвид илмининг тарихи ҳақида тўхталиб ўтинг.
- 2) Имом Осим ва Имом Ҳафсларнинг ҳаёти ҳақида маълумот беринг.
- 3) Етти хил қироатдан мурод нима?
- 4) Қуръони каримни етти хил қироатда туширилишидан кўзланган ҳикмат нима?
- 5) “Тажвид” сўзининг маъноси нима?
- 6) Тажвид илмида нималар ўрганилади?
- 7) Нима сабабдан тажвид илмiga уламолар томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинади?
- 8) Тажвид илмини ўрганиш фазилатлари ҳақида тўхталиб ўтинг ва у мўмин ҳаётида қандай аҳамият касб этади?

## Лаҳн ва унинг турлари


Куръони каримни ўқувчи ҳар бир кишига тажвид қоидаларига амал қилиш вожиб экан, у ҳолда қироатда лаҳн қилиш ҳаром, таҳриф эса, гуноҳдир.

“Лаҳн” сўзи лугатда “сўз ёки жумлани нотўғри талаффуз қилиш” маъносини англатади.

“Таҳриф” эса, “бирон ҳарф ёки сўзни ўз маъносидан ўзгартириш”ни билдиради.

Куръон ўқувчи қори бу иллатлардан узоқлашиш учун, аввало, лаҳн нима эканлигини яхши билиб олиши лозим.

### Лаҳннинг турлари



Лаҳн икки қисмга: жалий (очик-оидин) ва хафий (яширин; махфий)ларга бўлинади.

Биринчи қисм: **жалий**. Бу ҳолат сўзларда кўзга ташланиб, у сўзнинг тузилишини бузади. Бу хил лаҳннинг жалий деб аталишига сабаб шуки, у катта хато бўлиб, уни ҳамма – тажвид соҳасини яхши билган уламолар ҳам, оддий ҳалқ ҳам билади. Масалан, ﴿أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ﴾ жумласидаги “tá” ҳарфининг ҳаракатини касра (“ан-аъмти”) ёки замма (“ан-ъамту”) деб ўқиш, ﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ﴾ даги “ҳá”нинг ҳаракатини замма билан (“алҳамду лиллаҳу”) деб ўқиш. Шунингдек, ҳарф ёки ҳаракатнинг ўрнини алмаштириб ўқиш. Масалан, “tó”-ни “дál” ёки “tá” қилиб ўқиш ва бошқаларни келтириш мумкин.

Жалий лаҳннинг ҳукми – уламолар ижмосига кўра ҳаром. Жумладан, агар қори атайлаб ёки эътиборсизлик билан шундай ўқиса, бу ҳукмнинг таъкиди янада ошади.

Иккинчи қисм: **хафий**. Бу ҳолат ҳам сўзларда кўзга ташланади, аммо у сўз тузилишини ўзгартирмайди, фақатгина қироат талабларига жавоб бермайди, холос. Бу турдаги лаҳнинг хафий дейилишига сабаб – уни фақатгина тажвид илмининг мутахассислари сезадилар, бошқалар бунга унчалик эътибор бермайди. Яъни, бир киши агар қироатида идғомга эътибор бермаса, буни фақатгина тажвид илмидан хабари бор одамгина билади, бошқалар эса унинг хато ўқиётганини сезишмайди.

Хафий лаҳнга изҳор, идғом, ихфо қоидаларига амал қилмаслик мисол бўла олади. Умуман олганда, хафий лаҳн гарчи жумлани тўғри ўқиса-да, унда тажвид қоидаларига амал қилмаслиkdir.

Хафий лаҳннинг ҳукми ҳам ҳаромдир, баъзилар уни макруҳ, дейишган.

Хафий лаҳнга шунингдек, мадларга беэътибор бўлиш, уларни кам ёки ортиқ микдорда чўзиш, ҳарфларнинг ўз маҳражларидан чиқишига парво қилмаслик, “ró” ҳарфини ўта тақрир қилиб ўқиш, тарқиқли ҳолатда “лом”ни йўғон ўқиш ва ҳоказоларни ҳам киритадилар.

Имом Ибн Жазарий “Ан-нашр”да шундай дейди: “Бу соҳада кишилар уч турга бўлинадилар: ажр олувчи, гуноҳкор ва узрли кишилар. Кимки Аллоҳ таолонинг Каломини тўғри, фасоҳат билан ўқишга қодир бўла туриб, уни атайлаб бузиб ўқиса ёки ҳар хил оҳангга солса, шубҳасиз, у гуноҳкордир. Аммо, кимки тилини қироатга ҳеч келиштира олмаса ёки тўғри ўқиш қоидаларини сўраш учун олимни топа олмаса, у узрли ҳисобланади. Зеро, Аллоҳ бирон нафсни ўз тоқатидан юқори нарсага ундамайди”.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, мусулмон банда Аллоҳнинг розилигини топиш, кўплаб ажр-савобларга ноил бўлиш учун Куръони каримни тўғри ўқишга бор имкониятини сарфлаб, қаттиқ жидду жаҳд қилиши керак. Ана шундагина қўзланган мақсад ҳосил бўлади.

## Асосий қисм Китобнинг истилоҳи

1) Қоидаларга келтирилган баъзи мисолларнинг ўқилиши<sup>11</sup> кирил алифбосида курсив ҳарфлар билан берилди.

Фақат араб тилигагина хос бўлган ҳарфлар қўйидагича фарқланди. (Бу ерда қиёс учун ўзбек тилида мавжуд ҳарфлар ҳам келтирилди):

**m** – оддий “тá” (ت) ҳарфи. Ушбу ҳарф талаффузи ўзбек тилидаги “т”нига мувофиқ.

**м** – “tó” (ط) ҳарфи. Махражи<sup>12</sup> – тил учи ва олдинги икки тиш туби.

**c** – “cá” (ث) ҳарфи. Махражи – тилнинг икки тарафи ва олдинги икки устки тишлар ораси.

**c** – “сийн” (س) ҳарфи. Ўзбек тилидаги “с” каби талаффуз қилинади.

**с** – “сód” (ص) ҳарфи. Махражи – тил учи ва олдинги икки тиш туби.

**ҳ** – “ҳá” (ح) ҳарфи. Бу ҳарф “ҳойи хутий” деб ҳам атлади. Махражи – ҳалқум ўртаси.

**х** – “хó” (خ) ҳарфи. Махражи – ҳалқумнинг энг юқори қисми.

**ҳ** – юмшоқ “ҳá” (ه) ҳарфи. Махражи – ҳалқумнинг энг куйи қисми.

**з** – “zá” (ڙ) ҳарфи. Ўзбек тилидаги “з” каби талаффуз қилинади.

**з** – “зál” (ڙ) ҳарфи. Махражи – тилнинг икки тарафи ва олдинги икки устки тишлар ораси.

**з** – “зó” (ظ) ҳарфи. Махражи – тилнинг икки тарафи ва олдинги икки устки тишлар ораси. Ушбу ҳарфнинг “зál”дан

## *Тажвид қоидалари*

фарқи шуки, “зó”нинг талафкузида тил тепа тиш томон бир оз кўтарилади.

**ڏ** – “ڏڙو” (ض) څارфи. ماخراجي – تيلنинг ўнг ва чап ёnlари билан остки ҳамда устки озиқ тишлар ораси.

2) Мисолларда учрайдиган “ъ” белгиси араб тилидаги “ع” (“айн”) ҳарфини англаатади:

*таڭلаму* – علمٌ; *жувѣун* – جُوْعٌ; *دىلمۇن* – علمٌ

Агар “Лайн” ҳарфидан сүнг алиф келса, у қуидаги шаклда берилди:

“بَالِيمُول-فَوْيَبِي...” - عَالَمُ الْغَيْبِ

3) “ض” ҳарфи “дзод”, яъни “д” ва “з” ҳарфлари биргаликда тўқ қора рангда ҳамда тагига чизиқча тортилган ҳолда берилди:

وَجَدَكَ ضَالًاً فَهَدَى

“ва важдака дзооооооллан-фаҳада”

4) Ҳамза ( ə ) сукун ҳаракатини олса ёки ҳамзадан олдинги ҳарф сукунли бўлса, у “ъ” белгиси билан ифодаланади:

йа<sup>ث</sup>тий – يَأْتِيٌّ ; шайбун – شَبَّعٌ ; йан<sup>ه</sup>авна – يَنَاؤْنَ

“Ҷайн” ва ҳамза ҳаракатини ифодалаш учун бир белги олинган, уларнинг фарқи “Ҷайн” ҳарфи тагига чизиқ тортилади, ҳамзаникода эса йўқ.

5) “қóф”, “tó”, “бá”, “жийм”, “дál” ҳарфларидан сүнг нуқта қўйилса, бу ўша ерда қалқала қилиш, яъни тебратиб ўқиш лозимлигини билдиради:

ва лақод. — масад. — مسَدْ ; وَ لَقَدْ *tibri* — تُبْرٌ — *tibri* — تُبْرٌ

6) Ихфө қоидасига берилган мисоллар қўйидагича келтирилди:

линаи-зуро – لَنْنَظُرْ ; мин-фа~~дз~~лиҳ – منْ فَضْلَهْ ;

## Тажвид қоидалари

an-kána – ئانْ كَانْ ; sun-дусин – سُنْدُسٌ

Бу ерда сукунли “нуvn” ўзидан кейин келаётган ҳарф махражига яшириб ўқилади. Шунингдек, сукунли “мийм”-нинг “bá” ҳарфига ихфо бўлиши ҳам шу тарзда берилди:

﴿إِنْ رَبُّهُمْ بِهِمْ يَوْمًا مِّنْ لَكَبِيرٍ﴾  
“инна роббаҳум-бихим” – زَوْجٌ بَهِيجٌ

7) Сукунли “нуvn” ёки танвин “bá” ҳарфига йўлиққанда, у “мийм”га алиштириб, иқлоб билан ўқилади. Мазкур ҳолат мисолларда қуидагича берилди:

“завжим-бахиииийж.” – زَوْجٌ بَهِيجٌ

Бу ердаги тагига чизиқча тортилган “мийм” (م)да икки ҳаракат миқдорида ушлаб турилади.

8) Шунингдек, фуннали идғом ҳарфлари ҳисобланмиш “нуvn”, “мийм”, “váb” ҳамда “йá” (ي, م, ف, ي)ларнинг остига чизиқча қўйилган бўлса, бу ўша ҳарфларда ҳам икки ҳаракат миқдорида ушлаб туриш лозимлигини англатади:

﴿لَنْ نَدْخُلُهَا﴾  
“лан-над.хулаҳá” – لَنْ نَدْخُلُهَا

﴿مِنْ مَسَدٍ﴾  
“мим-масад.” – مِنْ مَسَدٍ

﴿مِنْ وَرَائِهِمْ﴾  
“мив-вароооооиҳим” – مِنْ وَرَائِهِمْ

﴿لِمَنْ يَخْشَى﴾  
“лимай-йахшá” – لِمَنْ يَخْشَى

9) Баъзи арабий мисолларнинг тагига чизиқча тортилган. Бу ундан олдин келган қоида айнан ўша белгиланган сўз ёки ҳарфларда акс этган, деганидир. Масалан, “ф” ва “в” ҳарфларини бир-биридан ажратиб, алоҳида талаффуз қилиш лозимлигига оид мисоллар қуидагича келтирилган:

(Оли Имрон, 167) ﴿يُقُولُونَ بِأَفْوَاهِهِمْ مَا لَيْسَ فِي قُلُوبِهِمْ﴾

10) “á” белгиси “а” унлисини икки ҳаракат, яъни бир алиф миқдорида чўзиш кераклигини билдиради<sup>13</sup>:

كتابُ –

“и” ва “у” унлиларида “и”дан сўнг “й” ҳарфи, “у”дан сўнг эса “в” ҳарфи келтириш билан ифодаланди,

تَيْنِينٌ – طِينٌ ; خُورُونْ – حُورُونْ

11) “aaaa”; “aaaaa”, “уууу”; “ууууу”, “ииии”; “иииии” белгилари мадларни тўрт ёки беш ҳаракат миқдорида чўзиш лозимлигини англаради:

وَ جَاءَ بِعِجْلٍ سَمِينٌ

“ва жсаааа-а би-ڦижслин-самиииийн”

12) “aaaaaa”, “уууууу”, “ииииии” белгилари эса, фақат лозим мадлардагина бўлиб, у мад ҳарфларни олти ҳаракат миқдорида чўзиш вожиблигини билдиради. Истеъло ҳарфларида фатҳа “oooooo” тарзida берилди:

صَوَافُ –

وَ لَا جَانٌ –

وَ لَا الْضَّالِّينَ –

13) “вв”, “йй”, “вввв”, “йийй”, “вввввв”, “йийийй” белгилари лиин ҳарфларининг чўзилиш миқдори бўлиб, бу нарса уларни икки, тўрт ёки олти ҳаракат миқдорида чўзиш лозимлигига далолат қиласди:

وَ الصَّيْفُ –

عَلَيْهَا الْمَوْتَ –

عَسْقٌ –

14) Аксар ҳолларда арабча мисолларнинг ўқилиши араб ҳарфлари орқали ҳам берилди. Масалан:

**﴿مُنْفَطِرٌ بِهِ﴾ - مُنْفَطِرُ مِنْهُ ، ﴿زَوْجٌ بَهِيجٌ﴾ - زَوْجٌ جَمْبَهِيجٌ**

**﴿مَشَائِئِ بَنَمِيمٍ﴾ - مَشَائِئِ بَنَمِيمٍ**

### Биринчи дарс

## Араб алифбоси

Тажвид илми ҳарфлар асосига қурилган. Тажвид илмининг ilk босқичи ҳарфлар талаффузини пухта ўзлаштириб олишдир. Шу сабаб аввал араб тилидаги ҳарфлар ва уларнинг талаффузини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Араб алифбосида 29 та ҳарф бор<sup>14</sup>. Ундаги ҳар бир ҳарф алоҳида, сўз бошида, ўртасида ва охираша келган шаклларга эга. Ҳар бир ҳарфнинг ёзилиши унинг қандай вазиятда турганига боғлиқ. Ҳарфларнинг аксарият қисми (23 таси) ҳар икки томондан бошқа ҳарфларга қўшиб ёзилади. Қолган 6 та ҳарф эса фақат бир томондан қўшиб ёзилади<sup>15</sup>.

Кўпчилик ҳарфлар имло нуқтаи назаридан бир-бирига ўхшаш шаклларга эга бўлиб, уларни фарқлайдиган белги уст ёки тагига қўйилувчи нуқталардир. Нуқталар сони бир, икки ёки учта бўлиши мумкин.

Араб алифбосида ҳарфлар бошқа кўпгина халқларникида бўлгани каби бош ва кичик шаклларга эга эмас. Алифбодаги ҳарфлар қуидагилар<sup>16</sup>:

‘ - алиф(ун), ‘ - ҳамза(тун), ب - бá(ун), ت - tá(ун), ث - ثá(ун), ج - жийм(ун), ح - ҳá(ун), د - дál(ун), ذ - зál(ун), ر - ró(ун), ز - zá(ун) ёки зáй, س - сийн(ун), ش - шиин(ун), ص - сód(ун), ض - ڏzód(ун), ط - tó(ун), ڏ - ڏzó(ун), ع - ڦайн(ун), غ - ڳойн(ун), ف - фá(ун), ق - ڳóف(ун), ك - کáф(ун), ل - лám(ун), م - мийм(ун), ن - нувн(ун), ڻ - ڻá(ун), و - wáb(ун), ڦ - ڦá(ун)

Ҳар бир тил ўз нутқ тизимига эга. Араб ва ўзбек тилларида ҳар икки тил учун хос бўлган, бир хил талаффуз қили-

надиган товушлар бор. Айни пайтда ҳар бирининг ўзигагина хос, бошқасида учрамайдиган товушлари ҳам бор. Биз ўз она тилимизда талаффуз кўникмасини гўдаклигимиздан ҳосил қилганмиз. Бироқ, ўзбекча сўзлашиш кўникмаси араб тилида гапириш ёки арабча матнни ўқий олиш учун кифоя қилмайди. Арабча ҳарфларни тўгри талаффуз қилиш учун баъзи бир янги кўникмаларни ҳосил қилиш керак бўлади.

### Алиф (۱)

Алиф – алифбонинг дастлабки ҳарфи. У ўзи алоҳида бирон товушни билдирамайди. Алифнинг ёзув тизимидағи вазифаси унинг олдидаги, устида ёки тагидаги белги ва ҳаракатларга боғлиқ бўлади. Агар алифдан олдин фатҳа келса, чўзиқ “á” (aa) тарзida ўқилади. Шунингдек, алифнинг усти ёки остида ҳамза бўлса, у ана ўша ҳамза учун таянч вазифасини ўтайди. Алиф фақат ўн томондан бошқа ҳарфларга бириткирилиши мумкин. Мисоллар<sup>18</sup>:

اَلْكِتَابُ ، ثَوَابُ ، اَلْرَحْمَانُ ، حَالٌ ، قَالَ ، بَأْسُ  
 ﴿إِنَّ رَبَّكَ لَبِالْمِرْصَادِ﴾ ، ﴿فَأَنْزَلْنَا بِهِ الْمَاءَ﴾

Агар алифдан олдинги ҳарф йўғон ўқилувчи (тафхим) бўлса, у ҳолда алиф “а” эмас, балки “о”, деб ўқилади:

قَالَ ، فِي الْغَابِرِينَ ، الْظَّالِمِ ، خَلَقَ ، مِنَ الصَّالِحِينَ  
 “қóла; фíл-ѓóбирийн; аз-зóлими... ; холақо;  
 минас-сóлиҳийн”

Куръони каримда алиф ҳарфининг миқдори 38285 тани ташкил қиласиди.

### Ҳамза (۲)

Махражи – ҳалқумнинг энг қуий қисми. Ҳамза товуш пайчаларида пайдо бўладиган жарангсиз, шовқинли, портловчи ундош. Унинг талаффузида товуш пайчалари ўзаро жислашиб, вужудга келтирган жуда қисқа тўхталиш натижасида тўсилган ҳавонинг сиртга интилиши кучидан ажралади. Портлаб отилган ҳаво оғиз бўшлиғига ўтади ва шу аснода

## Тажвид қоидалари

енгил томоқ қирилишини эслатувчи товуш талаффуз қилинади. Юмшоқ танглай күтарилган, бурун бўшлиғига ўтиш ёюли ёпиқ бўлади.

Ўзбек тилида бундай товуш йўқ. Бироқ унга яқин товушни араб тилидан ўзлашган баъзи сўзларнинг талаффузида учратиш мумкин. Масалан: “муаррих”, “масъул”, “маъмур”...

الْحَمْدُ ، الْذِينَ ، عَاتِي ، عَامِينَ ، أَصْلَحَ ، إِهْدَنَا ، فَاثُرَا  
فَأُوْرَا ، فَأَذْنُرَا ، أَعْلَقَى ، أَعْنَانَ ، يَنَاؤنَ ، مَنْ عَامَنَ  
﴿هَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ حِينٌ مِّنَ الْدَّهْرِ لَمْ يَكُنْ شَيْئًا مَّذْكُورًا﴾

Куръони каримдаги ҳамза ундошиниг миқдори 28718 тадир.

### Bá (ب)

“Bá” ҳарфи лаб ўртаси ундоши, жарангли. Талаффуз жараёнида икки лаб бир-бирига ёпишиб туради. Бу товуш ўзбек тилидаги “б” каби талаффуз қилинади. Бироқ, араб тилидаги “б” ўзбек тилидаги каби сўз ўртаси ва охирида жарангизлашмайди, яъни “п”га айланмайди. Масалан:

بَرِئَ ، بَصَلَهَا ، بَرْقُ ، بِهِمْ ، بِسَاحَتِهِمْ ، يَبِتَغُونَ ، مَآبٍ  
وَ إِلَى رَبِّكَ فَارْغَبْ﴾ ، ﴿لَا نُكَذِّبُ بِآيَاتِ رَبِّنَا﴾

Куръони каримда “ба” ҳарфи 11490 марта такрорланиб келган.

### Tá (ت)

Махражи – тил учи ва олдинги икки тиш туби. “Tá” танглай олди товуши, тиш ортида талаффуз қилинади, жарангиз. Ўзбек тилидаги “т” каби талаффуз қилинади. Мисол:

تَوَفَّاهُمْ ، كَدَتَ تَرْمَكَنْ ، تَأْكُلُونَ ، تَشَرُّبُونَ ، تَجْرِي ، جَنَّاتٍ  
﴿قُلْ تَعَالَوْا أَئْلُ﴾ ، ﴿هَلْ تَنْقِمُونَ﴾ ، ﴿بَلْ تَأْتِيهِمْ﴾

Куръони каримдаги “tá” ҳарфининг миқдори 12864 тани ташкил этади.

**Cá ( ث )**

Махражи – тилнинг икки тарафи ва олдинги икки устки тишлар ораси. Танглай олди сиргалувчиси, жарангсиз, шовқинли. У устки ва остки тишлар ўртасида талаффуз қилинади. Бундай товуш ҳозирги замонавий ўзбек тилида йўқ. Уни талаффуз қилишда тил учи тишлар орасига жойлаштирилади ва у юқоридаги тишларга маҳкам жипслалиб туради. Шунда тил учи билан пастки тиш орасида кичик тирқиши қолади. Нутқ аъзоларининг шундай ҳолатида “cá” куч билан талаффуз қилинади<sup>19</sup>. Масалан:

اَنْتَ حَتَّمُهُ ، إِنْ يَقْفُو كُمْ ، لَبْسُتُمْ ، اُورْتُنْتُمْ ، ثَالِثُ تَلَاثَةٍ  
 اُنْشِيٰ ، مِنْ ثَمَرَةٍ ، يُوْمَنْدَ ثَمَانَيَةٍ  
 اَمْثَالُكُمْ ، هَلْ ثَوَّبَ

“Cá” ҳарфининг Куръони каримдаги миқдори 1414 тадир.

**Жийм ( ج )**

Махражи – тил ўртаси ва унинг рўпарасидаги танглай. “Жийм” танглай ва тил олди ундоши, жарангли, шовқинли товуш. У ўзбек тилидаги “ж” ҳарфининг талаффузига тўлиқ мос келади. Масалан:

أَجْتَبْنُوا ، تَجْرِي ، تُجزَونَ ، حَاجَجْتُمْ ، يُنْجِيكُمْ ، مَنْ جَاءَ  
 أَوْ كَظُلْمَاتٍ فِي بَحْرٍ لُحْيٍ ، وَ جَهَادٍ فِي سَبِيلِهِ

Куръони каримда ушбу ҳарф 3317 марта такрорланиб келган.

**Xá ( ح )**

Махражи – ҳалқум ўртаси. “Xá” ҳарфи бўғизнинг ҳалқум қисмида пайдо бўлувчи жарангсиз, шовқинли, сиргалувчи ундош. Унинг талаффузида бўғиз мушаклари таранглалишиб, бир-бирига яқинлашиб келади. Улар жуда тифизлашади ва

## Тажвид қоидалари

натижада ўртада тор йўлак ҳосил бўлади. Ташибарига отилаётган ҳаво ана ўша тор йўлакдан ўта туриб, мускуллар устидан “сирғанади”. Натижада жарангиз шовқин тарзида “ҳá” ундоши талаффуз қилинади. Бунда товуш пайчалари мустаҳкам, юмшоқ танглай кўтарилган, бурун бўшлиғига олиб борувчи йўл берк бўлади. Ҳуллас, ушбу ҳарфни талаффуз қилиш жараёнида барча нутқ аъзолари тарангланган ҳолатда бўлади.

Ўзбек тилида бундай товуш йўқ. Мисоллар:

فَاصْفَحْ عَنْهُمْ ، سَبِّحْهُ ، أَلْحَقْ ، حَصْنَحْ  
وَأَنْحَرْ ، مِنْ حَسَنَةٍ ، أَلْحَجَ  
﴿لَا أَبْرَحُ حَتَّى﴾ ، ﴿غَفُورٌ حَلِيمٌ﴾ ، ﴿أَمْ حَسِبْتُمْ﴾

Куръони каримда “ҳá” ҳарфи 4138 марта тақрорланган.

## (Х)

Махражи – ҳалқумнинг энг юқори қисми. “Хó” шовқинли, жарангиз, чуқур танглай орқа товуши. Бу ундош талаффузи ўзбек тилидаги қаттиқ “х”га тўлиқ мос келади. Масалан: “хабар”, “хос”, “хаёл”...

يَخْرُجُونَ ، أُخْرُجْ ، إِخْرَاجًا ، خَالِدِينَ ،  
خُلُقُوا ، خَلَافَ ، خَلَالُ  
﴿كُتُمْ خَيْرٌ أُمَّةٌ﴾ ، ﴿مِنْ خَيْرٍ﴾ ، ﴿يَوْمَئِذٍ خَاطِعَةً﴾

Мазкур ҳарф Куръони каримда жами 2492 марта тақрорланиб келган.

## (Д)

Махражи – тил учи ва олдинги икки тепа тишнинг туби. Мазкур ҳарф танглай олди товуши бўлиб, тиш ортида талаффуз қилинади, жарангли. У ўзбек тилидаги каби жаранг-

сизлар таъсири остида ўз жарангини йўқотмайди. Бинобарин, унинг “т”лашуви юз бермайди. Масалан:

أَنْدَادًا ، مِنْ دَابَّةً ، دَكَّا دَكَّا ، دَرَجَاتٌ ، أَلْدِينُ ، وَ عَدَّهُ  
 أَشْدُدُ بِهِ أَزْرِي ﴿، قَدْ دَخَلُوا﴾  
 يِرِدْ ثَوَابَ ﴿، قَدْ بَيَّنَا لَكُم﴾

Куръони каримдаги “дáл” ҳарфининг миқдори 5991 тани ташкил этади.

### Зáл (ذ)

Махражи – тилнинг икки тарафи ва олдинги икки устки тишлар ораси. У танглай олди сирғалувчиси, шовқиали, жарангли ундош ҳисобланади. Уни тўғри талаффуз қилиш учун нутқ аъзоларини “cá” (ث) ҳарфининг талаффуз қилиниши каби ҳолатга олиб келинади. Талаффуздаги ягона фарқ – товушнинг иштироки. Муқобил товуш ҳозирги замонавий ўзбек тилида мавжуд эмас. Мисоллар:

ذَرْهُمْ ، الْأَذْقَانَ ، الْمُنْذَرِينَ ، مَحْذُورًا ، ذَلَّنَا ، عُذْتُ  
 تَبَذْتُهَا ، ذِي الْذَّكْرِ ، إِذْ ذَهَبَ ، لِيُنْذِرَ ،  
 مَنْ ذَا الَّذِي ، سَرَّاعًا ذَلِكَ  
 رَبُّكُمْ ذُو رَحْمَةٍ وَاسِعَةٍ ﴿،  
 وَالَّذَا كَرِينَ اللَّهُ كَثِيرًا وَالَّذَا كَرِاتِ...﴾

Куръони каримда “зáл” ҳарфи 4932 марта тақрорланиб келган.

(ر)

Араб тилида битта титровчи ҳарф мавжуд. У “ró” ҳарфидир. Махражи – тил учи ва қисман тил ўртаси. Мазкур ҳарф тил учининг қаттиқ танглайга мунтазам урилиб туриши жараёнида талаффуз қилинади, яъни “ró”нинг талаффузида тил учи титрайди. Ушбу ҳарф талаффузи ўзбек тилидаги “р”никига мос келса-да, бироқ араб тилидаги “ró” ўзбек тилидагига қараганда анча қаттиқ талаффуз қилиниши билан ажралиб туради ва араб тилидаги “ró”нинг талаффузида тил учи кўпроқ титрайди. Масалан:

يَغْفِر لَكُمْ ، الْرِّجَالُ ، شَهْرُ رَمَضَانَ ، تَحْرِيرُ رَبَّةٍ ،

مُحرَّرًا ، الْأَبْرَارُ ، الْأَلْرَحْمَانُ الْأَلْرَحِيمُ

وَاصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ ، غَفُورُ رَحِيمُ

“ró” ҳарфи Қуръони каримда жами 12401 марта тақоррланган.

(ز او زای)

Махражи – тил учи ва олдинги икки юқори ҳамда пастки тишлар ораси. “Zá” шовқинли, жарангли ундош. У танглай олдида пайдо бўладиган оддий тиш орти сирғалувчисидир. Ушбу ундош ўзбек тилидаги “з” ҳарфи каби талаффуз этилади. Масалан:

أَرْكَى ، رِزْقًا ، فَعَزَّزْنَا ، أَنْزَلَ ، فِإِنْ زَرْتُمْ ،

نَفْسًا زَكِيَّةً ، زَيْنَ

الْمِصْبَاحُ فِي زُجَاجَةٍ صَلِي الْرِّجَاجَةُ كَانَهَا كَوْكَبٌ دُرِّيٌّ

Ушбу ҳарфнинг Қуръони каримдаги адади 1599 тани ташкил қиласиди.

### Сийн (س)

Махражи – тил учи ва олдинги икки юқори ҳамда пастки тишлар ораси. У шовқинли, жарангсиз ундош ҳисобланади. Ушбу ҳарф тишлар ортининг фаол иштироки билан пайдо бўладиган оддий танглай олди сиргалувчисидир. “Сийн” ҳарфининг талаффузи ўзбек тилидаги “с”нигига мос келади.

السَّمَاءُ، لَا يُسْتَهْلِكُ، تُسَاقِطُ، مَسْطُورًا  
أَسْرُوا، يُسَبِّحُونَ، عَسَىٰ، قَسَمْنَا، سَوَاءٌ، أَلْشَمْسُ،  
مَنْسَأَتُهُ، رَجُلًا سَلَمًا، سَرَاجًا، وَبَيْنَنَا فَوْقَكُمْ  
سَبْعًا شَدَادًا، بَلْ سَوْلَتْ لَكُمْ أَنفُسُكُمْ أَمْرًا

Куръони каримдаги “сийн” ҳарфининг умумий миқдори 6010 тадир.

### Шийн (ش)

Махражи – тил ўртаси. “Шийн” шовқинли ҳамда жарангли ундош. У тил олдида талаффуз қилинувчи танглай олди товуши. Мазкур ҳарф ўзбек тилидаги “ш” каби талаффуз қилинади. Мисоллар:

فَبَشَّرَنَا، أَشْتَرَاهُ، أَرْشَدُ، أَشْدُدُ، الْمَنْفُوشِ، يُنْشِئُ،  
فَمَنْ شَهَدَ، أُولَئِكَ هُمْ شُرُّ الْبَرِّيَّةِ  
لَهُتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ

“Шийн” ҳарфи Куръони каримда 2421 марта такрорланаб келган.

### Сод (ص)

Махражи – тилнинг учи ва олдинги икки тиш туби. “Сод” танглай олдида талаффуз қилинувчи тиш орти сиргалувчи-си, шовқинли, жарангли ундош. Унинг талаффузида тил учи пастки тиш тизмасининг ички томонига бир оз тегиб туради. Тилнинг ўртаси қаттиқ танглайга қараб кўтарилади

ва ҳаво ўтиши учун тор тирқиши ҳосил бўлади. Аъзоларнинг ана шундай ҳолатида ҳаво сирғалиши билан “сўд” ҳарфи талаффуз қилинади. Бироқ, шуни эсдан чиқармаслик керакки, итбоқ (эмфатик, яъни кучли талаффуз қилинадиган) товушларда оддий ҳарфлардагига нисбатан ҳаво ўтиш йўли анча тор бўлади, тил ва бошқа барча аъзолар ниҳоятда таранглашади, ҳаво сирғалиб куч билан ташқарига отилади.

“Сўд” товуши ўзбек тилида мавжуд эмас. Мисоллар:

حرَصْتُمْ ، أَصْطَفَى ، يَصْطَفِي ، يَصْدُرُ ، تَصْدِيَةً ،  
فَانْصُرْنَا ، صَنْوَانْ ، وَلَمَنْ صَبَرَ ،  
عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِنْ رَبِّهِمْ ، عَمَلاً صَالِحًا

Куръони каримдаги “сўд” ҳарфининг микдори 2072 тадир.

### Дзод (ض)

Махражи – тилнинг ўнг ва чап ёнлари билан остки ҳамда устки озиқ тишлар ораси. Танглай олди товуши, шовқинли, жарангли, тиш орти портловчиси. У барча сифатлари билан “д” ҳарфига мос келгани ҳолда, биргина фарқ бор. У ҳам бўлса, “дзод” нинг талаффузида аъзоларнинг куч билан таранглашувидир. Яъни, тил учи танглай олдига тортилиб, қаттиқ жисплашади. Тил орқаси юмшоқ танглайдан узоқлашиб, ҳаво оқими шиддат билан ташқарига отилади ва “дзод” талаффуз қилинади. Талаффуз қилиш жараёнида бурун бўшлигини танглай билан бобловчи тирқиши ёпиқ бўлади. Шу сабаб ҳаво оқими фақатгина оғиз бўшлиғи орқали ташқарига чиқади. “Дзод” ҳарфини тилнинг ўнг томонидан чиқариш нисбатан осонроқ саналади.

Бундай товуш ўзбек тилида йўқ. Мисоллар:

مَنْضُودٌ ، مَنْ ضَلٌّ ، مُسْفِرٌ ضَاحِكَةٌ ، وَ الْضَّحْيَ ،  
فَمَنِ اضْطَرَّ ، خُضْتُمْ ، وَ أَخْفِضْ جَنَاحَكَ ،  
بَلْ ضَلُّوا عَنْهُمْ ، أَنْقَضَ ، وَ لَا الْضَّالِّينَ

\* \* \*

﴿اللَّهُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ ضَعْفٍ ثُمَّ جَعَلَ مِنْ بَعْدِ ضَعْفٍ  
قُوَّةً ثُمَّ جَعَلَ مِنْ بَعْدِ قُوَّةٍ ضَعْفًا وَ شَيْئًا﴾

Куръони каримда “дзод” ҳарфи 1687 марта тақрорланиб келган.

### Tó (ط)

Махражи – тил учи ва олдинги икки тиш туби. У шовқинли, жарангиз, тиш орти сирғалувчиси. Унинг талаффузи “дзод” ҳарфиникига тўлиқ мос бўлгани ҳолда, жарангнинг йўқлиги билан фарқланади. Нутқ аъзоларининг ҳолати оддий тиш орти жарангиз портловчиси “т”нинг талаффузи кабидир. Фарқ шуки, тил учи танглай олдига тортилганда қаттиқ жисплашади. Тил орқаси юмшоқ танглайдан узоқлашади ва шу лаҳзада ҳаво оқими шиддат билан отилиб чиқади. Ушбу ҳарфни талаффуз қилиш чоғида бурун бўшлиғининг йўлаги ёпиқ бўлади. Шу сабабли ҳаво оқими фақат бўғиз бўшлиғи орқали тўғри сиртга йўл олади.

Бундай товуш ўзбек тилида мавжуд эмас. Мисоллар:

أَنْ يَطْوَفَ ، شَطَطًا ، تُشْطِطُ ، أَحَاطَتْ ، يَنْطِقُ ،  
فَإِنْ طِبْنَ ، مِنْ طِينَ ، ﴿كَلْمَةً طَيْيَةً﴾ ،  
﴿بَلْ طَعْ﴾ ، ﴿طَرِيرًا أَبَايِيلَ﴾ ، ﴿تَطْمَئِنُ قُلُوبُهُمْ﴾

Куръони каримда “тó” ҳарфи 1276 марта тақрорланиб келган.

### Zó (ظ)

Махражи – тилнинг икки тарафи ва олдинги икки устки тишлар ораси. Танглай олди ундошларидан, шовқинли, жарангли тиш орти сирғалувчиси. Талаффуз қилиниш услуби “сóд” товушиники билан тўлиқ мос келади. Биргина фарқ – “зó” жарангли, “сóд” эса жарангиз ундошлар ҳисобланади.

Мазкур ундош ҳам ўзбек тилида мавжуд эмас. Мисоллар:

ظَهَرَ ، ظَلَمُوا ، أَوَعْنَطْتَ ، الظَّالِمِينَ ، الظَّانِنَّ ، يَنْظُرُونَ ، ظَاهِرَةً  
 مَنْ ظَلَمَ ، فَلَا يُظْهِرُ عَلَىٰ غَيْبِهِ أَحَدًا ، بَلْ ظَنِّتُمْ  
 “Зў” ҳарфи Қуръони каримда 850 марта келган.

### ъайн (ع)

Махражи – ҳалқум ўртаси. У портловчи ундошdir. Мазкур ҳарф бўғизнинг ниҳоятда таранглашиб жислашгач, бирлаҳза тўхташидан сўнг бирданига бўшашуви оқибатида нафас кучи билан ташқарига отилган пайтда талаффуз қилинади. Бунда товуш пайчалари тўлқинланиб ҳаракатга келади. Юмшоқ танглай кўтарилиб, бурун бўшлигига ўтиш йўли ёпиқ бўлади.

Бундай товуш ўзбек тилида йўқ. Мисоллар:

أَنْعَمْتَ ، مِنْ عِلْمِ ، سَمِيعٌ عَلِيهِ ، وَالْعَادِيَاتِ ،  
 عَلَىٰ ، تَعْلَمُونَ ، أَمْ عِنْدَهُمُ الْغَيْبُ  
 وَ لَا يَعْتَدُوا حَتَّىٰ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ

Қуръони каримда “ъайн” ҳарфи 9405 марта такрорланиб келган.

### Фойн (غ)

Махражи – ҳалқумнинг энг юқори қисми. Шовқинли, жарангли, чуқур танглай орқа товуши. Бу ҳарфнинг талаффузи ўзбек тилидаги “F”га тўлиқ мос келади. Масалан:

مِنْ غِلِّ ، أَفْرِغْ عَلَيْنَا ، لَا شُرِغْ ، فَسَيِّئَخْضُونَ ،  
 غَالِبِينَ ، وَ اسْتَغْفِرُوا ، عَزِيزٌ غَفُورٌ  
 وَ مَنْ يَتَّسِعْ غَيْرَ إِلَّا سَلَامٌ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلُ مِنْهُ

“Фойн” ҳарфи Қуръони каримда 1221 марта тақрорланиб келган.

### Фá (ف)

Махражи – олдинги икки устки тиш учи ва остки лабнинг ташқи тарафи. “Фá” шовқинли, жарангсиз ундош. У лаб ва тиш ўртасида пайдо бўлади. Ўзбек тилидаги “ф” ҳарфи бизга араб тилидан кирганлиги боис кўпинча ушбу ҳарф “п” бўлиб талаффуз қилинади. Шу сабаб Қуръони каримни тиловат қилганда бунга эътибор қаратиш лозим. Масалан, кўп ҳолларда “فَيَّ السَّبَيْلِ لِلَّهِ” жумласи “пий сабийлиллаҳи”, “أَفْوَاجَا” сўзи эса “аппáжá” тарзida хато талаффуз қилинади. Шу сабаб “ф” ҳарфини маҳсус машқлар орқали пухта ўзлаштириб олиш керак.

نَخْسَفُ ، لَا تَحْفَ ، فِي ، تَعْرِفُ ، أَنْفُسُكُمْ ، بِالْفَتْحِ ، وَ الْفَجْرِ  
وَ مَا أُخْتَلَفَ فِيهِ ﴿١﴾ ، ﴿٢﴾ خَفَّ اللَّهُ عَنْكُمْ ﴿٣﴾ ، ﴿٤﴾ وَ إِنْ فَاتَكُمْ ﴿٥﴾

Қуръони каримдаги “фá” ҳарфининг миқдори 8746 тани ташкил қиласди.

### Қóф (ق)

Махражи – тилнинг туби билан юқори танглай. Бунда у ҳалқумга яқинроқ бўлади. Қоф чукур танглай орқаси ундоши, жарангсиз, тил ўзагининг иштироки билан талаффуз қилинади. У ўзбек тилидаги “қ” ундоши каби талаффуз қилинади. Мисоллар:

خَلَقَكُمْ ، يَنْقَلِبُ ، وَ لَئِنْ قُلْتَ ، الْقَوْىُ ، أَقَامُوا ، يَوْمَ الْقِيَامَةِ  
يُنْفِقُ قُرْبَاتٍ ﴿١﴾ ، ﴿٢﴾ طَرَائِقَ قِدَّمًا ﴿٣﴾ ، ﴿٤﴾ حَقَّ قَدْرِهِ ﴿٥﴾

Қуръони каримда “қоф” ҳарфининг адади 7034 тани ташкил этади.

### Кáф (ك)

Махражи – тилнинг туви билан юқори танглай. “Кáф” ҳарфининг махражи “қóф”никига қараганда енгилроқ, у тил ўртасига яқин, ҳалқумдан узоқ. Ушбу ҳарф танглай ўртаси ундоши, жарангсиз. “Кáф” ҳарфи ҳам ўзбек тилидаги “к” ҳарфи каби талаффуз қилинади. Мисоллар:

نَكْتَلُ ، بِشِرْ كِكُمْ ، مَنَاسِكَكُمْ ، يَنْكُثُونَ ، مَنْ كَانَ ،  
مَا لَكُمْ ، عَلَيًّا كَبِيرًا ، ﴿كَيْ نُسْبَحَكَ كَثِيرًا \*  
وَ نَذْكُرُكَ كَثِيرًا \* إِنَّكَ كُنْتَ بِنَا بَصِيرًا﴾

Куръони каримда “кáф” ҳарфи 10497 марта тақрорланиб келган.

### Лám (ل)

Махражи – тилнинг ўртасидан учигача бўлган жой. “Лám” тиши олди танглай ундошидир. Унинг талаффузида тил уни танглай олдига ёпишиб туради ва икки ёнда қолган тор тиркишлар орқали ҳаво оқими ўтиб туради, нутқ аъзолари таранглашмайди. Араб тилидаги “лám” ўзбек тилидаги “л” ҳарфига нисбатан юмшоқроқ талаффуз қилинади. Фақат “Аллоҳ” сўзи бундан мустасно<sup>20</sup>. Мисоллар:

لَسَلَطْهُمْ ، أَنْزَلْنَا ، ظَلَّنَا ، فَضَلَّنَا ، عَلَى اللَّهِ  
الْلَّطِيفُ ، لَا قَبْلَ لَهُمْ ، هُدَى لِلْمُتَّقِينَ ،  
وَ لَا أَضَالَّلَ لِكَلَمَاتِهِ

“Лám” ҳарфи Куръони каримда 14707 марта тақрорланиб келган.

### Мийм ( م )

Махражи – икки лаб ораси. Бурун (ғунна) товуши, бу ундош икки лаб ўртасида талаффуз қилинади. Унинг талаффузида нутқ аъзолари таранглашмайди, худди “бá”никидаги сингари икки лаб бир-бирига ёпишиб туради. Мазкур ҳарф ўзбек тилидаги “м” каби талаффуз қилинади. Мисоллар:

مَحْمَصَةٌ ، مَرَضٌ ، مَرِيمٌ ، عَمٌ ، مَمٌ ، لَمًا ،  
إِذَا الْمَوْعِدُهُ ، مِنْ مَلْجَأٍ ، هُمْ مُؤْمِنُونَ ،  
مَمًا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ، إِيَّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلاً

“Мийм” ҳарфининг Куръони каримда миқдори 25732 тани ташкил этади.

### Нувн ( ن )

Махражи – тил учининг қўйи қисми. “Нувн” танглай олди товуши бўлиб, тил олдида талаффуз қилинади. Унинг талаффузида ҳам нутқ аъзолари таранглашмайди. Араб тилида “мийм” ва “нуvn” ҳарфлари сирғалувчи бурун (яъни, ғунна) товушлари ҳисобланади.

“Нувн” ҳарфи ўзбек тилидаги “н” сингари талаффуз қилинади. Масалан:

وَ آنَّهُ ، رَبُّ الْعَالَمِينَ ، نَحْنُ نُسَبِّحُ ، قُلْ نَعَمْ ، جَنَّاتٍ ، يَنْهَوْنَ  
وَ أَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا ، قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ

Куръони каримда “нуvn” ҳарфи 27269 марта тақрорланаб келган.

### Ҳá ( ھ )

Махражи – ҳалкумнинг энг қўйи қисми. “Ҳá” (ушбу ҳарф ҳойи ҳавваз, деб ҳам юритилади) жарангсиз, шовқинли, сирғалувчи ундош. У бўғизда, товуш пайчаларининг ўзаро яқинлашган ва енгил таранглашган ҳолатида талаффуз қилинади. Талаффуз пайтида юмшоқ танглай кўтарилган, бурун бўшлиғига ўтиш йўли ёпиқ туради. Шунингдек, товуш пай-

чаларининг яқинлашувидан пайдо бўлган тирқиши орқали сиртга йўналаётган ҳаво оқими уларда бир оз қаршиликка учрайди. “Ҳа” товуши талаффузида нутқ аъзолари эркин вазиятда бўлади. Бундай товуш ўзбек тилида мавжуд. Масалан: “ҳаргиз”, “ҳазил”, “ҳаво” сўзларидаги “ҳ” ва араб алифбосидаги “ҳа” товуши бир-бирига айнан ўхшаш. Мисоллар:

بَنَاهَا ، طَحَاهَا ، ضُحَاهَا ، قُلُوبُهُمْ ، أَهْدَنَا ، سَمِعْهُمْ ،  
هُدَى ، أَبْصَارِهِمْ ، وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ ﴿١﴾  
إِنَّ اللَّهَ رَبِّيْ وَرَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ صَلِّ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ ﴿٢﴾

**Эслатма:** сўзларидаги “ҳа” ҳарфини

“ъайн” таъсирида ҳойи хутийга алиштириб юбормаслик лозим. Бунинг учун ушбу сўзларни шошилмасдан, дона-дона қилиб талаффуз қилиш талаб этилади.

Куръони каримда “ҳа” ундоши 14849 марта келган.

### Báv (ب)

Махражи – икки лаб ораси<sup>21</sup>. “Báv” икки лаб ўртасида пайдо бўлувчи жарангли, сиргалувчи товуш. Унинг талаффузи ўзбек тилидаги “в”га мос келади, фақат бир оз фарқлироқ (бу ҳақда қўйида тўхталамиз). Масалан:

وَالْوَالِدَاتُ ، وُجُوهٌ ، وَلِيُّهُمْ ، هُوَ وَالَّذِينَ ، وَالشَّمْسُ ،  
وَلِدَانٌ ، وُعْدَنَا ، جَنَّاتٍ وَعَيْوَنٍ ،  
هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ ، مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا ﴿١﴾

“Báv” Куръони каримда 24816 марта такрорланган.

### Йá (ي)

Махражи – тил ўртаси<sup>22</sup>. “Йá” ҳарфи ўрта танглай сиргалиувчи товушидир. Ушбу ҳарф талаффузи ҳам ўзбек тилидаги “й”га мос келади. Масалан:

يُحِبِّيْكُمْ ، إِنْ يَقُولُونَ ، لَقَوْمٌ يُؤْمِنُونَ ، أَلَّدُّيَا ، بُنْيَانٌ

﴿ وَإِذَا حُيِّتُمْ بِتَحْيَةٍ فَحَيِّوا بِأَحْسَنٍ مِّنْهَا أَوْ رُدُّوهَا ﴾

Куръони каримда “йá” ҳарфи 21964 ўринда келган.

### Иккинчи дарс

## Ҳарфларнинг хусусиятлари

Араб тилида ҳарфларни бир-биридан ажратиб турадиган алоҳида хусусиятлари мавжуд. Булардан энг муҳимлари:

### Шиддат ва раховат

(портловчи ва сирғалувчи ундошлар)

Шиддат ҳарфлари талаффузида товуш тўсиққа учраб, кучли, шиддатли чиқади. Шунинг учун улар шиддат, яъни портловчи, куч билан талаффуз қилинувчи ҳарфлар дейилади. Шиддат ҳарфлари қўйидагилар:

أَجْ أَدْ أَقْ أَطْ أَبْ أَكْ أَتْ

Мазкур ҳарфлар қўйидаги жумлада ўз аксини топган:

أَجْدْ قَطْ بَكْتْ

Раховат ҳарфлари шиддатнинг áкси. Бунда ҳарфлар кучсиз тарзда сирғалиб чиқади. Ушбу ҳарфлар қўйидагилар:

أَسْ أَلْ أَمْ أَثْ أَطْ أَضْ أَصْ أَشْ أَزْ أَذْ  
أَخْ أَحْ أَهْ أَوْ أَغْ

### Истеъло ва истифола ҳарфлари

Истеъло – ҳарф талаффузида тилнинг орқа танглай охирни томон қўтарилишидир. Шунинг учун бу йўғон, баланд ўқилувчи ҳарф дейилади. Истеъло ҳарфлари қўйидагилар:

خ ص ض غ ط ق ظ

خُصٌّ ضَعْطٌ قَظٌ  
Улар ушбу жумлада ўз аксини топган:

Истеъло ҳарфларининг ҳаракати замма, фатҳа ёки касра бўлишидан қатъи назар улар йўғон ўқилаверади. Мазкур ҳарфларнинг замма ва фатҳа ҳаракатини олган шакли мисолларда кўп учрайди. Биз бу ерда истеъло ҳарфларнинг ҳаракати фақат касра бўлган ҳолатини келтириб ўтамиз:

فِي الْخِيَامِ ، بَصِيرٌ ، يُضْلُّ ، لَيْبِنِي ،  
مِنْ طِينٍ ، قِيلَ ، ظِلَالُهَا

Юқорида санаб ўтилган етти ҳарфдан бошқа барчаси истифола ҳарфлари дейилади. Истифола ҳарфларини талаффуз қилишда тил пастки жағ томон тушади. Истифола ҳарфлари қўйидагилар:

أَبْ أَتْ أَثْ أَجْ أَحْ أَذْ أَرْ أَزْ أَسْ أَشْ  
أَعْ أَفْ أَكْ أَلْ أَمْ أَنْ أَهْ أَوْ أَيْ

Истеъло ва истифола ҳарфлари бир сўзда ёнма-ён келса, уларни бир-биридан фарқлаб талаффуз қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан:

رَزَقْكُمْ ، وَأَتَحَدُوا ، أَقْرَبَ ، مُفْتَصِدٌ ، مُخْلَصًا ،  
خَرَقَهَا ، فَانْطَلَقا ، تَصْبِرُ ، فَانْتَلَطَ

“розақокум; ваттахозув; иқ.тароба; муқ.тасид. ; мухласо ; хороқоҳа ; фан-толақо ; тасбиру; фахталато биҳ”

خَلَقَكَ ، كَمَا صَبَرَ أُولُو الْعَزْمُ ، وَ ضَرَبَ لَنَا ،  
صَدَقَ الْمُرْسَلُونَ ، قَدَرًا مَقْدُورًا

\* \* \*

فَاصْلِحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَقْسِطُوا صَلِي

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ﴿٩﴾ (Хужурот, 9)

Ушбу оятда “қоф” ва “тó” ҳарфлари орасида келган “сийн”-ни истеъло таъсирида “сód” ҳарфига айлантириб юбормасдан дона-дона қилиб, бир-биридан ажратиб талаффуз қилиш керак.

### Тафаший

(овозни ёйиш)

Тафаший – ҳарфни талаффуз қилиш чоғида ҳавонинг ёйилиб чиқишини билдиради. Бу ҳодиса фақатгина “шийн”

ҳарфидагина қузатилади: اَشْ

Ушбу ҳолатда товуш оғиз ичидан тўхталади ва ҳаво юқори танглайга етиб бормай, оғиз ўртасидан сирғалиб чиқади.

### Такрор

Такрор – талаффузда тил учининг титраши. Бу фақат “ró” ҳарфига хосdir. Бунда титрашни кўпайтириб, ўта такрир қилиб юбормаслик керак. Шу жиҳати билан “ró” бошқа ҳарфлардан ажralиб туради. Мисоллар:

أَرْ ، رَأْ ، أَحْرَارْ ، أَبْرَارْ ، بَرْ رَحِيمْ ، أَلْبِرْ ،

تَرْجِعُونَ ، حُرْ ، رِجَالْ ، غَفُورْ

### Софиир

Агар биз Аَصْ ، أَسْ ، أَزْ ҳарфларини талаффуз қилсак, худди хуштакка ўхшаш овозни эшитамиз. Софиир (яъни, “сód”, “шийн” ва “зайд”) ҳарфлари талаффузида ҳаво ишқаланиб, сирғалиб чиқади. Бу тажвид илмида **ҳамс**, деб ҳам аталади.

### Қалқала

Қалқала маълум ҳарфлар сукунли бўлганда, уларни тебратиб ўқишидир. Қалқала ҳарфлари қўйидагилар:

ق ط ب ج د

قُطْبُ جَدْ

يَقْتُلُونَ ، مُحِيطٌ ، لَهَبٌ ، مُحْرِمَينَ ، مَسَدٌ

“йақ.тулуууувн; мұхиииийт.; лаҳаб.;  
масад.; мут.маинн”

Қалқала ҳарфлари лозим ёки ориз сукунларга йўлиқиши мумкин. (Лозим сукун доимо ўз ўрнида турадиган сукун, ориз сукун эса вақф қилиш натижасида пайдо бўладиган сукун ҳисобланади). Иккала ҳолатда ҳам қалқала ҳарфлари тебратиб ўқилаверади. Мисоллар:

“Қоф” ҳарфига:

أَغْرَقْنَا ، صَدَقْنَا ، أَقْرَبُ لَكُمْ ، أَفْرَرْنَا ، لِتَقْوَى ، عَلَقْ ،  
إِنْ طَلَقْتُمُوهُنَّ ، تَقْرِبُوهَا ، خَلَقْتُكَ ، نَقْبَا ، عُقْدَةُ ، الْفَلَقِ

“То” ҳарфига:

مُحِيطٌ ، أَوْ أَطْرَحُوهُ ، رَطْبٌ ، لَا تَطْرُدُ ، أَيْطَمْعُ ،  
مَطْلَعُ الْفَجْرِ ، أَطْوَارًا ، ثُسَاقْطُ ، أَحْطَنَا ، يَلْتَقِطُهُ

“Ба” ҳарфига:

أَوْ يَعْلَبُ ، أَبْناؤُكُمْ ، وَأَبْتَلُوا ، يَلْعَنُ ، شَدِيدُ الْعَقَابِ ،  
قَبْضَةً ، صَبَرًا ، سَبْعُ ، ثَبَرَيُ ، ثُبَدُونَ ، أَلَيْسَ الصُّبْحُ بِقَرَبِ ،  
مِنْ قَبْلِكَ ، أَبْكَارًا ، خُبْرًا ، فَادْهَبْ ، مَآبٍ ، ضَرَبْتُمْ

“Жийм” ҳарфига:

تَجْعَلُ، أَجَاجُ، أَجْرٌ عَظِيمٌ، أَخْرِجْنَا، بَهِيجٌ،  
وَبِعِجْلٍ، وَجْهُهُ، وَالْرُّجْزَ، رِجْسًا، رَبِّ اجْعَلْ

“Дал” ҳарфига:

أَحَدُ، لَقَدْ، فَفَدِيَّةُ، فَادْرُءُوا، وَالْهَدْيَ وَالْقَلَائِيدُ،  
أَنْدُعُوا، عَدْلٌ، رَدْمًا، لَيْلَةُ الْقَدْرِ، قُرْآنٌ مَّجِيدٌ

Агар қалқала ҳарфларидан бири ташдидли бўлиб, ўша ҳарф иштирок этган сўзда вақф қилинса, у ҳолда ташдидни билдириб вақф қилиш лозим. Масалан:

﴿وَالْحَجَّ﴾ - وَالْحَجْ - تَبْ  
﴿بِالْحَقِّ﴾ - بِالْحَقِّ

“вал-ҳажж. (Бақара, 189); ва табб. (Масад, 1);  
бил-ҳаққ. (Ахқоф, 34)”

Агар ташдид ҳаракатини олган қалқала ҳарфлари сўз ўртасида келиб, ўзидан кейинги жумлага улаб ўқилса, у ҳолда қалқала қилинмайди. Масалан:

﴿يَحْجُوكُمْ﴾ ، ﴿أَحِلٌ لَكُمُ الْطَّيَّاتُ﴾ ، ﴿رَبُّكُمْ﴾

﴿مُصَدِّقٌ﴾ ، ﴿يُحِبُّ الْمُتَّقِينَ﴾

**Эслатма:** баъзи китобларда "ط", "ق" ҳарфлари истеъло ҳарфларидан бўлгани учун қалқаласи заммага яқинроқ

қилиб, "ب", "ج", "د", "ه" эса, истифола ҳарфлари бўлгани сабаб қалқаласи касрага яқинроқ қилиб ўқилади, деб айтилган. Лекин, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, агар қалқала ҳарфлари қоидага мувофиқ тебратиб ўқиладиган бўлса, “қоф” ва “тото” ҳарфлари заммага, “ба”, “жийм” ва “дал” ҳарфлари касрага мойил бўлиб талаффуз қилинаверади. Уларни атайлаб замма ёки касрага яқинроқ қилиб ўқиш шарт эмас. Акс ҳолда суқун ўрнига замма ёки касра ҳаракати келиб қолиши мумкин. Масалан:

*at.вáрó* (тўғри) – *atuváró* (хато) : أَطْوَارًا

*ik.тароба* (тўғри) – *икутароба* (хато): إِقْرَبَ

*rod.má* (тўғри) – *rodimá* (хато): رَدْمًا

أَجْرٌ عَظِيمٌ

аж.рун *базиииийм* (тўғри) – *ажиран **базиииийм*** (хато)

*ab.map* (тўғри) – *abitap* (хато): الْأَبْتُرُ

### Савол ва топшириқлар:

1) Куйидаги мисолларда қалқала ҳарфларининг лозим ва ориз суқун билан тугашига эътибор беринг.

Биринчи мисол:

قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ۖ ۝ أَللَّهُ الصَّمَدُ ۖ ۝ لَمْ يَكُنْ لَّهٗ كُفُواً أَحَدٌ ۖ ۝  
وَلَمْ يُولَدْ ۖ ۝ وَلَمْ يَكُنْ لَّهٗ كُفُواً أَحَدٌ ۖ ۝

Иккинчи мисол:

قَالَ قَابِيلٌ مِّنْهُمْ لَا نَقْنُلُوا بُو سَفَ وَأَلْقُوهُ فِي غَيَّبَتِ الْجِنِّ  
يَلْقِطُهُ بَعْضُ السَّيَّارَةِ إِنْ كُثُرْ فَنَعَلِينَ ۝

## *Тажвид қоидалари*

## Учинчи мисол:

قَ وَالْفَرِءَةَ أَنَّ الْمَجِيدَ ۝ بَلْ عَبْرَهُ أَنْ جَاءَهُمْ مُتَذَمِّثِهِمْ  
فَقَالَ الْكَافِرُونَ هَذَا شَيْءٌ عَجِيبٌ ۝ إِذَا مِنَّا وَكَانَ إِلَيْهِ  
رَجُعًا بَعْدَ ۝ قَدْ عَمِّلْنَا مَا نَقْصُ الْأَرْضِ مِنْهُمْ وَعِنْدَنَا كِلَّ  
حَفِظٍ ۝ بَلْ كَذَبُوا بِالْحَقِّ لَمَاجَاهُمْ فَهُمْ فِي أَمْرٍ مَرِيجٍ

## Тўртинчи мисол:

تَبَّتْ يَدَاهُ إِلَيْهِ وَتَبَّ مَا أَغْنَى عَنْهُ مَالُهُ، وَمَا  
 كَسَبَ سَيَصْلُنَ نَارًا دَأَتْ لَهُ وَامْرَأَهُ  
 حَمَالَةُ الْحَطَبِ فِي جَيْدِهَا حَبْلٌ مِنْ مَسَدٍ

## Олтинчи мисол:

وَأَذْكُرْ عِبْدَنَا أَيُوبَ إِذْ نَادَى رَبَّهُ كَيْفَ مَسَّنِي الشَّيْطَانُ  
يُنْصَبُ وَعْدَاهُ (٤١) أَرْكَضَ بِرْجَلِكَ هَذَا مَغْسِلَ بَارِدٍ وَشَرَابٌ

Еттинчи мисол:

فَلَا أُقْسِمُ بِالشَّفَقِ ١٦ وَأَيْتَلَ وَمَا وَسَقَ  
وَالْقَمَرِ إِذَا أَسْقَ ١٧ لَتَرَكَنَ طَبَقَانْ طَبَقَ

2) Куйидаги мисолларда қалқала ҳарфлари ташдид билан тугаган. Бу ҳолда уларнинг ўқилишига эътибор беринг.

## Биринчи мисол:

١٠ تَبَّتْ يَدَ أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ

### Иккинчи мисол:

**يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَهْلَةِ قُلْ هِيَ مَوَاقِيتُ لِلنَّاسِ وَالْحِجَّةُ**

### Учинчи мисол:

وَيَوْمَ يُعَرِّضُ الَّذِينَ كَفَرُوا عَلَى النَّارِ أَلَيْسَ هَذَا بِالْحَقِّ قَالُوا بَلَى  
وَرَبَّنَا قَالَ فَذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنْتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٢٤﴾

### Ғунна

Ғунна ҳарф талаффузида товушнинг бурундан чиқишидир. “Мийм” ва “нувн” ғуннали ҳарфлар ҳисобланиб, агар улар ташдидли бўлса, икки ҳаракат миқдорида ушлаб турилади: **أَمَّا ، أَنْ**

Ғунна ҳолати беш ўринда содир бўлиши мумкин:

1. Сукунли “нувн” ёки танвин “йа”, “мийм”, “нувн” ва “вáв” ҳарфлари билан идом бўлганида:

﴿مِنْ يَوْمِهِمْ﴾ - مِيَوْمِهِمْ، ﴿لَنْ ثُؤْمِنَ﴾ - لَنْ ثُؤْمِنَ،

﴿مِنْ مَاءِ﴾ - مِمَاءِ، ﴿مِنْ وَرَائِهِمْ﴾ - مِوَرَائِهِمْ

2. Сукунли “нувн” ёки танвин ўн беш ҳарфнинг бирига йўлиқиб, ихфо билан ўқилганида:

﴿سَبْحَا طَوِيلًا﴾ - سَبْحَانْ طَوِيلَةً، ﴿مِنْ فَضْلِهِ﴾،

﴿عَنْدَ﴾، ﴿أَلِإِنْسَانَ﴾، ﴿سُنْدُسٍ﴾

**Эслатма:** сукунли “нувн” ёки танвин йўгон ўқиладиган ихфо ҳарфларига<sup>23</sup> дуч келганида, ғунна ҳам йўгон ўқилади. Йўгон ўқиладиган ихфо ҳарфлари куйидагилар:

ص ، ض ، ط ، ظ ، ق

Мисол:

﴿يَنْصُرُ كُمْ﴾، ﴿لَمَنْ ضَرُهُ﴾، ﴿فَانْطَلَقَا﴾،

﴿يَنْقُضَ﴾، ﴿مَنْ ظَلَمَ﴾

Сукунли “нувн” ёки танвин юқоридаги беш ҳарфдан бошқа ихфо ҳарфларига йўлиқса, уларнинг ғуннаси ингичка (тарқиқ билан) ўқилади. Масалан:

﴿مُنْتَصِرًا﴾ ، ﴿أَنْ كَانَ﴾ ، ﴿وَ أُولُو بَاسِ شَدِيدٍ﴾ ،  
 ﴿عَنْ سَاقِ﴾

3. Сукунли “мийм” ҳарфи “бá”га ихфо бўлганида:

﴿إِنْ رَبُّهُمْ بِهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّخَيْرٌ﴾

4. Сукунли “мийм” ҳарфи “мийм”га идғом мислайн бўлганида:

﴿لَهُمْ مَا يَشَاءُونَ﴾ ، ﴿وَ كَمْ مِنْ مَلَكٍ﴾ - وَ كَمِّلَكُنْ

5. “Нувн” ва “мийм” ҳарфлари ташдидли бўлганида:

إِنْ ، أَنْ ، ظَنْ ، لَمَّا ، ثُمَّ ، هَمْ

### Учинчи дарс

## Баъзи бир ўхшаш ҳарфлар ўртасидаги фарқлар

“Зáл” ва “зá” ( ز ، ذ ) ҳарфлари ўртасидаги фарқ

“Зáл” ҳарфи талаффузида тил ўртаси олд тишлар юқори қисмининг уч томонига ёпишиб туради. Шунингдек, бу ҳолатда тилнинг ён томони ҳам иштирок этади. “За”да эса тил учи юқори тишларнинг пастки қисмига яқинлаштирилади:

أَزْ - أَذْ

يَذْرُؤُكُمْ ، تَزْرَعُونَ ، أَلَّذِينَ ، زَعَمْتُمْ  
 ذَرَ ، ذُرَ ، ذِرَ ، ذَلْ-ذَلْ ، ذُقْ-ذُقْ ، ذِنْ-ذِنْ

### “Cá” ва “сийн” ( س ، ث ) ҳарфлари ўртасидаги фарқ

Ушбу фарқ худди “зál” ва “zá” ҳарфлари ўртасидаги фарқ кабидир. “Сийн” ҳарфи “zá”нинг маҳражидан чиқиб, соғирир (сирғалувчи, жаранглилик) хусусиятига эга:

أَسْ ، إِسْأَلْ ، سَأَلَ ، سِرَاجًا ، سَيَكُونُ

“Cá” ҳарфи эса “зál”нинг маҳражидан чиқади ва у портловчи ундошлар сирасига киради. Мисоллар:

إِثْقَلْتُمْ ، ثَوَابٌ ، ثِيَابٌ ، مَثْوَى ، مَثْلَاتٍ  
ثَ - سَ ، ثُ - سُ ، ثِ - سِ ، ثَبْ - سَبْ ،  
ثَلْ - سَلْ ، ثِلْ - سِلْ

### “Шийн” ва “жийм” ( ج ، ش ) ҳарфлари

#### ўртасидаги фарқ

“Шийн” ва “жийм” ҳарфларининг иккаласи ҳам тил ўртасида талаффуз қилинади. Улар ўртасидаги ягона фарқ шуки, “шийн” кучсиз талаффуз қилинади, “жийм” эса жаҳр, яъни кучли, жарангли талаффуз қилинадиган ҳарфдир. Шунингдек, “шийн”да ҳаво ёйилиб, тил юқори танглайга ёпишмайди, балки ҳаво тил ва танглай ўртасидан чиқади:

أَشْيَاءَ ، شَاءَ

“Жийм” ҳарфида эса, тил юқори танглайга тегиб туради ва куч билан талаффуз қилинади. Масалан:

أَجْ ، أَجْرَمُوا ، جُنَاحٌ ، جُنْدٌ ، مُجْرِمِينَ

“Дзод” ва “зó” ( ظ ، ض ) ҳарфлари ўртасидаги фарқ

“Дзод” ҳарфи тилнинг ён томонидан чиқади, “зó” ҳарфи талаффузида эса, тил учи тишларнинг юқорисига тегиб турди. Ушбу икки ҳарф талаффузида ҳаво жуда сиқилиб чиқади. Махраж жиҳатидан “дзод” ҳарфи “тó”га, “зó” ҳарфи эса, “сód”га мос келади. Мисоллар:

ضَ - ظَ ، ضُ - ظُ ، ضِ - ظِ ، ضَلٌّ - ظَلٌّ ،  
ضَنَّ - ظَنٌّ ، ضَبٌّ - ظَبٌّ

“*انْقَضَ ظَهِيرَكَ*” , (Шарҳ, 3) – ﴿أَنْقَضَ ظَهِيرَكَ﴾

إِنْ بَعْضَ الظُّنُنِ إِنْمُ ﴿إِنْ بَعْضَ الظُّنُنِ إِنْمُ﴾  
“*инна баъд зоз-зонни исм*” , (Хужурот, 12)

“*يَعْضُ الظَّالِمِ*” , (Фурқон, 27) – ﴿يَعْضُ الظَّالِمِ﴾

وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ﴾  
لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا ﴿لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا﴾

“Tá” ва “тó” ( ط ، ت ) ҳарфлари ўртасидаги фарқ

Оддий “tá” ҳарфи талаффузида аъзолар анча бўш ҳолатда бўлади. “Tó” ҳарфида эса, “tá”дагига нисбатан тил учи танглай олдига тортилиб, қаттиқ жисплашади. Тил орқаси юмшоқ танглайдан имкон борича узоқлашади ва ҳаво ташқарига куч билан отилиб чиқади. “Tá” истифола, “тó” эса, истеъло ҳарфидир. Мисоллар:

تَ - طَ ، تُ - طُ ، تِ - طِ ، تَلٌّ - طَلٌّ ،  
تَابَ - طَابَ ، تَيْسَ - طَيْسُ

Мисоллар:

﴿فَطَاوَلَ﴾ ، ﴿تَحْطُّ بِهِ خُبْرًا﴾ ، ﴿تَطْهِيرًا﴾ ، ﴿وَ لَا تُطِعِ الْكَافِرِينَ﴾ ،  
 ﴿قَالُوا إِنَّا تَطَهَّرْنَا بِكُمْ﴾ ، ﴿وَ يُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ﴾ ، ﴿تَطْمَئِنُ﴾ ،  
 ﴿وَ مَا أُسْتَطَاعُوا﴾ ، ﴿تَسْتَطِيعُ﴾ ، ﴿تَطْلُعُ﴾ ، ﴿تَنْظَلُ﴾ ،  
 ﴿فَمَا أُسْتَطَاعُوا﴾ ، ﴿نَظَهَرُهُمْ﴾ ، ﴿مُسْتَطَرُ﴾

“Báv” ва “фá” (ف ، و) ҳарфлари ўртасидаги фарқ

“Báv” ҳарфи икки лабнинг жуфтлашишидан ҳосил бўлади, яъни у лаб-лаб товушидир. “Фá”да эса, юқориги тишлар пастки лабнинг устида туради, у лаб-тиш товуши ҳисобланади. Асосан мана шу жиҳатига эътибор берилса, ушбу икки бир-бирига ўхшаш ҳарфлар орасидаги фарқ яққол на-моён бўлади. Масалан, “куффан аҳад” эмас, балки “куфу-ван аҳад.” бўлади: ﴿كُفُوا أَحَدٌ﴾

Мисоллар:

﴿وَ يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلِ الْعَفْوَ﴾  
 ﴿فَمَثُلُهُ كَمِثْلِ صَفْوَانِ عَلَيْهِ تُرَابٌ﴾  
 ﴿يَقُولُونَ بِأَفْوَاهِهِمْ مَا لَيْسَ فِي قُلُوبِهِمْ﴾  
 ﴿إِنَّمَا ذَلِكُمُ الشَّيْطَانُ يُخَوِّفُ أَوْلِيَاءَهُ﴾  
 ﴿فَوَسُوسَ لَهُمَا الشَّيْطَانُ لِيُبَدِّيَ لَهُمَا ...﴾

﴿لَقَدْ كَانَ فِي يُوسُفَ وَ إِخْرَجَتِهِ عَالَيْتُ لِلسَّائِلِينَ﴾  
 ﴿مَا لَهَا مِنْ فَوَاقٍ﴾، ﴿فَوَجَدَا عَبْدًا مِنْ عِبَادِنَا﴾  
 ﴿فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا﴾

“Дзод” ва “дál” ( د ، ض ) ҳарфлари ўртасидаги фарқ

Мазкур ҳарфлар талаффузи бир-бирига жуда яқин. Фатъатгина “дзод” куч билан талаффуз қилинади, “дál” исстеъло, “дál” истифола ва қалқала ҳарфидир. ”Дзод”нинг талаффузида ҳаво оқими оғизнинг икки тарафидан чиқади:

﴿وَ يُجَادِلُ الَّذِينَ كَفَرُوا بِالْبَاطِلِ لِيُدْحِضُوا بِهِ الْحَقَّ﴾  
 ﴿وَ إِذَا مَسَّ النَّاسَ ضُرٌّ دَعَوْا رَبَّهُمْ مُنْبِيِّنَ إِلَيْهِ﴾  
 ﴿وَ لَقَدْ ضَلَّ قَبْلَهُمْ أَكْثُرُ الْأَوَّلِينَ﴾

Ушбу ҳарфлар сукунли бўлганида, “дál” қалқала қилиб, тебратиб, “дзод” қалқаласиз, тебратмай ўқилади. Масалан:

﴿لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ حَفَّإِذَا أَفْضَيْتُمْ  
 مِنْ عَرَفَاتٍ فَإِذْ كُرُوا اللَّهُ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ﴾  
 ﴿خَالِدِينَ فِيهَا وَ أَزْوَاجَ مُطَهَّرَةً وَ رَضِوانُ مِنَ اللَّهِ﴾  
 ﴿وَ الْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الْرِّجَالِ وَ النِّسَاءِ﴾  
 ﴿فَلَا يَخَافُ ظُلْمًا وَ لَا هَضْمًا﴾

وَ اَنَّهُ هُوَ اَضْحَكَ وَ اَبْكَى ﴿٤﴾

“Дál”ни қалқала қилиб, “дзód”ни эса, қалқаласиз ўқишиңи қуийидаги мисол орқали янада аниқроқ кўришимиз мумкин:

﴿فَاقْضِ مَا أَتَ قَاضٍ﴾ – قاضٌ

“қоооооодз” (қалқаласиз)

﴿وَ لَكُلُّ قَوْمٍ هَادِ﴾ – هَادِ

“ҳаааааад.” (қалқала билан)

### Араб тилидаги “вáв” ( و ) ҳарфи

Араб тилидаги “вáв” ҳарфи ўзбек тилидаги “в”га мос келгани ҳолда, ундан бир оз фарқ қиласди. Яъни, араб тилидаги “вáв” ҳарфи олдидан билинар-билинмас “у” унлиси талаффуз этилади. Бу ҳолатда “вáв” инглиз тилидаги “w” (“добрый”) ҳарфига ўхшаб кетади. Масалан:

World (уволд), what (увом), window (увиндов), which (увич)

Араб тилидаги энг чиройли талаффуз қилинадиган ҳарфлардан бири ҳам, айнан “вáв” ҳарфи саналади. Ушбу ҳарфнинг соғ арабий услубда талаффуз қилишга тажвид илмида алоҳида эътибор қаратиш лозим:

﴿هُوَ الَّذِي خَلَقَ الْسَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضَ﴾

“хувал-лазий холақос-самáувати увал-ардз”

Бу ерда “вáв”нинг олдида келган “у” унлиси тўлиқ талаффуз қилинмайди, балки “вáв” ҳарфининг ичига сингдирив юборилади.

### Савол ва топшириқлар:

- 1) Араб алифбоси ҳақида умумий маълумот беринг.
- 2) Араб алифбосидаги ҳарфлар тизими бошқа алифбодаги ҳарфлардан фарқли томони нималарда намоён бўлади?
- 3) Араб ва ўзбек тилларига хос бўлган ҳарфларни алоҳида ажратиб кўрсатинг.
- 4) Фақатгина араб тилига хос бўлиб, ўзбек тилида мавжуд бўлмаган ҳарфларни аниқлаб, уларнинг талаффузини пухта ўзлаштириб олинг.

5) Араб тилидаги ўзаро бир-бирига ўхшаш ҳарфларни фарқлашгана қарапат қилинг.

6) Истеъло ва истифола ҳарфларининг бир-биридан ажратиб турадиган асосий хусусиятлари нималардан иборат? Мисоллар келтиринг.

7) Шиддат (портловчи) ундошлар ва қалқала ҳарфлари ўртасида қандай боғлиқлик бор?

8) Фунна нима ва у қандай ҳолатларда юз беради? Фунна ҳарфларини кўрсатиб ўтинг ва уларга мисоллар келтиринг.

9) Араб тилидаги “váv” ҳарфининг ўзига хос қандай хусусиятлари бор?

### **Тўртинчи дарс**

#### **Ҳаракатлар**

Араб алифбосида барча ундош товушлар ва чўзиқ унлиларнигида ифодалаш мумкин. Қисқа унлилар эса, ёзувда ўз аксини топмаган.

Ўқишида жуда аниқлик талаб қилувчи манбалар – Қуръони карим, дарслеклар ва лугатлардан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида қисқа унлиларни ифодалаш учун қўшимча белгилар – **ҳаракатлар** қўйилади.

Ҳаракат – маълум ўриндаги ундошдан кейин қандай унли талаффуз қилинишини билдирувчи белги. Ҳаракатлар ҳарф усти ёки остига қўйилади.

Араб тилида қисқа унли “a” фатҳа — ҳаракати билан ифодаланади. Фатҳа қайси ҳарфдан сўнг талаффуз этилса, ўша ҳарфнинг устига қўйилади. Масалан:

كَتَبَ ، دَرَسَ ، حَمَدَ ، أَعْمَمَ

Қисқа унли “y” замма — ҳаракати билан ифодаланади. Замма ҳам ҳарф устига қўйилади. Масалан:

كِتَابُ مَنْ ؟ ، دُرِسَ ، وُجَبَ ، أَنْفُسُكُمْ

Қисқа унли “i” касра — ҳаракати билан ифодаланади. Касра ҳарф остига қўйилади. Масалан:

بِكُمْ ، درَاسَةٌ ، تجَارَةٌ ، شَفَاءٌ  
سُكُونٌ

Сўз таркибидаги айрим ундошлардан сўнг ҳеч қандай унли талаффуз қилинмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолатда ўша ҳарф устига маҳсус сукун ҳаракати ° қўйилади. Сукунли ҳолат араб тилида сўз ўртаси ва охирида рўй бериши мумкин. Масалан:

دَرْسٌ ، مَكْتَبَةٌ ، الْإِسْلَامُ ، ذَنْبٌ  
لَمْ ، كَمْ ، مَنْ ، بَلْ ، قُمْ ، أَنْ

Араб тилида сўз бошида сукунли (яъни, унлисиз) ҳолатнинг келиши кузатилмайди. Чунки, бу тилга нокулайлик туғдиради.

**Ташдид**

Араб тилида баъзи ҳаракатларнинг устига ташдид " ҳаракати қўйилади. Бу ўша ҳарфни иккилантириб ўқиш лозимлигини билдиради. Масалан:

هَمَ - هَمْمَ ، لَمَّا - لَمْمَ ، ظَنَّ - ظَنْنَ ، سَبَّحَ - سَبَّحْ  
حَمَّدَ - حَمْمَدَ ، جَوْدَ - جَوْوَدْ ، حَسَّنَ - حَسْسَنَ

**Савол ва топшириқлар:**

- 1) Араб тилидаги қисқа унлилар қандай ифодаланади?
- 2) Араб тилида нечта қисқа унли бор? Уларнинг номларини айтинг.
- 3) Сукун нима ва у сўз таркибида қайси ўринларда келади?
- 4) Ташдид ҳаракатининг вазифаси нима?

## Бешинчи дарс

### Сукунли “нувн” ва танвин

Сукунли “нувн” ҳаракатсиз “нувн” ҳарфидир, яъни фат-ҳа, замма, касралардан холи бўлиб, устига сукун белгиси кўйилган “нувн”. Масалан:

يُنْفَقُونَ ، عَنْهُ ، أَنْ آمُنْوًا ، مِنْ ، أَمْرًا — أَمْرَنْ  
 كِتَابٌ — كِتَابُنْ ، مَنْ ، مِنْ ، مِنْ

Шунингдек, араб тилида кўпгина сўзлар танвин деб атальувчи “ун”, “ин” ва “ан” қўшимчалари билан тугайди. Сўзниг бош келишикдаги шакли “ун” бўлиб, у **танвин замма**, дейилади. Худди ҳаракатлар каби танвинлар ҳам алифбода ўз аксини топмаган. Шу туфайли улар қўшимча белгилар сифатида илова қилинади. “Ун” танвини **—** сўзниг охирги ҳарфи устига кўйилади. Бошқа танвинлар ҳам шундай. Мисол:

مُسْلِمٌ ، مُحَمَّدٌ ، وَلَدٌ ، كِتَابٌ ، بَيْتٌ

“Ин” қўшимчаси **—** **танвин касра** ҳаракати билан берилади. Мисол:

كُلُّ مُسْلِمٍ ، فِي غُرْفَةٍ ، مِنْ بَيْتٍ

“Ан” қўшимчаси **—** **танвин фатҳа** ҳаракати билан ифодаланади. Бу қўшимча “ة” (тойи марбута) ҳарфи билан тугаган сўзларга қўшилганида, мазкур ҳаракатнинг ўзи кифоя қилаади. Масалан:

غُرْفَةٌ ، تَافْلَةً ، فَرِيضَةً ، هَدَيَةً

Агар сўз “ة” (тойи марбута)дан бошқа ҳарфлар билан тугаган бўлса, сўз охирига “ى” (алиф), айрим сўзларда эса “ى” (алиф мақсурा) кўйилади. Масалан:


مُسْلِمًا ، كَتَابًا ، هُدًى ، مَعْنَى ، نُهَى

Араб тилида сукунли “нувн” ҳарфларда (لَنْ، إِنْ، مِنْ)،

исмларда (إِنْسُ، أَبْيَاءُ) ва феълларда (أَنْتَظِرُوا، يَنَاؤْنَ، أَبْيَاءُ)

(<sup>كُنْتُمْ</sup>) учраши мумкин. Лекин танвин ҳаракати фақатгина исмларда (яъни, от, сифат, сон, сифатдош каби сўз бирикмаларида) учрайди.

Сукунли “нувн” ва танвинда тўртта қоида бор. Булар: изҳор, идғом, иқлоб (ёки қолб) ва ихфо.



## Изҳор

“Изҳор” сўзи лугатда “кўрсатиш, эълон қилиш, намоийиш этиш, билдириш, тушунтириш” каби маъноларни, истилоҳда эса, сукунли “нувн” ёки танвин олтига ҳарфнинг бирига йўлиққанда, ”нувн”ни билдириб, фуннасиз ўқишни англатади. Мазкур олти ҳарф қўйидагилар:

خ ھ ھ ھ ھ

Кўйида изҳор ҳарфларининг ҳар бирига мисоллар келтириб ўтамиз:

مَنْ عَامَنَ، مَنْ أَعْطَى، إِنْ أَرَدْتُمْ، يَنَاؤْنَ

“ман амана; ман азмо; ин ароттум; йанъавна”

مَنْ هَدَى اللَّهُ ، مَنْ هَادٌ ، مَنْ هَلَكَ ، أَلَا إِنَّهَا رُ

“ман ҳадаллоху; мин ҳааааад; ман ҳалака; ал-анҳаааар”

إِنْ عَمَلْتُمْ ، مَنْ عَمِلَ ، مَنْ عَلَقَ ، أَنْعَمْتَ

“ин ғамилтум; ман ғамила; мин ғалақ; ан-ғамта”

مَنْ حَمَلَ ، فَمَنْ حَاجَكَ ، مَنْ حَكِيمٌ ، تَسْتَحْتُونَ

\* \* \*

مِنْ غَلِيلٍ ، مِنْ غِسْلِينَ ، مِنْ غَيْرِ كُمْ ، فَسَيِّئُنَغْضُونَ

\* \* \*

مَنْ خَشِيَ ، فَإِنْ خَفْتُمْ ، مَنْ خَيْرٌ ، أَلْمُنْخَنِقَةُ

\* \* \*

﴿لِكُلِّ قَوْمٍ هَادٍ﴾ - لِكُلِّ قَوْمٍ هَادٌ ،

﴿سَلَامٌ هِيَ﴾ - سَلَامٌ هِيَ

\* \* \*

﴿جُرْفٌ هَارٌ﴾ - جُرْفٌ هَارٌ

﴿وَ جَنَّاتٌ أَلْفَافًا﴾ - وَ جَنَّاتٌ أَلْفَافًا

\* \* \*

﴿شَيْئًا إِدَّا﴾ - شَيْئًا إِدَّا ، ﴿لَأَيِّ يَوْمٍ أُجْلَتْ﴾ -

لَأَيِّ يَوْمٍ أُجْلَتْ

\* \* \*

﴿عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾ - عَزِيزُنْ حَكِيمٌ ، ﴿نَارًا حَامِيَةً﴾

نَارَنْ حَامِيَةً ، ﴿تِجَارَةً حَاضِرَةً﴾ - تِجَارَتَنْ حَاضِرَةً

\* \* \*

﴿وَاسِعٌ عَلِيهِ﴾ - وَاسِعُنْ عَلِيْمُ ، ﴿فِي جَنَّةٍ عَالِيَّةٍ﴾

فِي جَنَّتِنْ عَالِيَّةً ، ﴿أَجْرًا عَظِيمًا﴾ - أَجْرَنْ عَظِيْمَا

\* \* \*

﴿وَرَبُّ غَفُورٌ﴾ - وَرَبُّنْ غَفُورٌ ، ﴿أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٌ﴾

أَجْرُنْ غَيْرُ مَمْنُونُ ، ﴿بِقُرْآنٍ غَيْرٍ هَذَا﴾ - بِقُرْآنِنْ غَيْرِ هَذَا

\* \* \*

﴿لَطِيفٌ خَيْرٌ﴾ - لَطِيفُنْ خَيْرٌ ، ﴿نَخْلٌ خَاوِيَّةٍ﴾

نَخْلَنْ خَاوِيَّةً ، ﴿نَارًا خَالِدًا...﴾ - نَارَنْ خَالِدًا...

## Идғом

“Идғом” сўзи лугатда “бир нарсани бошқа бир нарсанинг ичига киргизиш” маъносини ифодалайди. Араб тилида отнинг оғзига юганни киргизиш маъносида ҳам ушбу сўз қўлланилади. Истилоҳда, сукунли “нувн” ёки танвин маълум ҳарфларга йўлиққандада, уни ўзидан кейинги келган ҳарф ичига киргизиб, ташдид билан ўқишни билдиради. Мазкур ҳарфлар олтита:

ى ر م ل و ن

Ушбу ҳарфлар يَرْمُلُونَ сўзида ўз ифодасини топган.

Булардан тўртта ҳарф (ن ، م ، و ، ى) фуннали, қолган ва ل эса, фуннасиз ўқилади. Фунна, яъни يَمْنُو ҳарфларида овоз димог орқали ташқарига чиқади. Масалан:

﴿مَنْ يَعْمَلُ﴾ - مَيْعَمَلُ ، ﴿مِنْ وَلَدٍ﴾ - مِوَلَدُ ،

﴿أَنْ لَوْ﴾ - أَلَّوْ

“ман йаъмал - май-йаъмал; мин валад. - ми<sup>в</sup>-валад. ; ан лав - ал-лав”

﴿خَيْرًا يَرَهُ﴾ - خَيْرَيْرَةُ ، ﴿قَوْلٌ مَعْرُوفٌ﴾ - قَوْلَمَعْرُوفُ

“хойрон йароҳ - хойроӣ-йароҳ;

қовлун маърууувф - қовлум-маърууувф”

Энди идғом ҳарфларининг ҳар бирига алоҳида мисоллар келтириб ўтамиш:

إِنْ يَكُونُوا ، مَنْ يَشَاءُ ، مِنْ يَوْمِهِمْ ، لَنْ يَقْدِرَ

“иӣ-йакувнув; май-йашааааз; мий-йавмиҳим;  
лай-йақ.диро...”

مِنْ وَاقٍ ، مَنْ وَجَدْنَا ، مِنْ وَلَدٍ ، مِنْ وَرَثَةٍ

“ми<sup>в</sup>-вааааақ. ; мав-важад.на; ми<sup>в</sup>-валад. ;  
ми<sup>в</sup>-варосати...”

﴿مِنْ مَالٍ﴾ - مِمَالِ ، ﴿مِنْ مَسَدٍ﴾ ،

﴿مِنْ مَا تَعْمَلُونَ﴾ ، ﴿مِنْ مَلَكٍ﴾

\* \* \*

﴿مِنْ نَذِيرٍ﴾ - مِنَذِيرٌ ، إِنْ شَاءٌ ، إِنْ تَعْفُ ، لَنْ تَدْخُلُهَا

\* \* \*

﴿مِنْ لَدُنْهُ﴾ - مِلْدُونُهُ ، أَنْ لَنْ ، أَنْ لَوْ ، وَلَكِنْ لَا يَعْلَمُونَ

\* \* \*

﴿مِنْ رَبِّهِمْ﴾ - مَرِبْبِهِمْ ، ﴿أَنْ رَآهُ أَسْتَعْنِي﴾ ، ﴿مِنْ رَسُولِ﴾

\* \* \*

﴿خَيْرًا يَرَهُ﴾ - خَيْرِيَرَهُ ، ﴿وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ﴾ ،

﴿خَيْرٌ وَأَبْقَى﴾ ، ﴿وَالدِّلْدِ وَمَا وَلَدَ﴾

\* \* \*

﴿صُحْفًا مُطَهَّرَةً﴾ - صُحْفَمُطَهَّرَةً ، ﴿قَوْلٌ مَعْرُوفٌ﴾

﴿كُلًا ثُمَّ نَدِّ﴾ ، ﴿يَوْمَئِذٍ نَاعِمَةً﴾

\* \* \*

﴿مَالًا لِبَدًا﴾ - مَالَبَدَا ، ﴿هُمَزَةٌ لِمَزَةٍ﴾ ،

﴿غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾ ، ﴿عِيشَةٌ رَّاضِيَةٌ﴾

**Эслатма:** күйидаги уч ҳолатта сукунли “нуvn”ни изҳор қилиб ўқиши лозим:

Биринчи ҳолат (Ёсин, 1-2):

يَسَ اللَّهُمَّ وَأَنْفُرْنَا إِنَّ الْحَكِيمَ

“иá сиииийн вал-қурбánil-хакишииийм”

Киши хоҳласа, “иá сиииийн”, деб вақф қилиб, сўнгра кейинги оятни ўқиши мумкин.

Иккинчи ҳолат (Қалам, 1):

رَبَّ اللَّهِمَّ وَمَا يَسْطُرُونَ

“нууууувн вал-қолами ва мá йастурууувн”

Бу ерда ҳам “нууууувн”дан сўнг вақф қилиб, сўнгра “вал-қолами ва мá йастурууувн” тарзида давом эттириш ҳам мумкин.

Учинчи ҳолат (Қиёмат, 27):

“ва қиyllа ман (сакта) рооооок.” – وَقَيْلَ مَنْ رَاقٍ

Бу ерда суқунли “нувн”дан кейин сакта қилиниши лозим. Шу сабаб ҳам “нувн” ҳарфи “ró”га идғом қилинмайды.

### Мутамосил ва мутажонис ҳарфларнинг қоидалари

Араб тилида жумлалар таркибидә икки сўз бир-бирига йўлиқиб, аввалгиси суқунли бўлганида у мутамосил, мутажонис, мутақориб ёки мутабоид қоидаларидан бирига мансуб бўлади.

Мутамосил: исм ва маҳражда бир бўлган икки ҳарфнинг аввалгиси суқунли бўлганида, уни ўзидан кейин келадиган ҳарфнинг ичига киргизиб ўқиш. Масалан:

وَ قَدْ دَخَلُوا - قَدْخُلُوا

“ва қоddахолув”, (Моида, 61)

أَذْهَبْ بِكَتَابِي هَذَا - إِذْهَبْ كَتَابِي

“изхаббикитабий ҳаза”, (Намл, 28)

كَلَّا بَلْ لَا تُكْرِمُونَ الْيَتِيمَ - بَلْ

“калла балла тукримувнал-йатишийм”, (Фажр, 17)

فَمَا رَبَحَتْ تِجَارَتُهُمْ - رَبَحَتْ جَارَتُهُمْ

“фа ма робиҳаттижаротуҳум”, (Бақара, 16)

مَا لَمْ تَسْتَطِعْ عَلَيْهِ صَبَرًا

“ма лам тастатиҳ-ҳалаихи соб.ró”, (Каҳф, 78)

**Эслатма:** мад ҳарфлари бўлмиш “вáв” ва “йа” ўз жинсига дуч келганида, идғом қилинмайди. Балки, бу ҳолда изҳор қилиб ўқиш вожибдир. Чунки, идғом қилинадиган бўлса, мазкур ҳарфларнинг мадлик хусусияти йўқолади. Масалан:

يَا لَيْتَ قَوْمِي يَعْلَمُونَ (Ёсин, 26)

(Бақара, 25) ﴿إِمْنُوا وَ عَمِلُوا الْصَّالِحَاتِ﴾

Қачонки ушбу ҳарфлар лийн бўлиб келса, яъни мазкур ҳарфлардан олдин фатҳа ҳаракати бўлса, у ҳолда, барча қорилар фикрича, идғом қилиш вожиб бўлади. Масалан:

(Бақара, 61) ﴿ذَلِكَ بِمَا عَصَوَا وَ كَانُوا يَعْتَدُونَ﴾

﴿قَالَ لَا تَخْتَصِمُوا لَدَيْ وَ قَدْ قَدَّمْتُ إِلَيْكُم بِالْوَعِيدِ﴾

Энди, Ҳааққо сурасининг 28-оятидаги ﴿مَالِيَه﴾ сўзининг ўқилишига тўхталиб ўтамиз:

﴿مَا أَغْنَى عَنِي مَالِيَهُ مَلَكٌ عَنِي سُلْطَانِيَهُ﴾

Ҳафс ривоятига кўра, мазкур сўзни изҳор ёки идғом қилиб ўқиш жоиз:

1) изҳор билан ўқиласа (бу ерда сакта қилинади):

﴿مَا أَغْنَى عَنِي مَالِيَهُ \* هَلَكَ عَنِي سُلْطَانِيَهُ﴾

2) идғом билан ўқиласа:

﴿مَا أَغْنَى عَنِي مَالِيَهُ \* هَلَكَ عَنِي سُلْطَانِيَهُ﴾

Энг афзал шакл “ҳá”да сакта қилиб, ушбу икки сўзни изҳор билан ўқишидир.

**Эслатма:** Ҳафс ривоятига кўра, исм ва маҳражда бир бўлган икки хил ҳаракатга эга бўлган ҳарф ёнма-ён келса, улар изҳор қилиб ўқилади. Масалан:

(Фотиҳа, 3-4) ﴿أَلرَّحِيمِ مَالِكِ...﴾

(Бақара, 200) ﴿مَنَاسِكُكُمْ﴾

Фақатгина икки сўз бундан мустасно:

1. Юсуф сурасининг 11-оятидаги لَا تَأْمَنَّ сўзи.

Ушбу сўз аслида ﴿تَأْمُنَنَا﴾ бўлиб, у равм ёки ишмом<sup>24</sup> билан ўқилиши мумкин;

2. Каҳф сурасининг 95-оятидаги ﴿مَكْنِي﴾ сўзи.

Мазкур сўз ҳам аслида مَكْنِي тарзида бўлиб, Ҳафс бу сўздаги биринчи “нувн”ни иккинчи “нувн”нинг ичига киргизиб, идғом билан ўқиган.

Шунингдек, Зумар сурасининг 64-оятидаги ﴿تَأْمُرُونَى﴾ ﴿تَأْمُرُونَى﴾ сўзи ҳам шу тартибда ўқилади. Ушбу сўз аслида شاكлига эга. Бу ерда иккита ёнма-ён келган “нувн” идғом билан ўқилади.

Мутажонис: маҳражда бир, аммо исмда фарқли бўлган икки ҳарфнинг аввалгиси сукунли бўлган ҳолда уни ўзидан кейин келадиган ҳарф ичига киргизиб ўқиш. Бунга ҳарфлари киради. Масалан:

﴿فَآمَنَتْ طَائِفَةٌ مِّنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَ كَفَرَتْ طَائِفَةٌ﴾

Мисолнинг ўқилиши (Софҳ, 14):

﴿فَآمَنَطَائِفَتُمِ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَ كَفَرَطَائِفَةٌ \* \* \*

﴿وَ مَهَدَتْ لَهُ تَمْهِيدًا﴾ - مَهَدْ

“ва маҳҳатту лаҳув тамҳийдá”, (Муддассир, 14)

﴿قَالَ قَدْ أُجِيَتْ دَعْوَتُكُمَا﴾ - أُجِيَدَ دَعْوَتُكُمَا

“қóла қод. ужийбад-даҳватукумá”, (Юнус, 89)

(Аъроф, 176), “из-золамтум” - إِظْلَمْتُمْ - اذ ظَلَمْتُمْ

(Зухруф, 39), “йалхаз-залика” – يَلْهَثُ ذَلَكَ ﴿ – يَلْهَثُ ذَلَكَ﴾

يَا بُنَىَّ أَرْكَبَ مَعَنَا وَ لَا تَكُنْ مَعَ الْكَافِرِينَ ﴿ – يَا بُنَىَّ كَمَعَنَا﴾

“يَا بُنَىَّ أَرْكَبَ مَعَنَا وَ لَا تَكُنْ مَعَ الْكَافِرِينَ ﴿ – يَا بُنَىَّ كَمَعَنَا﴾

**Эслатма:** сукунли “бá” ҳарфи “мийм”га йўлиққанда, у тўлиқ “мийм” ҳарфига алиштириб ўқилса-да, лекин сукунли “мийм” ҳарфи “бá”га дуч келганида ихфо билан ўқилади. Масалан:

إِنْ رَبُّهُمْ بِهِمْ يَوْمَئِذٍ لَخَبِيرٌ ﴿ – إِنْ رَبُّهُمْ بِهِمْ يَوْمَئِذٍ لَخَبِيرٌ﴾  
“и́нна роббаҳум-биҳим...” – إِنْ رَبُّهُمْ بِهِمْ يَوْمَئِذٍ لَخَبِيرٌ ﴿ – إِنْ رَبُّهُمْ بِهِمْ يَوْمَئِذٍ لَخَبِيرٌ﴾

Мутамосил ва мутажонис ҳарфлар бир-бирига идғом қилиб (киргизиб) ўқилади. Фақатгина “нувн” ва “мийм” ҳарфлари фуннали, қолганлари эса, фуннасиз ўқилади. Масалан:

لَنْ تُؤْمِنَ لَكَ ، إِنْ ، لَمَّا ، وَ كَمْ مِنْ مَلَكٍ

**Мутақориб:** маҳражда бир-бирига яқин, исмда турлича бўлган икки ҳарфнинг (ك - ق ، ر - ل) аввалгиси сукунли бўлса, мазкур ҳарф ўзидан кейинги ҳарф ичига киргизиб ўқилади. Масалан:

وَ قُلْ رَبِّ زِدْنِي عِلْمًا ﴿ – قُرَبٌ﴾

أَلَمْ تَخْلُقْكُمْ مِنْ مَاءٍ مَهِينٍ ﴿ – نَخْلُكُمْ﴾

“ва қур-робби зид.ний զилмá (Тоҳа, 114);

alam naхлуккум-мим-маааим-маҳиишийн” (Мурсалот, 20)

**Эслатма:** сукунли “лám” ҳарфидан кейин “ró” келса, бу ҳолатда юқорида таъкидланганидек, “лám” ҳарфи “ró”нинг ичига киргизиб ўқилади, аммо сукунли “ró” ҳарфи “лám”га йўлиққан ҳолларда изҳор қилиб ўқилиши лозим. Масалан:

﴿رَبِّ أَعْفُرْ لِي وَ لَوَالدَّيْ وَ لَمَنْ دَخَلَ بَيْتِي مُؤْمِنًا وَ لِلْمُؤْمِنِينَ﴾

Мутабоид: Исмда ҳам, маҳражда ҳам бир-бираидан узоқ бўлган икки ҳарф бирга келиб, аввалгиси сукунли бўлса, улар изҳор қилиб ўқилади. Масалан:

﴿قَدْ سَمِعَ اللَّهُ ، إِذْ تَأْتِيهِمْ كَمْ أَهْلَكْنَا ، كَمْ يَرْمُلُونَ﴾

Бу ерда сукунли “дál” ҳарфи “сийн”га, сукунли “мийм” ҳарфи “алиф”га ва сукунли “зál” ҳарфи эса “tá” ҳарфларига дуч келган, улар исмда ва маҳражда бошқа-бошқа бўлганлиги учун ҳам изҳор қилиб ўқилади.

**Эслатма:** одатда сукунли “нувн” ҳарфларига дуч келса, унинг ичига киргизиб, идғом қилиб ўқилар эди. Аммо, Қуръони каримда тўртта сўз бу қоидадан мустасно. Улар қуидагилар:

﴿الْدُّنْيَا ، بُنْيَانٌ ، قُنْوَانٌ ، صِنْوَانٌ﴾

Ушбу қоида **мутлоқ изҳор** дейилади. “Дун-йá” ва “бун-йán” сўзларида сукунли “нувн” ҳарфи “йá”га дуч келган. Улар аслида “дуййá”, “буййán” деб ўқилиши лозим эди. Лекин, қоидага хилоф тарзда изҳор билан ўқиш талаб қилинади. “Қин-вáн” ҳамда “син-вáн” сўзларида эса, сукунли “нувн” ҳарфи “váb”га йўлиққан. Улар ҳам аслида қоидага мувофиқ “қиввáн”, “сиввáн” тарзида талаффуз этилиши керак эди. Лекин, айнан мазкур сўзларда изҳор билан ўқилади.

﴿الْدُّنْيَا﴾ сўзи Қуръони каримнинг кўплаб ўринларида учрайди.

﴿بُنْيَانٌ﴾ сўзи Софф сурасининг 4 оятида, Каҳф сурасининг 21 ва Соффот сурасининг 97 оятларида, ﴿بُنْيَانَهُ﴾ сўзи Тавба сурасининг 109 оятида, ﴿بُنْيَانَهُمْ﴾ сўзи эса, Тавба сурасининг 110 ва Наҳл сурасининг 26 оятларида келган.

﴿فِنْوَانٌ﴾ сўзи Аньом сурасининг 99-оятида келган:

﴿وَ مِنَ النَّحْلِ مِنْ طَلْعِهَا قِنْوَانٌ دَانِيَةٌ وَ جَنَّاتٍ مِنْ أَعْنَابٍ﴾

﴿صِنْوَانٌ﴾ сўзи Раъд сурасининг 4-оятида келган:

﴿وَ زَرْعٌ وَ نَخِيلٌ صِنْوَانٌ وَ غَيْرٌ صِنْوَانٌ يُسْقَى بِمَاءٍ وَاحِدٍ﴾

## Иқлоб

“Иқлоб” сўзи лугатда “бирон нарсанинг юқорисини пастига, ўнгини чапига, ичини ташқарисига ўтириб қўйиш” маъносини англатади. Истилоҳда эса, суқунли “нувн” ёки танвин “бá” ҳарфига йўлиққанда, “нувн”ни “мийм”га алмаштириб, фунна билан ўқишидир. Масалан:

﴿مَنْ بَخِلَ - مَمْبَخِلَ، أَبْنَاكَ - أَمْبَاكَ﴾

﴿سَمِيعٌ بَصِيرٌ - سَمِيعُمْبَصِيرٌ﴾

“ман баҳила – мам-баҳила; анба-ака – ам-ба-ака;

﴿مُنْفَطِرٌ بِهِ - مُنْفَطِرُمْبَهٌ، زَوْجٌ بَهِيجٌ - زَوْجٌجِمْبَهِيجٌ﴾

﴿مَشَائِءِ بَنِيمٍ - مَشَائِءِ بَنِيمِيمٍ﴾

## Ихфо

“Ихфо” сўзи лугатда “яшириш, беркитиш, сир сақлаш” маъноларини англатади. Истилоҳда эса, суқунли “нувн” ёки танвин ўн беш ҳарфнинг бирига йўлиққанда, “нувн”ни ўша ҳарфнинг ичига (яъни, маҳражига) яшириб ўқишидир. Ихфо

билин ўқиши изҳор ва идғом оралиғида бўлади. Шунингдек, бу ерда гунна сақланади. Мазкур ўн беш ҳарф қуийдагилар:

ت ث ج د ذ ز س ش ص ض ط ظ ف ق ك

Мисоллар:

— مَنْ تَابَ ، وَ إِنْ تَتَوَلَُّوا ، كُتُمْ ، أَنْتُمْ ، ﴿نِعْمَةٌ تُجْزِيَ﴾  
نِعْمَتِنْ تُجْزَا

“ман-тáба; ва ин-татаваллав; кун-тум;  
ан-тум; ниðматин-туж.зá”

— مَنْ تَقْلَتْ ، مِنْ ثَمَرَةٍ ، مَشْوِرًا ، أَلْأَثَى ، ﴿مُطَاعِي ثَمَّ أَمِينٍ﴾  
مُطَاعِنِ ثَمَّ أَمِينٍ

“ман-сақулат; мин-самаротин; ман-суvró ; ал-ун-сá ;  
— مَنْ جَهَدَ ، إِنْ جَاءَكُمْ ، رَبِّجَبِيَّاً ، أَنْجَاكُمْ ، ﴿حُبَّا جَمَّا﴾  
حَبَّبْ جَمَّا \*

— مِنْ دُونِ ، أَنْ دَعَوْتُكُمْ ، عِنْدَ ، أَنْدَادًا ، ﴿دَكَّا دَكَّا﴾  
دَكْنِ دَكَّا \*

— مِنْ ذَهَبٍ ، مَنْ ذَا الَّذِي ، مُنْدَرٌ ، ﴿ظَلٌّ ذِي ثَلَاثٍ شَعَبٍ﴾  
ظَلِّنِ ذِي ثَلَاثٍ شَعَبْ \*

— مِنْ زَقُومٍ ، إِنْ زَعَمْتُمْ ، تَنْزِيلٌ ، ﴿نَفْسًا زَكِيَّةً﴾ — نَفْسَنْ زَكِيَّةً \*

اَنْ سَيْكُونَ ، إِنْ سَأَلْتُكَ ، نَسْسَخْ ، نَسَّاكُمْ ، فَوْجٌ سَأَلَهُمْ  
— فَوْجُنْ سَأَلَهُمْ

\* \* \*

مِنْ شَرّ ، لِمَنْ شَاءَ ، اَنْشَرَهُ ، اِنْشَاءً ، رَسُولًا شَاهِدًا  
— رَسُولَنْ شَاهِدَنْ

\* \* \*

عَنْ صَلَاتِهِمْ ، مِنْ صَلْصَالٍ ، يَنْصُرُكُمْ ، رِيحًا صَرْصَرًا  
— رِيحَنْ صَرْصَرَا

\* \* \*

مِنْ ضَرِيعٍ ، مَنْ ضَلَّ ، مَنْضُودٍ ، قُسْمَةُ ضِيزَى  
— قُسْمَتْنْ ضِيزَا

\* \* \*

مِنْ طَيِّبَاتِ ، مِنْ طَعَامِ الْأَثِيمِ ، اَنْطَلَقُوا ، شَرَابًا طَهُورًا  
شَرَابَنْ طَهُورَا

\* \* \*

مِنْ ظَاهِيرٍ ، فَانْظُرْ ، اَنْظَرْنِي ، ظِلَالًا ظَلِيلًا  
ظِلْلَنْ ظَلِيلًا

\* \* \*

— مِنْ فَتَةٍ ، فِإِنْ فَاعُوا ، مُنْفَكِينَ ، ﴿خَالِدًا فِيهَا﴾ —  
 خَالِدَنْ فِيهَا

\* \* \*

— مَنْ كَانَ ، مِنْ كِتَابَ ، يَنْكُشُونَ ، ﴿كَرَامًا كَاتِبِينَ﴾ —  
 كَرَامَنْ كَاتِبِينْ

**Савол ва топшириклар:**

- 1) Сукунли “нуvn” нима?
- 2) Танвин нима?
- 3) Сукунли “нуvn” қандай сүз туркumlари билан келади, танвин-чи?
- 4) Сукунли “нуvn” ва танвинга хос неча хил қоида бор, улар қайсилар?
- 5) Изҳор нима? Мисоллар келтириңг. Изҳор ҳарфлари қайсилар?
- 6) Идғом нима, мисоллар билан тушунтириңг. Идғом ҳарфлари қайсилар? Идғом неча хил бўлади?
- 7) Идғом қоидаларидан ҳисобланган мутамосил, мутажонис, мутақориб ҳарфлари ҳақида тўхталинг ва мисоллар келтириңг.
- 8) Иқлоб нима? Иқлоб ҳарфи нечта? Мисоллар билан изоҳланг.
- 9) Ихфо қоидасига таъриф беринг. Ихфо ҳарфлари нечта? Уларни санаб ўтинг. Ихфо қоидасида асосан нимага эътибор бериш керак?
- 10) Қуйидаги мисолларда сукунли “нуvn” ва танвилларга ҳамда ўзидан кейин қайси ҳарф келаётганига эътибор беринг. Уларни изҳор, идғом, иқлоб ва ихфо турларига ажратинг.

## Тажвид қоидалари

Биринчи мисол:

وَمَنْ أَظْلَمُ مِنْ مَنْ نَعَمَ مَسَاجِدَ  
اللَّهُ أَنْ يُذَكِّرَ فِيهَا أَسْمَهُ وَسَعَىٰ فِي حَرَابِهَا أَوْ أَتَيَكَ مَا كَانَ  
أَهُمْ أَنْ يَدْخُلُوهَا إِلَّا خَافِرِيْبَ لَهُمْ فِي الدُّنْيَا خَرَّى  
وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ

(١٦)

Иккинчи мисол:

فِيهِءَيَّتَ بَيْنَتْ مَقَامٍ  
إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ عَامِنًا وَلَهُ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ  
مِنْ أَسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَيْلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ

Учинчи мисол:

وَإِنْ يَمْسِسَكَ اللَّهُ بِضَرٍٍ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ  
وَإِنْ يَمْسِسَكَ بِخَيْرٍ فَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

(١٧)

Тўртинчи мисол:

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ ضَرَبَ اللَّهُ مُثْلَكَ لِكَمَةً طَيْبَةً  
كَشَجَرَةً طَيْبَةً أَصَاهَا ثَابِتٌ وَفَرَعَهَا فِي السَّكَمَاءِ

(٢٤)

تُؤْتَى أَكْلُهَا كُلُّ حَنْبَلٍ بِذِنْ رَبِّهَا وَيَضْرِبُ اللَّهُ أَلْمَالَ  
لِلنَّاسِ لَعَلَهُمْ يَتَذَكَّرُونَ

(٢٥)

وَمَثُلَ كَمَةً خَيْشَةً

كَشَجَرَةً خَيْشَةً أَجْتَثَتْ مِنْ فَوْقِ الْأَرْضِ مَا لَهَا مِنْ قَرَارٍ

Бешинчи мисол:

وَأَمَّا الْجِدَارُ فَكَانَ لِغَلَمَيْنِ يَتِيمَيْنِ فِي الْمَدِينَةِ وَكَانَ  
تَحْتَهُ كَنْزٌ لَهُمَا وَكَانَ أَبُوهُمَّا صَلِحَ حَافَارَادَرْبِكَ أَنْ يَلْعَنَا  
أَشَدَّهُمَا وَيُسْتَحْرِجَا كَنْزَهُمَا رَحْمَةً مِنْ رَبِّكَ وَمَا فَعَلْهُ  
عَنْ أَمْرِيْ ذَلِكَ تَأْوِيلٌ مَا لَمْ يَسْطُعْ عَلَيْهِ صَبَرَا

(٨٦)

## Тажвид қоидалари

Олтинчи мисол:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنْ جَاءَكُمْ فَاسِقٌ يُنَبِّئُ فَنِيبُونَا  
أَنْ تُصِيبُوا قَوْمًا بِمَهْلَةٍ فَتُصْبِحُوا عَلَىٰ مَا فَعَلْتُمْ تَدِيمَنَ  
6

Еттинчи мисол:

فَانْطَلَقَ حَتَّىٰ إِذَا لَقِيَ أَعْلَمَهُ فَقَتَلَهُ  
قَالَ أَقْتَلْتَ نَفْسًا زَكِيَّةً بِغَيْرِ نَفْسٍ لَقَدْ جَحَّثْتَ شَيْئًا كُنْكَرًا  
6

Саккизинчи мисол:

وَاللهُ خَلَقَكُم مِّنْ تُرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ جَعَلَكُمْ أَزْوَاجًا  
وَمَا تَحْمِلُ مِنْ أثْنَيْ وَلَا تَنْصَعُ إِلَّا يُعْلَمُهُ وَمَا يَعْمَرُ مِنْ مُعْمَرٍ  
وَلَا يُنَصُّ مِنْ عُمُرٍ إِلَّا فِي كِتَابٍ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ  
11

Түккизинчи мисол:

هَلْ أَنْتَكَ حَدِيثُ الْغَدِيشَةِ ١ وُجُوهٌ يَوْمَ مِيزِ خَشْعَةٍ  
عَامِلَةٌ ذَاقَبَهُ ٢ تَصْلِي نَارًا حَمِيمَةً ٣ تَشْقَى مِنْ عَيْنٍ كَانِيَةً  
لَيْسَ لَهُمْ طَعَامٌ إِلَّا مِنْ ضَرِيعٍ ٤ لَا يُسِينُ وَلَا يُغْفِي مِنْ جُوعٍ  
7

Үнинчи мисол:

وَأَتَيْتُمُ أَحْسَنَ مَا أَنْزَلَ إِلَيْكُمْ مِنْ رِزْكِكُمْ مِنْ قَبْلِ  
أَنْ يَأْتِيَكُمُ الْعَذَابُ بَعْتَهُ وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ

Үн биринчи мисол:

وَلَوْا نَا أَهْلَكَنَاهُمْ بِعَذَابٍ مِنْ قَبْلِهِ  
لَقَالُوا رَبَّنَا لَوْلَا أَرْسَلْتَ إِلَيْنَا رَسُولًا فَنَبَعَ أَيْثَكَ مِنْ  
قَبْلِ أَنْ تَنْذِلَ وَنَخْزِنَ ٥ قُلْ كُلُّ مُتَرِصٍ فَتَرِصُوا  
فَسَتَعْلَمُونَ مَنْ أَصْبَحَ الْصَّرَاطَ السَّوِيًّا وَمَنْ أَهْتَدَى ٦

## Олтинчи дарс Сукунли “мийм”



Сукунли “мийм” (  $\text{م}-، \text{م}-، \text{م}:\text{ـ}-، \text{م}-، \text{م}-، \text{م}-$  )

да учта қоида бор. Булар: идғом мислайн, ихфо шафавия, изхор шафавия.

Уларнинг ҳар бири шафавий (яъни, лаб-лаб ундоши) дейилади.

#### **1. Сүкунли “мийм”нинг идғоми (идғом мислайн):**

Идғом мислайн сукунли “мийм” ҳарфи “мийм”га йўлиқ-қанда, аввалгисини кейинги “мийм”нинг ичига киргазиб ўқишдир. Масалан:

أَمْ مَنْ، وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ، وَكَمْ مِنْ مَلَكٍ، لَهُمْ مَعْفَرَةٌ

*“ам-ман; ва минхум-май-йақувлу;*

*ва кам-мим-малакин; лахум-мағфиротун”*

## 2. Сукунли “мийм”нинг ихфоси (ихфо шафавия):

Ихфо шафавия сукунли “мийм” ҳарфи “бá”га йўлиққанда, “мийм”ни “бá”нинг ичига киргазиб фунна (димоф) билан ўқиш. Масалан:

**هُمْ بَارِزُونَ، كَلْبُهُمْ بَاسِطٌ، إِنَّ رَبَّهُمْ بَهْمٌ**

“хұм-бáризуна; калбухұм-бáситун;  
иңна роббаҳұм-бихим”

3. Сукунли “мийм”нинг изҳори (изҳор шафавия):

Изҳор шафавия сукунли “мийм” ҳарфи “мийм” ва “бá”дан ташқари йигирма олти ҳарфга йўлиққанда, “мийм”ни билдириб ўқиш. Масалан:

أَمْ أَمْتَنْتُمْ ، يَمْتَرُونَ ، فِي دَارِ كُمْ ثَلَاثَةَ ، أَنَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ  
\* \* \*

أَمْ حَسِبْتُمْ ، أَمْ خُلِقُوا ، أَهُمْ خَيْرٌ ، تَرَهَقُهُمْ ذَلَّةٌ  
\* \* \*

أَمْ رَمَّاً ، رَمَّاً ، يَمْشُونَ ، وَ لَمْ يُصْرُوَا ، إِنَّهُمْ كَانُوا

**Эслатма:** шунӣ таъкидлаб ўтиш лозимки, сукунли “мийм” ҳарфи “фá” ва “вáb” ҳарфларига йўлиққанда, “мийм”ни изҳор қилиб ўқишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Масалан:

﴿هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾، ﴿غَيْرُ الْمَعْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَ لَا الْضَّالِّينَ﴾

### Ташдидли “мийм” ва “нуvn”

Араб тилида ташдидли “мийм” ва “нуvn” ҳарф, исм ва феъллар таркибида келиши мумкин.

Ташдидли “мийм” ва “нуvn” гуннали ўқилади, икки ҳаркат миқдорига ушлаб турилади ва сўнгра кейинги сўзга ўтилади. Мисоллар:

Ҳарфларда келиши:

لَمَّا ، مِمَّا ، لَكِنَّ ، ثُمَّ ، إِنَّ ، عَمَّ ، مِمَّ ، أَمَّا

Исмларла келиши:

النَّاسِ ، مَنْ ، غَمْ ، ذَمَّةٌ ، هَمْ ، هَمَّازٌ ، تَنُورٌ

لَأَقْطَعَنَّ ، هَمَّتْ ، تُدَمِّرُ ، وَ لَتُسَأَلَّنَّ

**Савол ва топшириқлар:**

## Тажвид қоидалари

- 1) Сукунли “мийм”га хос нечта қоида бор, улар қайси-лар?
- 2) Сукунли “мийм” ҳарфи “мийм”га йўлиққанда, ушбу икки сўз қайси қоида асосида ўқилади?
- 3) Ихфо шафавия нима?
- 4) Изҳор шафавияга қайси ҳарфлар киради?
- 5) “Мийм” ва “нувн” ҳарфлари ташдид ҳаракатини олганида қандай ўқилади? Мисоллар келтиринг.
- 6) Қуйидаги мисолларда сукунли “мийм”нинг келиш ҳолатларига эътибор беринг. Уларнинг ўқилишини тушунтиринг.

Биринчи мисол:

شَمَّ فَيَسْأَلُنَّ عَلَىٰ مَا أَثْرَهُمْ  
 بِرُسُلِنَا وَفَقِيلَنَا يَعِيسَى أَبْنَ مَرِيمَ وَمَا تَنَاهَىٰ مُهَمَّةُ الْإِنْجِيلِ  
 وَجَعَلَنَا فِي قُلُوبِ الظَّالِمِينَ أَتَبْعَوهُ رَأْفَةً وَرَحْمَةً وَرَهْبَانِيَّةً  
 أَبْدَعُوهُمَا مَا كَنَبَّنَهَا عَلَيْهِمْ إِلَّا أَبْغَاهُمْ رِضْوَانَ اللَّهِ فَمَا  
 رَعَوْهَا حَقَّ رِعَايَتِهَا فَأَتَيْنَا الَّذِينَ أَمْنَوْا مِنْهُمْ أَجْرَهُمْ  
 وَكَيْرٌ مِّنْهُمْ فَلَسْقُونَ

Иккинчи мисол:

أَلْقَرَّرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الْفِيلِ ﴿١﴾ أَلَمْ يَجْعَلْ كِيدَهُمْ  
 فِي تَضْلِيلٍ ﴿٢﴾ وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طِيرًا أَبَأِيلَ ﴿٣﴾ تَرْمِيمِهِمْ  
 بِحِجَارَةٍ مِّنْ سِجِيلٍ ﴿٤﴾ فَجَعَلَهُمْ كَعْصَفًا مَّا كُولُمْ

Учинчи мисол:

وَقَالُوا لَوْ شَاءَ الرَّحْمَنُ مَا عَبَدَنَاهُمْ  
 مَا لَهُمْ بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ إِنَّهُمْ لَا يَخْرُصُونَ ﴿٥﴾ أَمْ لَيَتَهُمْ  
 كَيْتَبَنَا مِنْ قَبْلِهِ فَهُمْ يَهُدُ مُسْتَمِسُكُونَ ﴿٦﴾ بَلْ قَاتُلُوا  
 إِنَّا وَجَدْنَا إِذَا أَبَاءَنَا عَلَىٰ أُمَّةٍ وَإِنَّا عَلَىٰ إِنْتَهَىٰ مُهَمَّدُونَ ﴿٧﴾

Тўртинчи мисол:

وَإِذْ قَالَتْ أُمَّةٌ مِّنْهُمْ لَمْ تَعْظُمْنَ فَوْمًا اللَّهُ مَهْلِكُهُمْ أَوْ مَعْذِلُهُمْ  
عَذَابًا شَدِيدًا قَالُوا مَعْذِرَةً إِلَى رَبِّكُمْ وَلَعَلَّهُمْ يَنْقُونَ  
﴿٦﴾

Бешинчи мисол:

وَإِنَّنَّدَعْوَهُمْ إِلَى الْهُدَى لَا يَتَّسِعُوكُمْ سُوَاءٌ عَلَيْكُمْ كَمْ أَدْعُوكُمْ  
أَمْ أَسْتُمْ صَمِّتُوكُمْ ﴿١٤٣﴾ إِنَّ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ  
عِبَادٌ أَمْثَالُكُمْ فَادْعُوهُمْ فَإِنْسَتَهُمْ بَأْلَكُمْ إِنْ  
كُتُمْ صَدِيقَيْنَ ﴿١٤٤﴾ أَلَّهُمْ أَرْجُلٌ يَمْشُونَ بِهَا أَمْ لَهُمْ أَيْدٍ  
يَبْطِشُونَ بِهَا أَمْ لَهُمْ أَعْيُنٌ يَبْصِرُونَ بِهَا أَمْ لَهُمْ أَذَانٌ  
يَسْمَعُونَ بِهَا أَقْلَى دَعْوَاهُ شَرْكَاءُكُمْ كُمْ كَيْدُونَ فَلَا نُنْظِرُونَ ﴿١٤٥﴾

## Еттинчи дарс “Ро” ҳарфига хос қоидалар

Араб тилида “ро” ҳарфи икки хил хусусиятга эга. Яъни, у ҳолатига қараб тафхим (йўғон) ёки тарқиқ (ингичка) қилиб ўқилади.

**Кийидаги ҳолатларда “ро” тафхимли (йўғон) ўқилади:**

— “Ро” ҳарфининг ҳаракати замма ёки фатҳа бўлса:

رُزِقُوا ، يُبَصِّرُونَ ، بِرِبِّكُمْ ، أَلْرَحْمَانِ أَلْرَحِيمِ ، رَجُلٌ رَشِيدٌ

— “Ро” суқунли бўлиб, ундан олдинги ҳарфнинг ҳаракати заммали ёки фатҳали бўлса:

مَرِيمُ ، وَ قُرَآنًا ، ﴿لَا يَسْخَرْ قَوْمٌ﴾ ، ﴿فَمَنْ يَكْفُرْ بِالظَّاغُوتِ﴾

— “Ро” суқунли ва ўзидан кейинги ҳарф истеъло бўлиб, иккиси бир сўзда келса. Бундай ҳолатда гарчи “ро”дан олдинги ҳарф ҳаракати касра бўлса ҳам, “ро” тафхимли ўқилади. Қуръони каримда бундай сўзлар беш ўринда учрайди:

(Анъом, 7) ﴿ قَرْطَاسٌ ﴾ ،

(Тавба, 122; 107) ، ﴿ فِرْقَةٌ ﴾ وَ إِرْصَادًا

(Набаъ, 22) ﴿ مِرْصَادٌ ﴾ (Фажр, 14) ، ﴿ لِبَالْمِرْصَادِ ﴾

— “Ро” аслий сукун бўлиб, ундан олдинги касра ориз бўлса ёки ундан аввалги сўзда келган бўлса:

أَمْ أَرْتَأُوا ، إِنِّي أَرْبَتُمْ ، أَرْجِعِي

— Сукун билан тўхталган “ро”дан аввалги ҳарф истеъло бўлиб, унинг ҳаракати ҳам сукунли бўлса. Бундай сўзни Қуръони каримда биргина ўринда، ﴿ الْقَطْرِ ﴾ сўзида кузатиш мумкин. Масалан:

وَ أَسْلَنَا لَهُ عَيْنَ الْقَطْرِ - عَيْنَ الْقَطْرِ

Мазкур сўзни икки хил ўқиши жоиз. Агар “қит.р” ўзидан кейинги сўзга уланса, у ҳолда “ро” тарқиқли (ингичка) ўқилади. Масалан:

وَ أَسْلَنَا لَهُ عَيْنَ الْقَطْرِ صَلَى وَ مِنَ الْجِنِّ مَنْ يَعْمَلُ بَيْنَ يَدَيْهِ

Агар юқоридаги ҳолат юз бериб, “қит.р” сўзида вақф қилинса, унда “ро” тафхимли (йўғон) ўқилади<sup>25</sup>.

Шунингдек, ﴿ مِصْرٌ ﴾ сўзи ҳақида ҳам баъзи муҳим жиҳатларни айтиб ўтиш лозим. Мазкур сўз Қуръони каримнинг тўрт ўрнида келади. Булар:

(Юнус, 87) ﴿ أَنْ تَبَوَّءَا لِقَوْمٍ كَمَا بِمِصْرَ يُوْتَانَا ﴾

﴿وَ قَالَ الَّذِي أَشْتَرَاهُ مِنْ مَصْرَ لِأَمْرَأَهُ أَكْرَمِي مَثْوَاهُ...﴾

﴿أَدْخُلُوا مَصْرَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ عَامِنِينَ﴾ (Юсуф, 99)

﴿قَالَ يَا قَوْمَ الَّيْسَ لِي مُلْكُ مَصْرَ وَ هَذِهِ الْأَنْهَارُ...﴾

Ушбу сўз ҳам йўкки хил – тафхим ва тарқиқли ўқилиши мумкин. Йўғон ўқилишига сабаб “ро”нинг фатҳа ҳаракатини олаётгани ва ўзидан олдин истеъло ҳарфи турганидир.

**﴿مَصْر﴾** сўзи йўғон ўқилиши учун у ўзидан кейинги сўзга улаб қетилиши лозим. Бунда истеъло ҳарфидан аввал келаётган касра инобатга олинмайди.

Агар **﴿مَصْر﴾** сўзида вақф қилинса, у ҳолда истеъло ҳарфидан олдин касра турганлиги боис, “ро” ингичка ўқиласиди<sup>26</sup>.

– Ориз суқун билан тўхталган “ро”дан аввалги ҳарф ҳам суқунли бўлиб, ундан олдинги ҳарфнинг ҳаракати заммали ёки фатҳали бўлса:

﴿وَ الْعَصْرِ﴾ – ﴿الْعَصْر﴾، ﴿وَ الْفَجْرِ﴾ – ﴿الْفَجْر﴾،

﴿وَ الشُّكْرِ﴾ – ﴿الشُّكْر﴾

**Куйидаги ўринларда “ро” тарқиқли (ингичка) ўқиласиди:**

– Сўз боши, ўртаси ва охирида келишидан қатъи назар, агар “ро”нинг ҳаракати касра бўлса:

﴿رِجَالٌ، مَرِئِيَا، لِيَلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ﴾

– Касрали “ро”дан кейинги ҳарф истеъло бўлса-да, “ро” тарқиқли ўқиласиди:

﴿وَ رِضْوَانٌ مِّنَ اللَّهِ﴾ (Тавба, 72)

– “Ро” сукуни аслий бўлиб, ўзидан олдинги ҳарф ҳаракати касрали бўлса:

رَبِّ أَغْفِرْ لِي ، فَاصْبِرْ ، وَ لَا تُصَعِّرْ ، أَنْ أَنْذِرْ قَوْمَكَ

– Вақф туғайли пайдо бўлган сукунли “ро” ҳарфидан олдин чўзиқ “йá” ёки лийн ҳарфи (юмшоқ талаффуз этиладиган ҳарф) келса:

﴿وَ هُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾ ، مِنْ بَشِيرٍ ، لَا ضَيْرٍ ، ذَلِكَ خَيْرٌ

– Ориз сукун билан вақф қилинган “ро”дан олдинги ҳарф ҳам сукунли бўлиб, ундан аввалги ҳарфнинг ҳаракати касра бўлса:

﴿هَلْ فِي ذَلِكَ قَسْمٌ لِذِي حِجْرٍ﴾  
(Фажр, 5)

“Ро” ҳарфи Қуръони каримдаги биргина ўринда вақф қилгандан ёки улаб ўқилгандан ҳам тафхимли, ҳам тарқиқли ўқилиши мумкин. Бу **﴿فِرْقٌ﴾** сўзидир:

﴿فَانْفَلَقَ فَكَانَ كُلُّ فِرْقٍ كَالظُّودُ الْعَظِيمُ﴾  
(Шуаро, 63)

Ушбу сўзнинг икки хил ўқилишига сабаб – “ро” сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф ҳаракати касра, “ро”дан сўнг эса, истеъло ҳарфи бўлган “қоф” ҳарфи бор. Аммо, унинг ҳам ҳаракати касра. Уламолар “фирқин” сўзини тарқиқ қилиб ўқиш афзал, деб айтишган.

## Саккизинчи дарс “Лом” ҳарфига хос қоидалар

Қуръони каримда келган “лом” ҳарфи сукунли ёки ҳаракатли бўлади. Сукунли “лом”га хос қоидалар сирасига из-ҳор ва идғом, ҳаракатли “лом”га эса, тафхим ва тарқиқлар киради.

Аслида “лом” доимо ингичка (тарқиқ қилиб ) ўқиласи, чунки у истифола ҳарфидир. Бундай ҳолатда унинг ҳаракати фатҳа, касра ёки замма бўлишининг фарқи йўқ. Масалан:

لَكُمْ ، ذَلِكَ ، قُلُوبُهُمْ

Фақатгина “Аллоҳ” сўзининг “лом”ида икки хил ҳолат мавжуд:

1. Тафхимли ҳолат: яъни “Аллоҳ” сўзидағи “лом” ҳарфи-нинг ҳаракатини йўғон қилиб “ó”, деб ўқиши. Бундай ҳолат “Аллоҳ” лафзидан олдинги сўзининг ҳаракати фатҳа ёки замма бўлгандагина юз беради. Масалан:

رَسُولَ اللَّهِ قَالَ اللَّهُمَّ كُوْلَاللَّهُوْخُوْي

قَالُوا لَلَّهُمَّ كُولُلَلَّهُوْخُوْمَمَا بَعْدُ الدُّلُلَوْخُوْي

2. Тарқикли ҳолат: агар “Аллоҳ” сўзидан аввалти сўзининг ҳаракати касра бўлса, у ҳолда “лом”нинг ҳаракати ўз ҳоли-ча, яъни “á” деб ўқилади. Масалан:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ لِلَّهِوْخُوْي

بِاللَّهِ الْأَكْبَرِ قُولُلَلَّهُوْخُوْمَمَا

**“Ал”нинг “лом”и (Изҳор қамария, идғом шамсия)**

Араб тилида феъл ёки ёрдамчи сўз туркумларидан бошқа от, сифат, сон, сифатдошлар олдидан кўп ҳолларда “ал” аниқлик артикли келади. Бу артикл ёзувда ѕўн шаклида бўлиб, биринчи ҳарф васлали ҳамза ҳисобланади.

Араб тилидаги 28 ҳарф (ҳамза билан 29 та) икки гурухга бўлинади:

1) Қамарий ҳарфлар, улар 14 та:

ا ب ج ح خ ع غ ف ق ك م ه و ي

Булар араб тилида اَلْحُرُوفُ الْقَمَرِيَّةُ дейилади. Қамарий ҳарфларнинг мажмуюи қўйидаги жумлада ўз аксини топган:

## إِنْجِ حَجَّكَ وَ خَفْ عَقِيمَهُ

Сўз қамарий ҳарфларнинг биронтаси билан бошланганда, аниқлик артикли “ал” унинг олдига қўйилгач, ўзидан кейинги ҳарф тўла ҳолида, изхор қилиб, яъни билдириб ўқиласди. Масалан:

**الْحَمْدُ لِلَّهِ ، بِيَدِهِ الْمُلْكُ ، الْحَجَّ وَ الْعُمْرَةُ ، وَ الْقُرْآنُ الْحَكِيمُ**

**Эслатма:** “бабул-ифтияъл” вазнидаги “лом” ҳарфи билан бошланувчи феълларни исм билан адаштириб юбормаслик керак. “Ал” аниқлик артикли фақатгина исм (яъни, от, сифат, сон...)ларга қўшиласди. Феълларда аниқлик артикли бўлмайди. Буни араб бўлмаган халқларга таъкидлаб ўтиш лозим. Араблар ёки араб тилидан хабари бор кишилар эса, бундай ҳолатларда қайси сўз исм, қайси сўз феъл эканини яхши ажратадилар. Мисоллар:

**وَ اتَّفَتَ السَّاقُ بِالسَّاقِ**

“*валтаффатис-сáку бис-саааақ.*” , (Қиёмат, 29)

**فَالْتَّقَطَهُ عَالٌ فِرْعَوْنَ لِيَكُونَ لَهُمْ عَدُوًّا وَ حَزَنًا**

“*фалтақотоҳууууу алу фиръавна лийакувна лаҳум զадувваۋ-ва ҳазанá*” , (Қасас, 8)

2) Шамсия ҳарфлари, улар ҳам 14 та:

ت ث د ذ ر ز س ش ص ض ط ظ ل ن

Булар араб тилида **الْحُرُوفُ الشَّمْسِيَّةُ** деб аталади. Агар

сўз шамсия ҳарфларининг бири билан бошланиб, унинг олдига “ал” қўшилса, у ҳолда идғом юз беради ва артиклдаги “лом” ўз ҳаракатини йўқотиб, ўзидан кейинги ҳарфга “сингиб” кетади. Унинг ўрнига шамсия ҳарф иккилантириб ташдид билан ўқиласди. Масалан:

﴿ وَالشَّمْسِ وَضُحَاهَا ﴾ ، ﴿ وَالرُّكْعَ عَلَ السُّجُودِ ﴾  
 ﴿ فِي الْلَّيلِ وَالنَّهَارِ ﴾

Шамсия ҳарфларида сўзнинг биринчи ҳарфи “лом” бўлганида ҳам иккита “лом” ҳарфи ёнма-ён ёзилади, “ал”нинг “лом”и тушириб қолдирилмайди. Масалан:

الله ، اللَّوْحُ ، الْقُلُوْبُ

Лекин, бундай сўзлар олдидан <sup>لـ</sup> (учун, -га) предлоги қўшилганда артиклдаги алиф ҳарфи тушиб қолади. Масалан:

الله - اللَّوْحُ - لِلْوْحُ ، الْتِي - لِلْتِي

### Савол ва топшириқлар:

- 1) Қайси жиҳатига кўра “ро” ҳарфи йўғон ёки ингичка ўқилади?
- 2) “Ро” қандай ҳолатда йўғон ўқилади? Мисоллар билан тушунтиринг.
- 3) “Ро”нинг ингичка ўқилишишга сабаб бўладиган ҳолатларни санаб ўтинг.
- 4) Сукунли “лом” ҳарфига нечта қоида бор? Ҳаракатли “лом”дачи?
- 5) Қайси ҳолатларда “лом” йўғон ўқилади. Унинг йўғон ўқилиши ҳамма сўзларга хосми?
- 6) “Аллоҳ” сўзининг ўқилиши ҳақида тўхталиб ўтинг.
- 7) Қамарий ва шамсий ҳарфлар ҳақида маълумот беринг.
- 8) Қуйидаги мисолларда “ро” ва “лом” ҳарфларининг қайси ўринда тарқиқ ёки тафхимли ўқилишини айтинг.

Биринчи мисол:

يَٰٰذِينَ أَمْنُوا أَنْفَوْهُمْ  
 وَإِمْنُوا بِرَسُولِهِ يُوتَكُمْ كُفَّارُهُمْ مِنْ رَحْمَتِهِ وَمَجْعَلُكُمْ

نُورًا تَمْشُونَ بِهِ وَيَعْفُرُ لَكُمْ وَاللَّهُ عَفْوُرٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٨﴾  
 أَهْلُ الْكِتَابِ أَلَا يَقْدِرُونَ عَلَى شَيْءٍ مِّنْ فَضْلِ اللَّهِ وَأَنَّ  
 الْفَضْلُ يَدِ اللَّهِ يُوتَاهُ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٢٩﴾

Иккинчи мисол:

وَقَالَ الْمَلِكُ إِنِّي أَرَى سَبْعَ بَقَرَاتٍ سِمَانٍ يَأْكُلُهُنَّ  
 سَبْعَ عَجَافٍ وَسَبْعَ سُبْلَاتٍ خُضْرِي وَأَخْرَى يَاسِتٍ  
 يَكُوْنُ هُنَّا الْمَلَأُ أَفْتَوْنُ فِي رُعَيَّةٍ إِنْ كُنْتُمْ لِرُؤْسَةٍ يَأْتُوكُمْ بِهِنَّ ﴿٤٠﴾

Учинчи мисол:

فَكُلُّوْمَارَزَ قَكْعُمَ اللَّهُ حَلَّا طَيِّبَا  
 وَأَشْكُرُوا نَعْمَتَ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴿٤١﴾  
 إِنَّمَا حَرَمَ عَلَيْكُمُ الْمِيَةَ وَاللَّدَمْ وَلَحْمَ الْخِنْزِيرِ وَمَا  
 أَهْلَ لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ فَمَنْ أَضْطَرَ عَيْرَ بَاغَ وَلَا عَادِ فَإِنَّ  
 اللَّهَ عَفْوُرٌ رَّحِيمٌ ﴿٤٢﴾

Тўртинчи мисол:

فَذَكِّرْ إِنْمَائَتَ مَذَكَّرٍ ﴿٤٣﴾ لَسْتَ عَلَيْهِمْ بِمُصَيْطِرٍ  
 إِلَّا مَنْ تَوَلَّ وَكَفَرَ ﴿٤٤﴾ فَيُعَذَّبُهُ اللَّهُ الْعَذَابُ أَلَا كَبَرَ

Бешинчи мисол:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَعْفُرُ أَنْ يُشَرِّكَ بِهِ وَيَعْفُرُ مَادُونَ  
 ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشَرِّكَ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَ إِنْمَاءَ عَظِيمًا

## Түққизинчи дарс

# Мад

“Мад” сўзи лугатда “чўзиш, узайтириш” маъноларини англатади. Ўзбек тилидаги “муддат” сўзи ҳам аслида шу ўзакдан ясалган. Истилоҳда мад – маълум ҳарфлар билан овозни чўзишни билдиради. Мад ҳарфлари учта: фатҳадан сўнг сукунли алиф<sup>27</sup> келса **كتاب**, касрадан сўнг сукунли “йá” келса **حکیم**, заммадан сўнг сукунли “вáв” келса **غفور**.

Ушбу ҳарфлар табиий мад ҳарфлари ҳисобланыб, бир алиф (икки ҳаракат) миқдорида чўзилади.

Ўз навбатида мад икки қисмга бўлинади: аслий (табиий) мад ва фаръий мад.



**Аслий мад:** мад ҳарфлари бўлмиш ۱، ۵، ۶ (алиф, йа, вав)лардан сўнг ҳамза ва сукун (яни, сабаб мад) келмаса, бундай мад аслий бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, у бир алиф миқдорида чўзилади. Куръони каримда энг кўп учрайдиган мад тури ҳам аслий мад хисобланади. Мисол:

كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ، كَافُورًا، بَصِيرًا، خَالدًا، لِي، مَا لَكَ

Аслий мад табиий мад, деб ҳам юритилади.

**Фаръий мад:** мад ҳарфларидан сўнг ҳамза ёки сукун келса, у ҳолда бундай мад фаръий бўлади ва у қайси турга мансублигига қараб тўрт, беш ёки олти ҳаракат миқдорида чўзилиши мумкин<sup>28</sup>. Фаръий мад таркибида сабаб мад иштирок этади.

**Сабаб мад** мад ҳарфнинг бир алифдан ортиқ миқдорда чўзилишига сабаб бўлувчи белгидир. Сабаб мад ҳамза ( ﹚ )

ва сукун ( - ) ҳисобланади. Ўз навбатида сукун икки хил: ориз ва лозим сукунларга бўлинади.

Лозим сукун аввалдан бўлиб, доимо ўз ўрнида турадиган сукундири. Масалан:

“ва لَادْ-ذَوَّاооолишийн” – أَلْضَالِلِينَ وَ لَا أَلْضَالِلِينَ ﴿١﴾

Бу ердаги “лом” ҳарфининг устидаги сукун доимо мавжуд бўлади, у ҳеч қаочон ҳаракатга эга бўлмайди. Шу сабаб ҳам лозим, яъни ҳамиша туриши лозим бўлган сукун дейилади.

Ориз сукун эса, вақф қилиш туфайли пайдо бўладиган сукундири. Агар сўз ўзидан кейинги жумлага улаб ўқилса, унда ушбу сўз ўз ҳаракатига биноан ўқилаверади. Масалан:


﴿مِنْ هَادِ﴾ – هَادِ، ﴿مِنْ قَطْمِيرِ﴾ – قَطْمِيرِ


“мин ҳааад. ; мин қитмишийр”

﴿إِنَّ اللَّهَ عَلَيْمٌ بِمَا يَصْنَعُونَ﴾ – يَصْنَعُونَ

“инналлоҳа балиймум-бимá йасна-буюуувн”

### Маднинг турлари





Юқорида мад аслий ва фаръий мадларга бўлинади, деб айтилган эди. Фаръий мад эса, яна бир неча турларга бўлиниади:

1) Ҳамза сабабидан бўладиган фаръий мад:

— **Муттасил мад** (“Муттасил” сўзи “қўшилган, уланган” маъноларини англатади):

Мад ҳарфи сўнгидан келган сабаб мад ҳамза бўлиб, иккиси бир сўзда келса, у муттасил мад дейилади. Масалан:

حَاءَ، شَاءَ، جَيْءَ

“жаааа-а; шаааа-а; жииииа” ёки

“жааааа-а; шаааа-а; жииииа”

سِئَ، قُرُوْءِ - قُرُوْءِ، وَ الْمَلَائِكَةُ - وَ الْمَلَائِكَةُ

“сииииа; қурууууб; вал-малаааиках”

أُولَئِكَ هُمُ الْفَآئِرُونَ - الْفَآئِرُونَ، مِنَ السَّمَاءِ مَآءِ

“улаааика ҳумул-фааааизууувн;

минас-самаааи маааа-á”

كُلَّا نِمْدَهْلَاءَ وَهَتْلَاءَ مِنْ عَطَاءِ

رِيْكَ وَمَا كَانَ عَطَاءُ رِيْكَ مَحْظُورًا

## Тажвид қоидалари

Муттасил мад тўрт ёки беш ҳаракат миқдорида чўзилиши вожиб.

– **Мунфасил мад** (“Мунфасил” сўзи “ажратилган, алоҳида” каби маъноларни англатади):

Мад ҳарф сўнгидан келган сабаб мад ҳамза бўлиб, у ўзидан кейинги сўзда келган бўлса, мунфасил мад бўлади. Масалан:

﴿إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ﴾ ، ﴿بِمَا أُنْزِلَ﴾

“иннаааа авҳайнаааа илайка;  
йааааа айиүхар-русулу; бимаааа ун-зила”

﴿قُوا أَنْفُسَكُمْ﴾ ، ﴿أَدْعُونِي أَسْتَحِبْ لَكُمْ﴾

“кууууу аи-фусакум; уд.дувниии astажиб. лакум”

﴿أَنِيبُوا إِلَى رَبِّكُمْ﴾ ، ﴿قُولُوا آمَنَّا﴾

“анийбуууу илá роббикум; қувлууууу аманнá”

Мунфасил мад икки ҳаракатдан тўрт ёки беш ҳаракатга-ча чўзилиши жоиз.

2) Сукун сабабидан бўладиган фаръий мад:

– **Лозим мад:** Мад ҳарф сўнгидан келган сабаб мад лозим сукун бўлса, мад ҳам лозим бўлади. Масалан:

﴿أَثْحَاجُونَى﴾ - ﴿صَوَافٌ﴾ -

﴿صَوَافُ﴾ ، ﴿آلَان﴾ - ﴿ءَالْئَن﴾

“атуҳаааааажжууууууунний; соваааааафф; аааааалъана”

﴿وَ لَا جَان﴾ - ﴿جَانْ﴾ ، ﴿بِضَارِينَ بِه﴾ - ﴿بِضَارِرِينَ﴾

“ва лá жаааааанн; бидзooooоррийна бих”

“қоооооооф; соооооод.” - ﴿صَادٌ﴾ - ﴿قَافٌ﴾ - ﴿قَـ﴾

﴿ حم ﴾ - حَامِيمٌ ، ﴿ آلَم ﴾ - أَلْفٌ لَامٌ مِيمٌ

“خá , мишииийм; алиф лааааам-мишииийм”

Лозим мад олти ҳаракат миқдорида чўзилиши вожиб.

- **Ориз мад:** Мад ҳарфдан кейин келган сабаб мад ориз сукун бўлса, у ҳолда мад ҳам ориз бўлади. Масалан:

﴿ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ \* الْرَّحْمَانِ الْرَّحِيمِ﴾

Юқорида таъкидлаганимиздек, сўзниг ориз сукунга йўлиқишига сабаб вақф қилинишидир. Агар вақф қилинмаса, у ўзидан кейинги сўзга қўшиб ўқилади. Масалан:

﴿ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ الْرَّحْمَانِ الْرَّحِيمِ مَالِكِ يَوْمِ الْدِينِ﴾

\* \* \*

﴿ بِئْسَ الْمَصِيرُ﴾ - الْمَصِيرُ ، ﴿ تَعْلَمُونَ﴾ - تَعْلَمُونْ ،

﴿ لِلأَنَّامِ﴾ - لِلأَنَّامِ

“биъсал-масииийр; таъламууувн; лил-анааам”

﴿ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ﴾ - الْمُؤْمِنِينَ ، ﴿ عَلَامُ الْغَيْبِ﴾

- الْغَيْبُ

Ориз мад икки ҳаракатдан олти ҳаракатгача чўзилиши мумкин.

**Бадал мад:** бир сўзда икки ҳамза кетма-кет келиб, биринчиси ҳаракатли ва иккинчиси сукунли бўлган ҳолида, иккинчисини биринчи ҳамзанинг ичига киргизиб, уни мадга алиштириб ўқиш бадал мад, дейилади. (“Бадал” сўзи ҳам “алиштириш, ўзгартириш” маъноларини ифодалайди). Масалан:

﴿اَمْنُكُمْ﴾ – اَمْنُكُمْ ، ﴿أُوتَى﴾ – اُتِيَ ،  
 ﴿إِيمَانًا﴾ – اِيمَانًا

“áманукум – аъманукум ; увтийа – ультийа ;  
 иймáнá – иъмáнá ”

Биринчи мисол:

فَالَّهُمَّ امْنُكُمْ عَلَيْهِ إِلَّا كَمَا أَمْنُكُمْ عَلَى أَخْيَهِ مِنْ  
 قَبْلِ فَاللَّهُ خَيْرٌ حَفَظًا وَهُوَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ ﴿١٦﴾

Иккинчи мисол:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ  
 قُلُوبُهُمْ وَإِذَا أُتِيَتْ عَلَيْهِمْ إِيمَانُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا  
 وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٤٣﴾

Бадал мад икки ҳаракат (бир алиф) микдориди чўзида-ди.

Бундан ташқари маднинг лиин лозим мад ва лиин ориз мад турлари ҳам мавжуд.

“Báv” ва “yá” ҳарфларидан олдинги ҳаракат фатҳали бўлса, (бу ҳолда ушбу икки ҳарфнинг лозим ёки ориз сукунли бўлишидан қатъи назар), у ҳолда улар **лиин** бўлади. (“Лиин” сўзи “юмшоқ” маъносини ифодалайди). Араб тилида “váv” ва “yá” лиин ҳарфлари ҳисобланади.

**Лиин лозим мад:** агар лиин ҳарфлардан бири лозим сукунга йўлиқса, лиин лозим мад бўлади. Бу ҳодиса Куръони каримнинг баъзи суралари бошида келувчи хуруфи муқаттоа (кесилган ҳарфлар)дагина учрайди. Масалан:

﴿كَاهِيْعَص﴾ – كَاهِيْعَص – كَاهِيْعَص

“kaaaaaaf ҳá үá ۋايىيىيىن-соооооод.” , (Марям, 1)

﴿حَمْ عَسْق﴾ – حَمْ عَسْق – حَمْ عَسْق

“ҳá мииииийм, ۋايىيىيىن-سىىىىيىن-қooooooof” (Шуро, 1-2)

## Тажвид қоидалари

Лийн лозим мад олти ҳаракат микдорида чўзилиши во-жиб.

**Лийн ориз мад:** лийн ҳарфлари бўлмиш “вáв” ва “ÿá” (ي، و) ориз сукунга дуч келса, у ҳолда лийн ориз мад бўлади. Масалан:

عَلَيْهِمْ دَائِرَةُ الْسَّوْءِ – الْسَّوْءُ ، مِنْ شَيْءٍ – شَيْءٌ

“шайхим даааиротус-саввавъ; мин-шайийй”

فُرِيش – قُرْيَشُ ، وَ الْصَّيْفُ – الْصَّيْفُ

“куроийийиши; вас-соийийиф”

هَذَا الْبَيْتُ – الْبَيْتُ ، مِنْ خَوْفٍ – خَوْفٌ

\* \* \*

فَيُمْسِكُ الَّتِي قَضَى عَلَيْهَا الْمَوْتَ – الْمَوْتُ

\* \* \*

فَلَا تَخْشُوْهُمْ وَ أَخْشَوْنَ – وَ أَخْشَوْنَ

\* \* \*

إِنَّمَا يُوَجِّهُ لَا يَأْتِ بِخَيْرٍ – بِخَيْرٍ

Лийн ориз мад икки ҳаракатдан олти ҳаракатгача чўзилиши мумкин.

### **Савол ва топшириклар:**

- 1) Мад сўзининг маъноси? Унинг истилоҳдаги таърифи қандай?
- 2) Мад ҳарфлари нечта ва қайсилар?
- 3) Маднинг турлари?
- 4) Сабаб мад неча хил бўлади. Нима учун у сабаб мад дейилади?

- 5) Суқуннинг неча хил тури мавжуд. Унинг мад содир бўлишидаги вазифаси?
- 6) Ҳамза сабабидан неча хил фаръий мад бўлади?
- 7) Суқун сабабидан неча хил фаръий мад бўлади?
- 8) Лийн лозим мад ва лийн ориз мадларга таъриф беринг ҳамда мисоллар билан тушунтиринг.
- 9) Бадал маднинг юзага келтирувчи сабабларни айтинг.
- 10) Ҳар бир мад турининг қанча миқдорда чўзилишини эслаб қолинг.
- 11) Ушбу мисолларда мадларнинг қайси турлари иштирок этганини айтинг ва уларни турларга ажратинг.

Биринчи мисол:

وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِكَ وَبِالْآخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ

Иккинчи мисол:

فَلَمَّا جَاءَهُمْ مُوسَىٰ بِتَابِعِنَا بَيْنَتِ قَالُوا مَا هَذَا إِلَّا سُحْرٌ  
مُفْتَرٌ وَمَا سَكِّعْنَا بِهِذَا فِي أَبَابِلِنَا الْأَوَّلِينَ

Учинчи мисол:

أَمْ عِنْدَهُمْ خَرَائِنٌ رَسْمَةٌ رِبَكُ الْعَرَبِينُ لَوْهَابٍ

Тўртинчи мисол:

إِنَّ الْمُنَّقِنَ فِي طَلَلٍ وَغِيُونٍ  
وَفَوْكَهَ مَمَّا يَشَتَّوْنَ كُلُّوا وَسِرْبُوا هَيْئًا  
بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ إِنَّا كَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ

Бешинчи мисол:

ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ شَاقُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَمَنْ يَشَاقِ اللَّهَ فَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ  
الْعِقَابِ مَا قَطْعَتُمْ مِنْ لِسَنَةٍ أَوْرَكْتُ مُؤْهَاقَيْمَةً  
عَلَى أَصْوَلِهَا فَإِذْنَ اللَّهِ وَلِيُخْرِي الْفَرِسِقِينَ

Олтинчи мисол:

فَلَمْ يَعْبُدُوا رَبَّهُذَا الْبَيْتِ ﴿٢﴾ اَلَّذِي اَطْعَمَهُمْ  
مِّنْ جُوعٍ وَمَا امْنَهُمْ مِّنْ حَوْفٍ ﴿٣﴾

Еттинчи мисол:

حَمْدٌ ﴿١﴾ عَسْقَ ﴿٢﴾ كَذَلِكَ يُوحَى إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ  
اللَّهُ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٣﴾

Саккизинчи мисол:

وَمَا مِنْ دَبَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقْرِهَا  
وَمَسْتَوْدِعَهَا كُلُّ فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ ﴿٦﴾

Түққизинчи мисол:

الْمَّ ﴿١﴾ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْقَيْمُ ﴿٢﴾ نَزَّلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ  
بِالْحَقِيقَ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَأَنْزَلَ الْتُّورَةَ وَالْإِنْجِيلَ ﴿٣﴾

## Үнинчи дарс Хоул-кинойа

(Замир ҳақида)

“Кинайатун” сўзи араб тилида “бирон нарсага ишора қилишиш, бирон нарсанинг белгисини айтиб ўтиш” каби маъноларни билдиради. Наҳв ва сарф (грамматика) илмида учинчи шахс (музаккар ва муаннас), бирликдаги эгалик олмошига ҳоул-кинойа деб айтилади. Чунки, ушбу олмош орқали кимгадир ишора қилинади. Ҳоул-кинойа сўз таркибида ҳарф, исм ёки феъллар билан келиши мумкин. Масалан:

إِنَّهُ ، لَهُ ، إِلَيْهِ ، فِيهِ ، بِهِ ، عَلَيْهِ  
Ҳарфлар билан келиши:

Исламлар билан келиши:

أَسْمُهُ ، صَاحِبُهُ ، إِلَى أَهْلِهِ ، مُثَوَّهُ ، وَ مَلَائِكَتُهُ

Феъллар билан келиши:

يُحاوِرُهُ ، فَتَنْفَعُهُ ، خَلَقَهُ ، خُذُوهُ فَعُلُوهُ ، هَدَيْنَاهُ

Ушбу олмош қай ҳолатда келишига қараб қисқа ёки чўзиқ ўқилади.

Агар ‘... ва ‘... олмошларидан олдинги ва кейинги ҳарф ҳаракатли бўлса, ‘... дан кейин бир “váb”, ‘... дан кейин бир “yá” чиқариб, икки ҳаракат миқдорида чўзиб ўқилади. Масалан:

وَ مِنْ خَلْفِهِ رَصَدًا ﴿٤﴾ — خَلْفِهِ ﴿إِنَّهُ﴾ — إِنَّهُ

خَلَقَهُ مِنْ تُرَابٍ ﴿٥﴾ — خَلَقَهُ

إِلَى أَهْلِهِ مَسْرُورًا ﴿٦﴾ — أَهْلِهِ

Агар мазкур олмош мад билан ўқиладиган вазиятда ўзидан кейинги сўзда сабаб мад бўлмиш ҳамза келса, у ҳолда унинг ҳукми мунфасил мад бўлади (бу қоида “мадду силатил қубро” деб ҳам юритилади) ва уни икки ҳаракатдан беш ҳаракатгача чўзиб ўқиш мумкин. Масалан:

فَلَا يُظْهِرُ عَلَى غَيْبِهِ أَحَدًا

“ғойбихиии аҳада” , (Жин, 26)

“дувниҳиии алиҳа” , (Каҳф, 15) — مِنْ دُونِهِ آلَهَةٌ

**Эслатма:** Қуръони каримда تَنَّهٰ ، يَنَّهٰ ва نَفَقْهٰ сўзларининг “ҳá”си аслида ҳоул-кинойа бўлмаганлиги учун у мад қилинмайди, балки қисқа ўқилади. Масалан:

Биринчи мисол (Марям, 46):

قَالَ أَرَاغِبٌ أَنَّتَ عَنِ الْهَجْيَةِ  
يَتَابُّرَاهِيمُ لِمَنْ لَمْ تَنْتَهِ لِأَرْجُمنَكَ وَأَهْجُرْنَيْ مَلِيَّاً

Иккинчи мисол (Алақ, 15):

كَلَّا إِنَّ لَمْ يُنَتِّهِ لَسْفَعًا بِالنَّاصِيَةِ

Учинчи мисол (Худ, 91):

قَالُوا يَشْعِيبُ مَا فَقَهَ كَثِيرًا مِمَّا تَقُولُ وَإِنَّا لَرَدِنَكَ فِينَا  
ضَعِيفًا وَلَوْلَا رَهْطَكَ لِرَجْمَنَكَ وَمَا أَنْتَ عَلَيْنَا بِعَزِيزٍ

Қуръони каримдаги биргина ўринда ҳоул-киноя қоидадан мустасно тарзда қисқа ўқилади. Бу ҳолат Зумар сурасининг 7-оятидаги ﴿يَرْضَه﴾ сўзида кузатилади:

وَلَا يَرْضَى لِعِبَادِهِ الْكُفَّارُ وَإِنْ تَشْكُرُوا يَرْضَهُ لَكُمْ

**Куйидаги ҳолатларда ҳоул-киноя доим қисқа ўқилади:**

— ўзидан олдин ёки кейинги ҳарф ҳаракати сукун бўлса:

إِلَيْهِ الْمَصِيرُ ، مِنْ لَدُنْهُ ، فِيهِ أَبْدًا

— ўзидан олдинги ҳарф ҳаракатли бўлса-да, кейинги ҳарф сукун келса:

بِهِ الْأَرْضَ ، لَهُ الْمُلْكُ

Ҳоул-киноя аслида доимо замма ҳаракати билан ўқилади. Қачонки унинг олдидан сукунли “йа” ёки касра келса, ҳоул-киноянинг ҳаракати касрага айланади. Лекин, Ҳафс ривоятига кўра, Қуръони каримдаги икки ўринда қоидага хилоф тарзда ўқилади. Булар:

1. Каҳф сурасининг 63-оятидаги ﴿أَنْسَانِيه﴾ сўзи:

قَالَ أَرْءَيْتَ إِذْ أَوْيَنَا إِلَى الْصَّحْرَةِ فَإِنِّي سَيِّثُ  
الْحَوْتَ وَمَا آنَسَنِيهِ إِلَّا الشَّيْطَانُ أَنْ أَذْكُرُهُ

2. Фатҳ сурасининг 10-оятидаги ﴿عَلَيْهِ﴾ сўзи:

فَمَنْ تَكَثَ فَإِنَّمَا يَسْكُثُ عَلَىٰ نَقْسِيَهِ وَمَنْ أَوْقَى بِمَا عَنْهُ دَعَيْتَهُ  
اللَّهُ فَسِيُّوتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١٠﴾

Қоидага биноан, ўзидан олдин сукун келса, ҳоул-киноя (замир) қисқа ўқилар эди. Лекин Қуръони каримдаги биргина ўринда, яъни Фурқон сурасининг 69-оятида ҳоул-киноя қоидага хилоф тарзда “фийҳий” деб, чўзиб талаффуз қилинади:

يُضَعِّفُ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَيَخْلُدُ فِيهِ مُهَاجَانًا ﴿١٠﴾

Ушбу оятнинг маъноси қўйидагича: “**Қиёмат кунида унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур**”.

“Ҳафс мазкур оятни шу тарзда ўқиган. Мақсад – вайильд оятини янада бўрттириш, маъносини кучайтириш бўлган. Араблар одатда, ушбу ҳарфни муболага маъносида чўзиб ўқишиади” (“Тафсийрун-Насафиий”, 3-жузъ, 175-бет).

Мазкур оядда “фийҳий”, яъни “**у жойда**” бирикмаси таъкид билан ўқилади.

### Савол ва топшириқлар:

- 1) Ҳоул-киноя нима ва у жумла таркибида қайси сўз туркумлари билан келади?
- 2) Ҳоул-киноя қайси ҳолатларда чўзиқ ёки қисқа ўқилади?
- 3) Қуйидаги мисолларда ҳоул-киноянинг ўқилишига эътибор беринг, уларниң нима учун қисқа ёки чўзиқ ўқилаётганини изоҳланг.

Биринчи мисол:

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْحَقِيقُ  
لَا تَأْخُذْهُ سِنَةٌ وَلَا نُومٌ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا  
فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ

أَيْدِيهِمْ وَمَا حَلَفُهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا مَا  
شَاءَ وَسَعَ كُرْسِيُّهُ أَسْمَوَاتُ الْأَرْضِ وَلَا يُغُودُهُ حَفَظُهُمَا

وَهُوَ أَعْلَى الْعَظِيمِ (٢٥٠)

Иккинчи мисол:

مَنْ أَنْزَلَ الرَّسُولَ إِلَيْكُمْ مِّنْ سَمَاءٍ  
إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلُّهُمْ أَمْنٌ بِاللَّهِ وَمُلْتَكِّبُهُ وَكُلُّهُمْ  
وَرْسَلُهُ - لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْ رُسُلِهِ وَقَالَ الْأَسْعَمُ  
وَأَطْعَنَ عَفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ (٢٥١)

4) Қуйида ҳоул-кинойага келтирилган мисоллар қайси мад турига оид?

Биринчи мисол:

إِنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ كُلُّهُمْ فِتْنَةٌ وَاللَّهُ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ

Иккинчи мисол:

قَالَ اللَّهُ صَاحِبُهُ وَهُوَ يَحَاوِرُهُ  
أَكَفَرَتْ بِاللَّذِي خَلَقَكَ مِنْ تَرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ سَوَّنَكَ رَجُلًا

Учинчи мисол:

يُضْلِلُ بِهِ كَثِيرًا وَيَهْدِي بِهِ كَثِيرًا  
وَمَا يُضْلِلُ بِهِ إِلَّا أَلْفَنَسِيقَيْنَ (٣٦)

## Үн биринчи дарс

### Вақф

“Вақф” сўзи лугатда “туриш, тўхташ, бир тўхтаб олиш” каби маъноларни билдиради. Истилоҳда эса, вақф деб оятлар орасида тўхтаб, нафас олишга айтилади.

Суннатга мувофиқ, ҳар бир оят сўнгида тўхтаб, нафас ростланади ва сўнгра келаси оята ўтилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай тиловат қиласи әдилар. У зот

соллаллоҳу алайҳи ва саллам ﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾, деб

тўхтар, кейин ﴿الرَّحْمَانُ الرَّحِيمُ﴾, деб яна вақф қилиб,

сўнгра ﴿مَالِكُ يَوْمِ الْدِينِ﴾, дердилар ва ҳамиша шу зайлда тиловат қиласидилар. Лекин, ҳамма ояtlарни ҳам охиригача бир нафасда ўқиш имконияти йўқ. Шу сабаб, баъзи ояtlар орасида, хусусан узун ояtlарда вақф қилиш жорий қилинган.

Киши ояtlар ўртасида вақф қилганида қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

— Вақф қилинган жумланинг маънодорлиги сақланиши:

\* ﴿هُوَ الْحَقُّ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَادْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الْدِينَ﴾  
﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

Агар ушбу оятдаги ﴿لَهُ الْدِينَ﴾ сўзида вақф қилинса, дуруст бўлади. Чунки, мана шу ҳолдагина маъно тугал ҳисобланади. Бундай ҳолатда ҳар бир оят орасида ёки тўхташ жоиз бўлган ўринларда вақф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Агар оят охиригача ёки вақф белгисигача етиб борилмаса, маъно тугал жумла билан вақф қилиниб, сўнгра уни ўзидан кейинги жумлага қўшиб ўқилади. Масалан:

أُولَئِكَ لَمْ جَنَتْ عَدَنٌ تَجْرِي مِنْ تَهْنِمِ الْآخِرَةِ حَلَوْنَ فِيهَا  
مِنْ أَسَاوِرَ مِنْ ذَهَبٍ وَلِيَسُونَ شَيْاً بِأَحْضَارِ مِنْ سُنُسٍ وَإِسْتَبْرِقٍ  
مُتَكَبِّرِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرَابِكِ يَعْمَلُونَ شَوَّابٍ وَحَسِنَتْ مُرْتَفَقًا

(٣١)

Ушбу оятда “уваалааика лаҳұм жаннاتу әдән.ниң-таж.рий мин-тахтихимул-анхару үүхаллаввввн, (деб вақф қилинса, сүнгги сөз яна қайтариб ўқилади) үүхаллавна фийхá мин асáвиро мин-заҳабиғ-ва йалбасууувн, (деб вақф қилинса, сүнгги сөз яна қайтариб ўқилади) ва йалбасувна сийáбан худзром-мин-сүн-дусиғ-ва истаб.роқум-муттаки-быишийн, (деб вақф қилинса, сүнгти сөз яна қайтариб ўқилади) муттакибыиная фийхá әлал-арооооик (вақф), ниғмассавабу ва ҳасунат муртафақó” (Каҳф, 31).

Хуллас, оялтар ўртасида вақф қилиш масаласига жиддий эътибор бериш лозим. Акс ҳолда, маъно бузилиши, Куръон оятидан ирода қилинган маъно ифодаланмай қолиши мумкин. Ўз навбатида айтиб ўтиш керакки, Куръон ояларини муносиб ўринларда бошлаш ёки вақф қилиш малакасини ҳосил қилиш учун оялтарнинг маъноларини тушунниб етмоқ лозим. Вақф ўринларини билиш тафсир илмига асосланади.

### Вақф аломатлари

Куръони каримнинг маълум сўзлари устига кичик ҳажмдаги баъзи ҳарфлар қўйилган бўлади. Мадинаи мунаварада нашр этилган Куръони каримда ل ، ق ، م

، س ، ج ، ح ، ص ، ط ، م ، ز ، ص ، ح ҳарфларини учратишимиз мумкин. Куйида мазкур белгиларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

م – вақф қилиши лозимлигини англа туувчи белги. Масалан:

إِنَّمَا يَسْتَحِبُّ الَّذِينَ يَسْمَعُونَ وَالْمُوقِنُ يَعْثِمُونَ

اللَّهُمَّ إِنِّي يُرِجُجُونَ

## Тажвид қоидалари

Бу оятда “и<sup>ن</sup>نَّمَا يَأْسَطُهُ بَلَّا لَّذٌ يَعْوِدُ، (деб түхташ лозим. Сўнгра) وَالْمَوْتُ أَبْرَقٌ يَوْمٌ سَعْدٌ مُّلْكٌ وَسَعْدٌ مُّلْكٌ” (Сизнинг даъватингизни), деб оят яқунланади.

Ушбу оятнинг маъноси қуидагича: “Албатта эшита оладиган зотларгина (Сизнинг даъватингизни) қабул қилурлар. Ўликларни эса, (Қиёмат кунида) Аллоҳ тирилтирур. Сўнгра Ўзига қайтарилурлар” (Анъом, 36).

Бу ерда лозим вақф белгиси бўлган “мийм” ҳарфи ﴿يَسِّمُونَ﴾ яъни, “эшита оладиган” бирикмасидан кейин қўйилган. Агар бу ерда вақф қилинмаса, ушбу сўз ўзидан кейинги жумлага атф бўлиб (боғланиб), оятнинг маъноси бузилади, яъни “Албатта эшита оладиган зотлар ва ўликлар (Сизнинг даъватингизни) қабул қилурлар. Уларни (Қиёмат кунида) Аллоҳ тирилтирур”га айланиб қолади.

ل – ушбу ҳарф турган жойда вақф қилиш мумкин эмас. Мазкур ҳарф олдида келган сўз ўзидан кейинги жумлага кўшиб ўқилиши лозим. Масалан:

الَّذِينَ نُوَفَّهُمُ الْمَلِئَةُ كَمَا طَبِّيَنَ يَقُولُونَ سَلَامٌ عَلَيْكُمْ  
أَدْخُلُوا الْجَنَّةَ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٢٣﴾

Бу ерда ﴿يَقُولُونَ﴾ ﴿طَبِّيَنَ﴾ сўзини га улаб ўқилади. Яъни, “аллазийна татаваффаҳумул-малааашкату тоийибийна йақуввлувна саламун ҳалайкуму.хулул-жасната бима кун-тум таъмалуууувн” (Наҳл, 32), тарзида тиловат қилинади.

ج – вақф қилиш ҳам, улаб ўқиш ҳам бир хил даражада, иккисининг фарқи йўқ. Бир тарафдан улаб ўқиш яхши бўлса, бошқа тарафдан вақф қилишнинг ҳам зарари йўқ. Бундай ҳолатда қори хоҳласа вақф қиласди, хоҳласа улаб ўқийди. Мисол:

نَحْنُ نَقْصٌ عَلَيْكَ نَبَاهُمْ بِالْحَقِّ  
إِنَّهُمْ فِيهِ إِمْتُوْرٌ بِهِمْ وَزِدْنَهُمْ هَدَىٰ ﴿٢٤﴾

## Тажвид қоидалари

Ушбу жумлани “нағынұ нақуссу ұлайка наба-аҳұм-білхәққ.”, деб вақф қилиб, сүнгра, “иңнахұм фиттәтун аманув бироб-бихим әз.нáхұм ҳудá” тарзида ўқиши ёки “нағынұ нақуссу ұлайка наба-аҳұм-білхәққи иңнахұм фиттәтун аманув бироббихим әз.нáхұм ҳудá” (Каҳф, 13) тарзида улаб ўқиши жоиз.

**صـ** – ушбу ҳарфда вақф қилиш жоиз бўлса ҳам, лекин улаб ўқиши афзалроқ саналади. Масалан:

١٥ ﴿ يَسِّيَّحِي خُذُ الْكِتَبَ بِقُوَّةٍ وَإِيْنَهُ الْحَكْمُ صَبِّيًّا ﴾

Мазкур оятни “йá ىاھيá хузил-китаба биқуввах”, деб вақф қилиб, сүнгра “ва атайнáхұл-жұкма собиййá” (Марям, 12) тарзида ўқиши жоиз бўлса ҳам, аммо, “йá ىاھиá хузил-китаба биқувватиւ-ва атайнáхұл-жұкма собиййá”, деб ўқилгани яхшироқ.

**قـ** – вақф қилиш жоизлигини билдирувчи белги. Ушбу вақф белгиси келганида уни кейинги жумлага улаб ўқиши ҳам мумкин, аммо вақф қилингани яхшироқ саналади. Масалан:

قُلْ رَبِّي أَعْلَمُ بِعِدَّتِهِمْ مَا يَعْلَمُهُمْ إِلَّا قَلِيلٌ فَلَا تُنَمِّرُ فِيهِمْ  
إِلَّا مِنْ أَنَّظَاهُرًا وَلَا تَسْتَفِتْ فِيهِمْ مِنْهُمْ أَحَدًا  
٢٣ ﴿

Бу оятда “иллá қолийлун-фалá тумáри фийҳим...” (Каҳф, 22), деб ўқиши жоиз, лекин “иллá қолишишийл”дан сүнг вақф қилиб, сүнгра “фалá тумáри фийҳим...” тарзида қироат қилингани афзал.

**ڦـ ڦـ** – ушбу белги оятнинг икки ўрнидан бирида тўхташ жоизлигини билдиради. Агар биринчисида вақф қилинса, иккинчисида вақф қилинмайди ёки аксинча, биринчисида вақф қилинмаса, иккинчисида вақф қилинади. Аммо, ҳам унисида, ҳам бунисида вақф қилиш жоиз эмас. Масалан:

ذَلِكَ الْكِتَبُ لَارِيَّتِ فِيهِ هُدَىٰ لِمُتَّقِينَ

## Тажвид қоидалари

Бу оятни “зáликал-китáбу lá роййиййб. (вақф), фийҳи ҳудал-лил-муттақишииин”, деб ёки “зáликал-китáбу lá ройба фиишииҳ (вақф), ҳудал-лил-муттақишииин” (Бақара, 1) тарзida ўқиш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам маъно тўлиқ ифодаланади. Одатда, иккинчи мисолдаги қироат тури кўпчилик орасида кенг тарқалган. Аммо, “зáликал-китáбу lá роййиййб.”, деб вақф қилиб, “фиишииҳ”да яна вақф қилиш мумкин эмас.

Бошқа Мусхәфларда учрайдиган ج - ز - ط - ق га, ص - ح - س га тўғри келади. Яъни, уларнинг вазифаси бир хил ҳисобланади.

Оятлар ўртаси ёки охирида вақф қилинганида, сўз қандай ҳарф билан тугашига қараб улар уч гуруҳга бўлинади:

- сукунли “ҳá” ҳарфи билан вақф қилиш;
- алиф билан вақф қилиш;
- ориз сукун билан вақф қилиш.

Агар вақф қилинадиган сўзнинг охiri "ه" (тойи марбута) билан тугаган бўлса, у ҳолда ушбу сўз сукунли “ҳá” (ا - اھ) билан вақф қилинади. Масалан:

﴿الْقَارِعَةُ﴾ - ﴿الْصَّاحَابُ الْمَيْمَنَة﴾ - ﴿الْمَيْمَنَة﴾

**Эслатма:** баъзи сўзларда "ه" (тойи марбута) ориз сукун билан ҳам тугаши мумкин. Бу ҳолда ўзидан аввал алиф келади ва унинг ҳукми ориз мад бўлади. Бунда у икки ҳаракатдан олти ҳаракатгача чўзилиши мумкин. Аммо, тойи марбутанинг ҳойи ҳаввазга айланиш қоидаси ўзгармайди. Масалан:

﴿إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ ثُقَاهًا﴾ - ثُقَاهٌ

“*муқооооҳ*”, (Оли Имрон, 28)

﴿ذَلِكَ مَثُلُّهُمْ فِي الْتَّورَاه﴾ - التَّورَاه

“*таврооооҳ*”, (Фатҳ, 29)

وَ يُقِيمُوا الْصَّلَاةَ وَ يُؤْمِنُوا الْرَّكَاهَ ﴿١﴾ – الْرَّكَاهُ

“закаааааах”, (Баййина, 5)

Вақф қилинадиган сўзнинг охирида танвин фатҳа (۱)،

алиф (ا) ёки алиф мақсурा (ى... ) бўлса, сўз алиф билан вақф қилинади (фақатгина тойи марбутадан ташқари, агар тойи марбута танвин билан тугаса, у ҳам сукунли “ҳа” ҳарфи билан вақф қилинади). Масалан:

مَا لَكُمْ لَا تَرْجُونَ اللَّهَ وَ قَارًا ﴿٢﴾ – وَ قَارًا ، رَحِيمًا ﴿٣﴾ – رَحِيمًا

أَرْسَلْنَا رُسُلًا تَتَرَأَّمُ ﴿٤﴾ (Мўъминун, 44)

فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرِيْنِ مُتَّابِعَيْنِ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَتَمَآسَّا ﴿٥﴾

وَ نَفْسٌ وَ مَا سَوَّاهَا ﴿٦﴾ ، قَدْ أَفْلَحَ مَنْ تَرَكَى ﴿٧﴾

Агар вақф қилинаётганда юқоридаги санаб ўтилганлардан бошқа ҳолат юз берса, унда ориз сукун билан вақф қилинади. Масалан:

وَ هُوَ خَيْرُ الْرَّازِقِينَ ﴿٨﴾ – الْرَّازِقِينَ

“ва ҳува хойрур-роziқийна – роziқишиийн”<sup>29</sup>

ذَلِكَ الْدِّينُ الْقِيمُ ﴿٩﴾ – الْقِيمُ

Ориз сукун билан вақф қилинган сўз агар ташдидли бўлса, унда ўша ҳарфнинг иккита эканлиги билдириб ўқилади. Масалан:

إِنْ أَتَّبَعُ إِلَّا مَا يُوحَى إِلَيَّ ﴿١٠﴾ – إِلَيَّ

(Анъом, 50), “иляйй”

وَ أَضَلَّهُمُ الْسَّامِرِيُّ ﴿٤﴾ - السَّامِرِيُّ

“самирий”, (Тоҳа, 83)

وَ مَنْ يَهْدِ اللَّهُ فَمَا لَهُ مِنْ مُضِلٌّ ﴿٥﴾ - مُضِلٌّ

“муғозил”, (Зумар, 37)

Агар вақф қилинаётган сўзнинг охири сукунли “мийм” ёки “нувн” билан тугаса, у ҳолда ушбу ҳарфларда икки ҳаракат миқдорида ушлаб турилиб, сўнгра вақф қилинади. Яъни, бу ерда гуннани билдириш шарт. Масалан:

فَاسْتَجَبْنَا لَهُ وَ نَجَّيْنَاهُ مِنْ الْعَمَّ ﴿٦﴾ - الْعَمَّ

فَيَوْمَئِذٍ لَا يُسْأَلُ عَنْ ذَنْبِهِ إِنْسُ وَ لَا جَانٌ ﴿٧﴾ - جَانٌ

Лекин, сўз “мийм” ва “нувн” ҳарфлари билан тугаб, уларда ташдид бўлмаса, ушбу ҳарфларни гунна қилиб юбормаслик керак. Масалан:

أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٨﴾ - الْمُسْتَقِيمُ  
(Фотиха, 6)

وَ اللَّهُ يَنْصُرُكُمْ وَ يُثْبِتُ أَقْدَامَكُمْ ﴿٩﴾  
(Муҳаммад, 7)

وَ لَا تَوَلُوا عَنْهُ وَ أَتَتْمُ شَمَعُونَ ﴿١٠﴾ - شَمَعُونَ

أَلَا تَطْغُوا فِي الْمِيزَانِ ﴿١١﴾ - الْمِيزَانُ  
(Раҳмон, 8)

Кишилик олмошлари ҳисобланган **ھ** сўzlари ҳам қисқа унли билан тугаган бўлиб, агар мазкур сўзлар билан вақф қилинса, **ھ** (хува-хув), **ھ** - **ھ** (хийа-хий) тарзida ўқиласи.

Агар сўз ҳамза билан тугаб, ундан олдинги ҳарф алиф бўлса ва ҳамзанинг ҳаракати танвин фатҳа олса, у ҳолда

ҳамза бир алиф миқдорида чўзиб, мад билан вақф қилинади. Бу ерда ҳамздан сўнг алиф қўйилмайди. Масалан:

﴿بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءً وَ نِدَاءً﴾ - نِدَاءً

“нидааааа-á”, (Бақара, 171)

﴿وَ بَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَ نِسَاءً﴾ - نِسَاءً

“нисааааа-á”, (Нисо, 1)

﴿إِنَّ أَنْشَانَاهُنَّ إِنْشَاءٌ﴾ - إِنْشَاءً

“ин-шааааа-á”, (Воқеа, 35)

## Сакта

“Сакта” сўзи лугатда “тўхташ, бас қилиш” маъноларини билдиради. Истилоҳда эса, Қуръон оятларининг маълум жойларида тўхтаб, нафас олмай яна давом эттириб кетишга айтилади. Бунда сакта икки ҳаракат миқдорида ушлаб турилади.

Ҳафс ривоятига кўра, Қуръони каримдаги тўрт ўринда сакта қилиш вожиб. Булар:

1) Танвин фатҳага сакта қилиш: ﴿عَوْجًا﴾

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَى عَبْدِهِ الْكِتَابَ وَلَمْ يَجِدْ لَهُ عَوْجًا  
فَإِنَّمَا يُلِيدُنَّرِبَاسًا شَدِيدًا مِنْ لَدُنِهِ وَيُبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ  
يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ أَنَّهُمْ أَعْلَمُ حَسَنَةً

Бу ерда “ва лам йаж.зal-лахув ڇиважá”, деб нафас олмай бир оз (яъни, икки ҳаракат миқдорида) тўхтаб турилади, сўнгра “қойимал-лийун-зиро баъсан-шадийдам-миладун-ху ва йубашиширол-муъминишийн...” (Каҳф, 1-2), деб давом эттирилади. Чунончи, “ڇиважá”нинг танвини “қойимал”га ихфо қилинмайди.

2) Алифга сакта қилиш: ﴿مَرْقَدَنَا﴾

قَالُوا يُوَيَّنَا مَنْ بَعَثَنَا مِنْ مَرْقَدٍ هَذَا مَا وَعَدَ الرَّحْمَنُ  
وَصَدَقَ الْمُرْسَلُونَ ﴿٥٦﴾

“кóлув йá вайланá мам-ба-ъасанá мим-марқодинá (сакта) ҳáзá  
мá ва-шадар-роҳмáну ва содақол-мурсалууууен” (Ёсин, 52).

3) “Нун”га сакта қилиш: ﴿مِن﴾

وَتَمِيلُنَّ رَاقِيٰ ﴿٢٧﴾

“ва қийла ман (сакта) роооооқ. (вақф) ва зонна аннахул-  
фироооооқ.” (Қиёмат, 27).

Бу ерда “ман”нинг “нубн”и “роооооқ.”қа идғом қилин-  
майди.

4) “Лом”га сакта қилиш: ﴿بَل﴾

كَلَّا بَلَ رَانَ عَلَى قُلُوبِهِمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿١٤﴾

“каллá бал (сакта) róна шалá құлувбихим-мá кáнув йаксибуу-  
ууувн” (Мутаффифун, 14)

Бу ерда эса, “бал”нинг сукунли “лом”и “róна”нинг “ро”-  
сига идғом қилинмайди.

Барча сакта қоидалари биринчи мисолда кўрсатилгани-  
дек амалга оширилади.

Мусҳафи шарифда сакта қилиниши лозим бўлган сўз ус-  
тига кичик "س" ҳарфи қўйилади. Бу سَكَنَة سْ سўзининг қисқарт-  
ма шаклидир.

Шунингдек, Ҳафс ривоятига қўра, яна икки жойда сак-  
та қилиш жоиз. Булар:

Биринчиси: “Анфол” ва “Бароат” сураларининг ўртасида:  
Анфол сурасининг охирги 75-ояти бўлмиш

وَ أُولُوا الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أُولَى بِعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ قَلَى  
إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٦٠﴾

“ва улул-арҳами баъдзухум авлá бибаъдин-фий китабиллаааах (вақф), иннالлоҳа би кулли шайбин ғалишииим”, деб ўқилгач, орада сакта қилиниб, сўнгра

**﴿بِرَآءَةٌ مِّنَ الْلَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ﴾**

“бароооатум-миналлоҳи ва росувиҳий илалазийна ғáхаттум-минал-муширикиишин” тарзида давом эттирилади.

Иккинчиси: “Хоққа” сурасининг 28 оядидаги “ҳойи ҳавваз” устида:

**﴿مَا أَغْفَنَ عَنِي مَالِيَةٍ هَلَكَ عَنِي سُلْطَانِيَّةٍ﴾**

“мааааа ағнá ғаний малийаҳ (сакта) ҳалака ғаний султóнийаҳ” (Хоққа, 28-29).

### Савол ва топшириқлар:

- 1) Нима сабабдан Куръони карим ояtlари ўртасида вақф қилинади?
- 2) Вақф аломати бўлган  ҳарфининг вазифаси нимадан иборат?
- 3)  белгиси нимани англатади?
- 4) Агар бирон сўз устида кичик  ҳарфи турган бўлса, унда қандай вақф қилинади?
- 5)  ҳарфларининг бирикмаси бўлган аломат бор ерда вақф қилиш мумкинми?
- 6)  алматини тушунтиринг. Бундай ҳолатда вақф қилган яхшими ёки улаб ўқиганми?
- 7) Уч нуқтали вақф аломати келган жойда қандай йўл тутилади? Мисоллар билан тушунтиринг.
- 8) Агар Куръони карим сўзларининг бирида вақф қилинса, неча хил ҳолат юз беради?
- 9) Қайси ҳолатларда сукун билан вақф қилинади?
- 10) Алиф билан вақф қилиш учун сўзнинг охири қандай ҳаракат ёки ҳарф билан тугаши лозим?
- 11) Сакта сўзининг маъноси нима ва у қандай амалга оширилади?

## Тажвид қоидалари

12) Қуръони каримнинг нечта ўрнида сакта қилиш во-  
жиб? Уларни санаб ўтинг.

13) Яна нечта ўринда сакта қилиш жоиз?

14) Қуйидаги мисолларда вақф аломатларига аҳамият  
қилиб, қаерда тўхтаб, қаерда тўхташ мумкин эмаслигини  
айтинг.

Биринчи мисол:

فِيهِءَيَّاتٌ بَيْنَتُ مَقَامَ  
إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَءَامِنًا وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ  
مَنْ أَسْطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ عَنِّي عَنِ الْعَالَمِينَ

Иккинчи мисол:

وَمَا جَعَلْنَا أَحَبَّاً لِلنَّارِ إِلَّا مَلِكَهُ وَمَا جَعَلْنَا عَدُوَّهُمْ إِلَّا فِتْنَةً  
لِلَّذِينَ كَفَرُوا لِيَسْتَقِنَ الدِّينُ أَوْ لِمُؤْمِنَاتِهِنَّ أَمْنًا إِيمَانًا  
وَلَا يَرَبَّ أَبَابِ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ وَالْمُؤْمِنُونَ لَمْ يَقُولُوا لِلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرْضٌ  
وَالْكَافِرُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهِ هَذَا مَثَلًا كَذَلِكَ يُضْلِلُ اللَّهُ مِنْ يَشَاءُ وَهُدِي  
مِنْ يَشَاءُ وَمَا يَعْلَمُ جُنُودِ رَبِّكَ إِلَّا هُوَ وَمَا هُوَ إِلَّا ذُكْرٌ لِلْبَشَرِ ﴿٣١﴾

Учинчи мисол:

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ لَا يَحْزُنْكَ الَّذِينَ يُسْكِرُونَ  
فِي الْكُفْرِ مِنَ الَّذِينَ قَاتَلُوا إِمَانًا يَأْفُوهُمْ وَلَمْ تُؤْمِنْ  
قُلُوبُهُمْ وَمِنَ الَّذِينَ هَادُوا سَمَعُونَ  
لِلْكَذِبِ سَمَّعُونَ لَقَوْمٌ إِلَّا هُنَّ لَرَبِّيَّاتٍ﴾


Тўртинчи мисол:

وَإِذَا نُشَلَّ عَلَيْهِمْ إِيْتَنَا قَالُوا قَدْ سَمِعْنَا لَوْنَشَاءَ  
لَقَلَّنَا مِثْلَ هَذَا إِنْ هَذَا إِلَّا أَسْنَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٢١﴾

Бешинчи мисол:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَخَذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَى أَوْلِيَاءَ بَعْضَهُمْ  
أَوْ لِيَاءَ بَعْضٍ وَمَن يَتَوَلَّهُم مِنْكُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُمْ

## Үн иккинчи дарс Васлали ҳамза



Араб тилида икки хил ҳамза мавжуд:

1) Қатъий ҳамза: яъни талаффуз қилинадиган ҳамза, у доим ўз ўрнида туради. Қатъий ҳамза ёзувда “ء” белгиси билан ифодаланади ва у ўзи алоҳида, баъзан ”و“، ”ى“، ”ا“ ҳарфларидан бири устига қўйилади. Масалан:

أَيْمَانِكُمْ ، أَرْسَلْنَا ، فَيَأْخُذُكُمْ ، يُؤَاخِذُكُمْ ، سَوَاءٌ ، ثُوَدُوا

\* \* \*

فَأُولَئِكَ ، شَيْءٌ ، فَيَنْتَهِكُمْ ، بَسُوءٌ ، سُئَلَ ، شَيْئًا ، ثُوْفَكُونَ

\* \* \*

يَبْدُؤُ ، أُبْرِئُ ، بَرِيءٌ ، تَبَرَّأً ، بَدَأً ، يَغْسَلُ

2) Васлали ҳамза: яъни талаффуз қилинмайдиган ҳамза товуши. Васлали ҳамза ёзувда васла белгиси (۱) билан алиф устига қўйилади. Масалан:

كُلُّ أَمْرِيَءٍ، وَأَمْرَاتٌ لُوطٌ، وَأَضْرِبْ لَهُمْ، مَرِيمٌ ابْنَتَ عُمْرَانَ

Васлали ҳамза билан бошланган сўз гапнинг бошида турган бўлса ёки ўзи алоҳида олинганда, у бирон қисқа унли ёрдамида қатъий ҳамзага айланади ва маълум ҳаракатни қабул қиласди. Масалан:

إِسْمٌ ، إِمْرَأٌ ، إِبْنٌ ، إِبْنَةٌ ، إِضْرِبْ ، أَخْرُجٌ ، إِكْشِفٌ ، إِرْجِعٌ

Агар васлали ҳамза билан бошланган сўз гапнинг ўртаси ёки охирида келса, унда икки сўз бир-бирига қўшиб ўқиласди. Масалан:

﴿رَبَّنَا أَكْشِفْ عَنَّا﴾، ﴿عِيسَى اُبْنَ مَرِيم﴾، ﴿وَحْدَهُ أَشْمَاءَتْ﴾

Куръони каримда васлали ҳамза исм, феъл ва ҳарфларда учрайди.

#### Феъллардаги васлали ҳамза

Агар феълларнинг ўрта ўзаги<sup>30</sup> касра бўлса, у ҳолда унинг бош ҳарфи “и” ўқиласди. Масалан:

﴿إِهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ﴾ ، ﴿إِكْشِفْ عَنَّا الْعَذَابَ﴾

Ноқис феълларнинг ўрта ўзаги касра бўлса, қуидагича тус олади:

إِمْشُوا - ﴿أَنْ أَمْشُوا وَأَصْبِرُوا عَلَى آلِهَتِكُمْ﴾ (Сод, 6)

إِئْتُوا - ﴿إِئْتُونِي بِكِتَابٍ مِّنْ قَبْلِ هَذَا﴾ (Ахқоф, 4)

Мазкур сўзниңг ўқилишига доир икки хил ҳолат мавжуд:

﴿أَمْ لَهُمْ شِرُكٌ فِي السَّمَاوَاتِ صَلِي أَئْتُونِي بِكِتَابٍ مِّنْ قَبْلِ هَذَا﴾

Агар “физ-самা঵ааат” деб вақф қилинса, у ҳолда ушбу сўз “ийтуний” тарзида давом эттириласди. Агар “физ-самавааат”дан сўнг вақф қилинмаса, у ҳолда “ам лаҳум шир-

кун-фис-самáвáтиътуний бикитáбим-мин-қоб.ли ҳázá” тарзида ўқилади. Яъни:

1. “самáваааат” сўзида вақф қилинса: **إِيْتُونِي**

2. улаб ўқилса: **فِي الْسَّمَاءِ اتَّئْتُونِي**

إِبْنُوا - ﴿قَالُوا أَبْنُوا لَهُ بُنِيَانًا﴾ (Софбот, 97)

إِقْضُوا - ﴿ثُمَّ أَقْضُوا إِلَيْ وَ لَا تُنْظِرُونَ﴾ (Юнус, 71)

Ушбу феълларнинг асли **إِقْضِيُوا** ، **إِبْنِيُوا** ، **إِيْتُيوُا** ، **إِمْشِيُوا** кўринишига эга.

Агар феълларнинг ўрта ўзаги фатҳа бўлса ҳам, васлали ҳамзанинг ҳаракати “и” бўлади. Масалан:

إِنْطَلَقَ - ﴿وَ انْطَلَقَ الْمَلَأُ مِنْهُمْ﴾

إِذْهَبْ - ﴿قَالَ أَذْهَبْ فَمَنْ تَبِعَكَ مِنْهُمْ﴾

إِرْتَضَى - ﴿وَ لَا يَشْفَعُونَ إِلَّا لِمَنِ أَرْتَضَى﴾ - لмэртпсї

إِسْتَحْقَّ - ﴿مِنَ الَّذِينَ آسْتَحْقَّ عَلَيْهِمُ الْأَوْيَانِ﴾

إِسْتَغْفَرَ - ﴿فَاسْتَغْفِرَ رَبَّهُ وَ خَرَّ رَاكِعاً وَ أَنَابَ﴾

إِسْتَكْبَرَ - ﴿إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَى وَ أَسْتَكْبَرَ﴾

Агар ўрта ўзак замма бўлса, васлали ҳамза ҳам замма билан ўқилади. Масалан:

أَشْكُرْ - ﴿أَنْ أَشْكُرْ لِي وَ لَوَالدِيْكَ﴾

أَتْلُ - ﴿وَ آتَلُ مَا أُوْحِيَ إِلَيْكَ﴾

أَسْتَهْزِئَ - ﴿وَ لَقَدِ أَسْتَهْزِئَ بِرُسُلٍ مِّنْ قَبْلِكَ﴾

أَجْتَثَتْ - ﴿كَشَجَرَةً خَبِيثَةً أَجْتَثَتْ مِنْ فَوْقِ الْأَرْضِ﴾

أَؤْمِنَ - ﴿فَلَيُؤْدَ الدَّى أَؤْمِنَ أَمَانَتُهُ - فَلَيُؤْدَ دَلْذَتْسِمَنَ﴾

أَضْطَرَ - ﴿فَمَنِ أَضْطَرَ غَيْرَ بَاغٍ وَ لَا عَادٍ﴾

أَسْتُضْعِفُوا - ﴿وَ قَالَ الَّذِينَ أَسْتُضْعِفُوا﴾

Исмлар таркибига кирувчи васлали ҳамза доим касра ҳаракатини олади. Улар уч, беш ёки олти ўзакли бўлиши мумкин.

Беш ва олти ўзакли исмларга мисоллар:

إِسْتِكْبَارًا - ﴿إِسْتِكْبَارًا فِي الْأَرْضِ وَ مَكْرَ الْسَّيِّءِ﴾

إِفْرَاءً - ﴿إِفْرَاءً عَلَى اللَّهِ﴾ ، ﴿وَ آسْتَكْبِرُوا آسْتِكْبَارًا﴾

Энди, Куръони каримдаги ушбу етти сўзни кўриб чиқамиз:

إِبْنُ ، إِبْنَةً ، إِمْرُوْ ، إِمْرَأَةً ، إِسْمُ ، إِنْثِينِ ، إِثْنَتِينِ

Куйида мазкур сўзларнинг ҳар бирига алоҳида мисоллар келтирамиз:

إِبْنُ - ﴿كَمَا قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ﴾ - عِيسَبِنُ  
(Софиф, 14)

إِبْنَةً - ﴿إِبْنَةَ عِمْرَانَ الَّتِي أَحْصَنَتْ فَرْجَهَا﴾ (Таҳрим, 12)

إِحْدَى أُبْنَتَيْ هَاتَيْنِ - إِحْدَبَنَتَيْ (Қасас, 27)

إِمْرِيٌّ - ﴿أَيْطَمْعُ كُلُّ أَمْرِيٍّ مِّنْهُمْ﴾ - كُلُّمِرِيْنْ

إِنِّيْنِ اَمْرُؤُ هَلَكَ لَيْسَ لَهُ وَلَدٌ - إِنْمَرْؤُنْ (Нисо, 176)

إِمْرَأَةً - ﴿صَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِّلنَّاسِ كَفَرُوا أَمْرَأَتَ نُوحٍ وَ أَمْرَأَتَ لُوطٍ﴾

إِسْمَ - ﴿وَ أَذْكُرْ أَسْمَ رَبِّكَ وَ تَبَّلِّ إِلَيْهِ تَبْتِيلًا﴾ - وَذْكُرِسَمْ

يَأْتِي مِنْ بَعْدِي أَسْمُهُ أَحْمَدُ - بَعْدِسَمْهُو (София, 6)

إِنْتَيْنِ - ﴿لَا تَتَّخِذُوا إِلَهَيْنِ اَنْتَيْنِ﴾ - إِلَاهَيْنِشِينْ (Нахл, 51)

إِنْتَيْنِ - ﴿فَإِنْ كَانَتَا اَنْتَيْنِ فَلَهُمَا اُلْثَانٌ﴾ - كَانَتَشِينْ

فَأَنْفَحَرَتْ مِنْهُ اَنْتَنَا عَشْرَةَ عَيْنًا - مِنْهُشِنَا (Бакара, 60)

Исм таркибиға ки्रувчи нисбий олмошлар фатҳа ҳаракатини олади. Масалан:

\* ﴿تَبَارَكَ الَّذِي بِيَدِهِ الْمُلْكُ وَ هُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ  
الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَ الْحَيَاةَ لِيَلْوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلاً حَاجَ  
وَ هُوَ الْعَزِيزُ الْغَفُورُ﴾

Агар сўроқ юкламаси бўлган ҳамза ғ (-ми?) билан васлали ҳамза бир сўзда келса, у ҳолда васлали ҳамза тушиб қолади. Бу ҳодиса Қуръони каримдаги етти сўзда учрайди:

أَتَشَخَذْتُمْ - ﴿قُلْ أَتَتَخَذْتُمْ عِنْدَ اللَّهِ عَهْدًا﴾ (Бақара, 80)

أَطْلَعَ - ﴿أَطْلَعَ الْغَيْبَ﴾ (Марям, 78)

أَفْتَرَى - ﴿أَفْتَرَى عَلَى اللَّهِ كَذِبًا﴾ (Сабаъ, 8)

أَصْطَفَى - ﴿أَصْطَفَى الْبَنَاتِ عَلَى الْبَنِينَ﴾ (Соффот, 153)

أَتَشَدَّدْنَا هُمْ - ﴿أَتَشَدَّدْنَا هُمْ سَخْرِيًّا﴾ (Сод, 63)

أَسْتَكْبَرْتَ - ﴿أَسْتَكْبَرْتَ أَمْ كُنْتَ مِنَ الْعَالِيَنَ﴾ (Сод, 75)

أَسْتَعْفَرْتَ - ﴿أَسْتَعْفَرْتَ لَهُمْ أَمْ لَمْ تَسْتَعْفِرْ لَهُمْ﴾

Ушбу сўзлардаги сўроқ юкламаси бўлган ғ қатъий ҳамза ҳисобланиб, у сўз таркибидан ҳеч қачон тушиб қолмайди.

Қачонки сўроқ юкламаси билан васлали ҳамза бир сўзда келиб, васлали ҳамзадан кейин “лом” ҳарфи бўлса, унда васлали ҳамза тушиб қолмайди. Бундай сўзлар Ҳафс ва бошқа қорилар фикрича икки хил усулда ўқилади:

- васлали ҳамзани “алиф”га алмаштириб (яъни, иbdol қилиб), уни тўлиқ мад билан ўқиш;

- ҳамза ва алиф ўртасида тасхил қилиб, енгил ўқиш.

Бундай ҳодиса Қуръони каримнинг олти жойидаги уч сўзда кузатилади:

(Анъом, 143; 144) “aaaaaaаз-закаройни...” - ﴿إِذْكُرْ بِنِ إِلَهِكُمْ﴾

(Юнус, 51; 91), “aaaaaaалъана” - ﴿إِذْكُرْ إِلَهَكُمْ﴾

﴿إِذْكُرْ لَكُمْ إِلَهَكُمْ﴾

“aaaaaaаллоҳу азина́ лакум”, (Юнус, 59)

﴿ اَللّٰهُ خَيْرٌ اَمَا يُشْرِكُونَ ﴾

“aaaaaallóxу хойрун *ammá* йушрикууувн” , (Намл, 59)

Юқоридаги сўзлар ушбу ҳолатда лозим мад қоидасига мувофиқ келади, чунки мад ҳарф бўлмиш алифдан сўнг лозим сукун келмоқда. Улар олти ҳаракат миқдорида мад қилиниши вожиб.

Агар сўроқ юкламаси ва васлали ҳамза тасҳил қилиб ўқилса, қуйидагича кўриниш касб этади:

“állóxу” –  $\text{اللّٰهُ}$  –  $\text{اللّٰهُ}$ ; “álъáна” –  $\text{الْأَنَّ}$  –  $\text{الْأَنَّ}$ ;

“ázzakarойни...” –  $\text{الذَّكَرِينَ}$  –  $\text{الذَّكَرِينَ}$

### Савол ва топшириқлар:

- 1) Араб тилида неча хил ҳамза мавжуд? Улар қайсилар?
- 2) Васлали ҳамза қайси ҳолатларда қатъий ҳамзага айланади?
- 3) Феълларда келувчи васлали ҳамзага мисоллар келтириng.
- 4) Феълларда васлали ҳамзанинг ҳаракати қандай аниқланади?
- 5) Қайси ҳолларда сўроқ юкламаси ва васлали ҳамза бир сўзда келса ҳам васлали ҳамза тушиб қолмайди? Бундай ҳолат Куръони каримда нечта сўзда мавжуд?
- 6) Қуйидаги мисолларда қатъий ва васлали ҳамзанинг келиш ҳолатларига эътибор беринг.

Биринчи мисол:

وَدَكَثِيرٌ مِّنْ أَهْلٍ  
أَكْتَبَ لَوْيَرْ دُونَكُمْ مِّنْ بَعْدِ إِيمَنِكُمْ كُفَّارًا حَسَدًا  
مِّنْ عِنْدِ أَنفُسِهِمْ مِّنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَ أَهْمَالُ الْحَقِّ فَاغْفُرْ  
وَاصْفَحُوا حَتَّىٰ يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

Иккинчи мисол:

آسْتَهْوَذَ عَلَيْهِمُ الشَّيْطَنُ فَأَنْسَهُمْ ذَكْرُ  
اللَّهِ أُولَئِكَ حِزْبُ الشَّيْطَنِ إِنَّ حِزْبَ الشَّيْطَنِ هُمُ الظَّالِمُونَ

Учинчи мисол:

أَقْرَأَ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ١١ خَلَقَ إِلَيْنَا نَحْنُ مِنْ عَاقِ ١٢ أَقْرَأَ وَرَبَّكَ  
الْأَكْرَمُ ١٣ الَّذِي عَلِمَ بِالْقَلْمَوْ ١٤ عَلِمَ إِلَيْنَا مَا لَمْ يَعْلَمْ ١٥

Тўртинчи мисол:

يَوْمَ يَفِرُّ الْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ ١٦ وَأَمْهِ وَأَبِيهِ ١٧ وَصَاحِبِهِ وَبَنِيهِ ١٨  
لِكُلِّ أَمْرٍ يَرِي مَنْهُمْ يُوَمِّدُ شَانٌ يُغَيِّبُهُ ١٩

Бешинчи мисол:

أَقْرَبَ لِلنَّاسِ حُسَابُهُمْ وَهُمْ فِي عَقْلَةٍ مُعَرِّضُونَ ٢٠

Олтинчи мисол:

يَأَيُّهَا النَّفْسُ الْمُطَمَّئَةُ ٢١ أَرْجِعِنِي إِلَى رَبِّكَ رَاضِيَةً مَرْحِيَّةً  
فَادْخُلِي فِي عِنْدِي ٢٢ وَادْخُلِي حَنْنِي ٢٣

Еттинчи мисол:

وَأَخْنَارَ مُوسَى قَوْمُهُ سَبْعِينَ رَجُلًا لَّيْقَنَنَا فَلَمَّا أَخْذَهُمْ  
أَرَجَفَهُ قَالَ رَبِّ لَوْسِيَتْ أَهْلَكْتُهُمْ مِنْ قَبْلٍ وَإِنَّمِّ

## Ўн учинчи дарс

### Истиоъза (тааввуз)

“Истиоъза” сўзи луфатда “илтижо қилиш, паноҳ сўраш, ўзига ҳимоя исташ” маъноларига эга. Истилоҳда, банданинг Аллоҳ таолога илтижо қилиб, ўзини шайтон макр-ҳийлала-ридан сақлашини сўрашидир.

Қироат аввалида истиоъза айтишни уламолар таъкидлаб ўтганлар. Бу борада турли хил фикрлар мавжуд. Аксарият уламолар истиоъзани мустаҳаб, яъни айтса яхши, айтмаса зарари йўқ, деганлар. Аллоҳ таоло Ўз Каломида:

فَإِذَا قَرِئَتِ الْقُرْآنَ فَأَسْتَعِدُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَنِ الرَّجِيمِ ١٨

“(Эй мўъмин бандам), қачонки Қуръон тиловат қилсанг, албатта, малъун шайтон (васвасаси)дан Аллоҳ паноҳ бериншини сўрагин!” (Наҳл, 98), – деб амр қилган.

Истиоъзанинг энг афзал, деб билинган шакли

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

дейишидир. Чунки, мана шу жумла Қуръон оядидаги матнга мос келади. Шунингдек, **أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ** ёки

أَعُوذُ بِاللَّهِ الْمُسَمِّعِ الْعَلِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

деб айтса ҳам бўлади.

**Эслатма:** **أَعُوذُ** сўзини талаффуз қилишда кишидан алоҳида эътибор талаб этилади. Бунда аввал ҳамза, сўнгра “ъайн” ҳарфи талаффуз қилиниши керак. Кўп ҳолларда ҳамза ҳарфи “ъайн”нинг таркибиға қўшиб ўқилади. Бу нотўғридир. Аслида ҳамза ва “ъайн” алоҳида, бир-биридан ажратиб ўқилиши лозим. Шунингдек, “зál” ҳарфи ҳам “ъайн”нинг таъсирида “дзód”га айланниб қолмаслиги керак. Акс ҳолда маъно қўпол даражада бузилади.

عَاذَ — يَعُوذُ

феъли “паноҳ сўрамоқ, ёрдамга чақирмоқ” каби маъноларни ифодалайди. Агар ушбу сўздаги “зál” ҳарфи “дзód” қилиб ўқилса, **عَاضَ — يَعُوضُ** феълига айланниб, “алмаштиromoқ, ўзгартирмоқ” маъносига эга бўлади. Бундай ҳолда кўзланган мақсадга тескари бўлган маъно келиб чиқади. Шу сабаб **أَعُوذُ** сўзини талаффуз қилишга яхши аҳамият бериш талаб қилинади.

Қироат аввалида истиоъза айтишнинг икки ҳолати бор:

- жаҳрий (овоз чиқариб) айтиш;
- маҳфий (ичида) айтиш.

Икки хил ўринда қироатдан аввал истиоъзани жаҳрий айтиш яхши саналади:

1. Қори овоз чиқарыб қироат қилаётган бўлиб, унинг атрофида тингловчи кишилар ҳам мавжуд бўлса;

2. Қори Қуръон ўқиётган жамоат орасида бўлиб, у қироатни аввал бошласа.

Тўрт ўринда истиоъзани ичиди, овоз чиқармай айтиш маҳбуб саналади:

1. Агар киши қироатни овоз чиқармай қилаётган бўлса;

2. Қуръонни овоз чиқарыб ўқиса-да, атрофида тиловатига кулоқ тутадиган бирон киши бўлмаса;

3. Агар киши қироатни намозда (хусусан, тиловати жаҳрий ўқиладиган бомдод, шом ва хуфтон намозларида) қилаётган бўлса;

4. Агар қори бирон жамоат орасида қироат қилаётган бўлсаю, аммо у қироатни биринчи бўлиб бошламаса.

Агар киши узрли ҳолатлар саналган акси уриш, йўтуалиш ёки қироатга тегишли бўлган бирон сўзни айтиш учун қироатини тўхтатса<sup>31</sup>, истиоъзани қайтадан айтмайди.

## Ўн тўртинчи дарс

### Басмала (*тасмия*)

“Басмала” сўзи بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ яъни, “Меҳри-  
бон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)” жумласи-  
дан қисқартириб олингандир. Шунингдек, ҳасбала “ҳасбий-  
аллóҳу ва ниъмал вакийл” ва ҳавқала “lá ҳавла ва lá қуввата  
иляя биллáх” жумлаларидан қисқартириб олинган сўзлар  
ҳисобланади.

Басмала сўзининг матни Қуръони каримда Намл сураси-  
нинг 30-оятида келтирилган:

إِنَّمَا مِنْ شُعَيْرَةٍ وَإِنَّهُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Етти қироат соҳиблари Қуръони каримнинг Бароат сурасидан бошқа ҳамма суралар аввалида басмала борлигига иттифоқ қилишган. Бароат сурасида “бисмиллоҳ”нинг айтилмаслигига қўйидаги сабаблар келтирилади. Мазкур сура ўзида уруш, аҳдни бузиш, ваийд, таҳдид ва шу каби маъ-

## Тажвид қоидалари

ноларни жамлаган. Ибн Аббос розийаллоху анху айтади: Мен Али розийаллоху анхудан: “Нима сабаб Бароат сурасининг аввалида басмала ёзилмади?” деб сўрадим. У: “Чунки, “бисмиллоҳ” омонликдир. Бароатда ундан эмас, у жанг-жадал ҳақида нозил бўлди. Омонлик билан уруш бир-бирига муносаб эмас”, дея жавоб берди<sup>32</sup>.

“Бароат”дан бошқа суралар аввалидан ўқимоқчи бўлган қори қуидаги тўрт ҳолатдан бирига амал қилиши мумкин:

1. Барчасида вақф қилиб, алоҳида ўқиш. Яъни, истиоъзани басмаладан, басмалани сура аввалидан ажратиб ўқиш. Бу энг яхши ҳолатдир. Масалан:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

деб вақф қилиб,

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

дан сўнг яна тўхтаб, кейин бирон-бир сурани бошидан бошлиш.

2. Истиоъзани алоҳида ўқиб, басмалани суранинг бошига улаш. Масалан:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

деб тўхтаб,

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ أَللَّهُمَّ اتَّكَاثِرُ

деб давом эттириш.

3. Истиоъза ва басмалани бир-бирига улаб, сура бошини алоҳида ўқиш. Масалан:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

деб тўхтаб, сўнгра сурани бошлиш.

4. Барчасини улаб ўқиш. Масалан:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

أَلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

тарзида ўқиш.

Агар Бароат сурасининг аввалидан бошлаб ўқилса, қуидаги икки ҳолат юзага келади:

1. Истиоъзада тўхтаб, басмаласиз, суранинг аввалидан бошлаш. Яъни:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ  
﴿بَرَاءَةٌ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

тарзida давом эттириш.

2. Истиоъзани басмаласиз, суранинг аввалига қўшиб ўқиш. Яъни:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ بَرَاءَةٌ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ  
إِلَى الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ

деб ўқиш.

Агар қори Бароат сурасидан бошқа бирон сура ўртасидан қироат қиласиган бўлса, икки усулни кўллаши мумкин:

Биринчиси: басмалани айтиш. Бунда юқорида айтиб ўтилган ҳар бир сура бошида юзига келасиган тўрт ҳолатдан бирiga амал қилинади.

Иккинчиси: басмалани айтмаслик. Бунда фақатгина икки хил ҳолат юзага келади:

1. Истиоъзада вақф қилиб, сўнgra оятни бошлаш;
2. Истиоъзани оятга қўшиб ўқиш.

Бароат сурасининг ўртасидан тиловат қилиш борасида уламолар турли фикрларни беришган. Баъзилар: “Бароат сурасининг аввалида басмала айтилмагани каби, унинг ўртасида ҳам айтилмайди”, дейишган. Бунда қуидагича ҳолат юзага келади:

1. Истиоъзада вақф қилиш;
2. Истиоъзани оятнинг бошига улаб ўқиш.

Яна баъзи тоифа уламолар Бароат сурасининг ўртасида басмала айтиш жоиз, дейишган.

### **Икки сурәтасидаги басмала**

Агар қори суранинг охирини кейинги сурага улаб ўқиса (Бароат сурасидан ташқари), уч хил ҳолат юзага келади:

1. Барчасини алоҳида, бир-биридан узиб ўқиш. Яъни, суранинг охирида ва басмаладан кейин вақф қилиш;

2. Суранинг охирида вақф қилиб, басмалани кейинги сурага улаб ўқиш;

3. Барчасини қўшиб ўқиш. Яъни, суранинг охирини басмалага, басмалани эса, кейинги суранинг аввалига улаш.

**Эслатма:** шуни унутмаслик лозимки, суранинг охирини басмалага улаб, кейинги сурәтасидаги ривоят қилиш мумкин эмас. Чунки, бу ҳолатда басмала қуръоний оятлар сирасига кириб қолади!

Анфол сурасининг охири Бароат сурасининг бошига улаб ўқилса, уч хил ҳолат юз беради:

1. Анфол сурасининг охирида нафас ростлаб, тўхташ;

2. Нафас олмай, икки сурәтасидаги енгил сакта қилиш;

3. Анфол сурасининг охирини Тавба сурасининг бошига улаб ўқиш. Бунда аввал таъкидлаб ўтганимиздек, басмала айтилмайди.

Имом Ҳокимнинг “Мустадрак” китобида Ибн Аббос розийяллоҳу анхудан қутилагича ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга токи “бисмиллāhīr-roh̄mānir-roh̄īyim” нозил бўлмагунича, у зот сураларнинг тугаганини била олмас эдилар” (Албоний ҳадиснинг санадини саҳиҳ, деган).

Ҳар бир сурәтасидаги басмала айтиш суннатdir. Суралар ўртасида басмала айтиш ёки айтмаслик қорининг ихтиёрига боғлиқ. Аммо доим басмалани айтиш маъқул.

#### **Савол ва топшириқлар:**

- 1) “Истиоъза” сўзининг маъноси?
- 2) Истиоъза айтиш ҳақида Куръони каримда нима дейилган?
- 3) “Басмала” сўзининг маъноси нима?
- 4) Басмала айтишнинг ҳукми қандай?

## Үн бешинчи дарс Тиловат саждаси

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّمَا يُؤْفَقُ مَنِ يَأْتِيَنَا الَّذِينَ إِذَا دَعَاهُ كَرِهُوا هُنَّا بَخِرُّ وَاسْجَدُ  
 وَسَبَّحُوا بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَهُمْ لَا يَسْتَكْدِرُونَ ﴿١٥﴾

“Албатта Бизнинг оятларимизга фақат қачон у (оятлар) зикр қилинса, (ўша оятлар билан панд-насиҳат қилинганида таъсирланганларни сабабли) сажда қилған ҳолларида йиқила-диган ва кибр-ҳаво қилмаган ҳолларида ҳамду сано айтиш билан Парвардигорларини (ҳар хил айбу нуқсонлардан) пок, деб биладиган зотларгина имон келтируллар” (Сажда, 15).

Мазкур ояти каримада сажда оятларини эшитгач, мутакаббирлик қилмай, саждага бориш ҳақиқий мўминларнинг сифати эканлиги айтиб ўтилмоқда.

Ибн Умар розийаллоҳу анху ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда ояти бор сурани тиловат қилиб, сўнгра сажда қиласи ва бизлар ҳам у зот билан бирга сажда қиласи эдик. Ҳатто, бизлардан бирон киши (сажда қилиш учун ) пешонасини қўйишига жой топа олмай қоларди” (Муттафакун алайҳ).

Юқорида келтирилган оят ва ушбу ҳадисдан ҳам билиб оламизки, сажда оятини ўқиса ёки эшитса, хоҳ у арабий матн хоҳ таржима бўлсин, ҳар бир мўмин бир маротаба сажда қилиши керак. Чунки, тиловат саждасининг ўзига хос фазилати бор. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анху Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар одам боласи саждада (ояти)ни ўқиб кетидан саждада қилса, шайтон йифлаган ҳолида ундан узоқлашиб, шундай дейди: Эҳ, унинг ҳолига вой бўлсин (шайтон бу ерда ўзини назарда тутмоқда)! Одам боласи саждага буюрилиб, саждада қилди. Шу сабаб унга жаннат болди. Мен ҳам саждага буюрилганимда, уни инкор қилдим. Оқибатда менга дўзах бўлди!” (Имом Муслим ривояти).

Хоҳ намозда, хоҳ саждада оятида бўлсин, банданинг ўз Раббига бўйин эгиши, таъзим билан саждада қилиши унинг жаннатга киришига сабаб бўлади. Хусусан, тиловат саждаси фа-

зилатли амаллардан бири ҳисобланиб, бу иш бир томондан бандани Аллоҳга яқинлаштирса, бошқа тарафдан шайтонни маҳзун аҳволга солади. Шу сабаб ҳар биримиз сажда оятларини ўқисак ёки эшитсак, унинг кетидан дарров сажда қилиб қўйишга ҳаракат қилишимиз лозим.

### **Тиловат саждаси кимларга вожиб?**

Умар, Али, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос ва Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анхумлар: “Тиловат саждаси Қуръонни тиловат қиласан ва эшигтан кишиларга вожиб”, дейишган.

Тиловат саждасини арабча ёки бошқа тилларга ўтирилган таржимасини ўқиидими, барибир сажда қилиш вожиб бўла-веради. Агар араб тилини билмайдиган кишининг олдида тиловат саждаси ўқилса, у ояннинг маъносига тушунмаса ҳам сажда қилиши керак. Бу фикрни Абу Ҳанифа билдирган.

Намоз ибодати кимларга фарз бўлса, тиловат саждаси ҳам ўша тоифа кишиларга вожиб бўлади. Яъни, тиловат саждаси вожиб бўлиши учун банда мусулмон, оқил, балогатга етган, аёл киши бўлса ҳайз ва нифосдан пок бўлиши лозим. Зоро, кофир, балогатга етмаган ёш бола, ақли заиф кишилар, ҳайз ва нифосдаги аёлларга тиловат саждаси вожиб эмас. Чунки, улар намоз фарз бўлган кишилар қаторига кирмайди. Тиловат саждаси таҳорати йўқ ва жунуб бўлган киши учун вожиб. Улар покланганларидан сўнг тиловат саждасини бажарадилар.

Шунингдек, тиловат саждасини эшитиш борасида кимдан ёки нимадан эшитишга қаралади. Агар сажда ояти акс садо сифатида келса ёки мажнун томонидан тиловат қилинса, сажда қилиш вожиб бўлмайди. Чунки, акс садо орқали келган тиловат ҳақиқий тиловат саналмайди. Мажнун эса, намоз фарз бўлган кишилар тоифасига кирмайди ҳамда унинг тиловати саҳиҳ тиловат ҳисобланмайди.

### **Тиловат саждаси қандай амалга оширилади?**

Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анху ривоят қиласади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга Қуръон ўқиб берар, қачон сажда (ояти)дан ўтсалар, аввал такбир айтиб, сўнг сажда қиласар эдилар ва биз ҳам у зот билан сажда қиласадик” (Абу Довуд ривояти).

Тиловат саждаси намоздан ташқаридаги сажда ҳисобланади. Шу билан бирга, намозда нима шарт бўлса, тиловат саждаси учун ҳам шу нарса шартдир. Чунки, сажда намоз арконларидан бири саналади. Яъни, тиловат саждасини бажараётган киши таҳоратли, кийим-боши, сажда қиласидиган ўрни пок, қиблага юзланган бўлиши лозим. Фақатгина бу ҳолда рукуъ қилинмай, такбир айтиб тўғри саждага борилади. Саждада уч маротаба “субҳана роббиyal-аъла” айтилади.

Тиловат саждасини адо этгач, қуйидаги дуо ўқилади:

سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ وَ شَقَّ سَمَعَهُ وَ بَصَرَهُ بِحَوْلِهِ وَ قُوَّتِهِ:  
 فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَكْبَرُ الْخَالقِينَ ﴿١﴾  
 رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ

“Юзим уни яратиб, куч-қувват билан кўз ва қулогини очган Зотга сажда қилди, энг гўзал Яратувчи (яъни, йўқдан бор қилгувчи бўлмиш) Аллоҳ Барокатли – Буюқдир”<sup>33</sup> (Термизий, Имом Аҳмад ва Ҳоким ривояти. Ҳоким ривоят сандини сахиҳ, деган).

### Тиловат саждасининг ҳукми ва адади

Аксарият уламолар тиловат саждасини адо этиш суннатдир, деб айтганлар. Бунга Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган сахиҳ ҳадисларни далил қилиб келтирадилар. Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ҳам: “Аллоҳ бизга саждани (яъни, тиловат саждасини) фарз қилмади, аммо хохласак қиласиз”, деган.

Лекин, Ҳанафий уламолар, хусусан Абу Ҳанифа сажда оятларида келган қатъий амрларни инобатга олиб, тиловат саждаси вожиб деган қарорга келган. Имом Шофеъий эса, мустаҳаб, деган.

Ҳақиқатан, сажда оятларининг маъноларига эътибор қаратсак, ушбу оятларда сажда қилиш буюрилган (гарчи ояти карима маъноси хабар шаклида келган бўлса ҳам, у буйруқ маъносини ифодалайди). Масалан:

وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَنِ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ طَوْعًا

وَكَرْهًا وَظَلَّلَتْهُمْ بِالْغُدُوِّ وَالْأَصَالِ ﴿١٥﴾

“Осмонлар ва ердаги барча жонзот хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, шунингдек, уларнинг соялари ҳам эртаю кеч фақат Аллоҳагина сажда қиласидар” (Раъд, 15).

وَإِذَا قَيْلَ لَهُمْ أَعْوَدُ إِلَيْهِمْ فَالْمُؤْمِنُونَ مَا الرَّحْمَنُ

أَنْسَجَدَ لِمَا تَمْرِنَا وَزَادَهُمْ نَفْرَةً ﴿٦١﴾

“Қачон (мушрикларга): “ Раҳмонга сажда қилинглар”, дейилса, улар: “Нима у Раҳмон? Сен буюрган нарсага сажда қиласверамизми!?” дейишпар ва бу (сўз) уларни янада (имондан) йироқлаштирад” (Фурқон, 60).

Юқоридаги ояти карималардан ҳам кўриниб турибидики, сажда оятидан сўнг тиловат саждасини адо этиш ҳар бири-миздан талаб қилинадиган нарсадир.

Куръони каримда тиловат саждаси оятларининг адади ўн тўртта. Мазкур сажда оятлари қуйидагилар:

- 1) Аъроф, 206; 2) Раъд, 15; 3) Нахл, 48; 4) Исро, 107;
- 5) Марям, 58; 6) Хаж, 18; 7) Фурқон, 60; 8) Намл, 25; 9) Сажда, 15; 10) Сод, 24; 11) Фуссилат, 37; 12) Нажм, 63;
- 13) Иншиқоқ, 21; 14) Алақ, 19

Куръони каримдаги уч сажда ояти борасида уламолар ихтилоф қилишган:

1. Ҳанафий мазҳабига кўра, Ҳаж сурасида битта сажда ояти бор. Шофеъийларда иккита, дейилган. Баъзилар Ҳаж сурасининг 77-оятида ҳам тиловат саждаси бор, шу билан тиловат саждасининг миқдори ўн бешта бўлади, деган фикрни беришган. Аммо, Ҳанафий уламолар мазкур оятдаги

﴿يَا يَاهَا أَلَّذِينَ عَامَنُوا أَرْكَعُوا وَأَسْجَدُوا﴾ жумласидан келиб

чиқиб, бу ерда рукуъ ва сажда бирга зикр қилинмоқда. Шу сабаб, у тиловат саждаси эмас, балки намоз ўқишга амрдир, деб айтганлар.

2. Ҳанафий олимларнинг айтишича, Сод сурасида тиловат саждаси мавжуд. Бу Шофеъийларда шукр саждаси сифатида олинган.

3. Ҳанафий мазҳабига кўра, муфассал (яъни, “Қоф”дан “Нос”гача бўлган суралар)да учта сажда ояти бор. Бу Нажм сурасининг 63-ояти, Инишиқоқ сурасининг 21-ояти ва Алақ сурасининг 19-оятларидир. Моликийлар мафассалда сажда ояти йўқ, деб айтишган.

Али розийаллоҳу анҳу айтади: “Куръони каримдаги таъкидланган сажда оятлари тўртта. Булар: “Алиф, лам, мийм танзийл...” (Сажда сурасининг 15-ояти), “ҳа мийм ас-сажда” (Фуссилат сурасининг 37-ояти), Нажм (сурасининг 63-ояти) ва “иқроъ бисми роббик” (Алақ сурасининг 19-оятлари)дир”.

### **Тиловат саждасига оид баъзи ҳукмлар**

Кимки бир ўтиришда тиловат саждасини бир неча бор ўқиса, унга бир маротаба сажда қилиши кифоя қиласди.<sup>34</sup> Чунки, Жаброил алайҳис салом Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига ваҳий олиб тушиб, сажда оятини ўқиб бергач, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни эшитиб, сингдириб олар, сўнгра саҳобаларга ўқиб берардилар. Бунинг учун бир мартағина сажда қилганлар, холос.

Абу Мусо Ашъарий розийаллоҳу анҳу ҳам болаларга Куръонни таълим бераётиб, сажда оятини кўп маротаба қайтарар, кейин бир марта сажда қиласарди.

Киши сажда оятини бир неча марта ўқиб, кейин сажда қилиши ёки бир марта ўқигач, кетидан сажда қилиб, яна ўша сажда оятини ўқигач, тиловат саждасини қилмаслиги жоиз. Чунки, бунда макон ўзгармади. Агар юриб кетаётган ҳолатида сажда оятини тиловат қилса, у ҳолда ҳар бир тиловати учун алоҳида сажда қилиш керак бўлади. Сабаби – бу ҳолатда сажда ояти ўқилаётган жой ўзгарди. Ҳар бир макон учун алоҳида сажда қилиниши зарур.

Агар улов минганд ҳолида кетаётиб сажда оятини бир неча маротаба тиловат қилса ҳам, ҳар бир тиловатига сажда қилиш лозим. Лекин, кемада кетаётиб шундай қилса, унга бир марта сажда қилиш кифоя қиласди.

Агар сажда ояти тиловат қилиниб, сўнгра орада таом ейилса, ичимлик ичилса, бирон нарсага суюниб ётилса ёки кўп

юмуш қилинса, сўнгра келиб сажда ояти яна ўқилса, иккаласи учун алоҳида сажда қилиш лозим. Чунки, мазкур ишлар билан макон ўзгарида.

Мабодо, сажда ояти тиловат қилиниб, орада бир луқма таом ейилса, бир-икки қултум сув ичилса ёки енгил ишларни оз фурсатда бажариб, яна сажда оятини тиловат қилса, бундай кишига бир марта сажда қилиш етарли бўлади.

Тиловат саждасининг вақти ҳақида тўхталағиган бўлсан, тиловат ва сажда ўртасидаги вақт чўзилиб кетмаслиги лозим. Киши сажда оятини ўқиши билан сажда қилиши талаб этилади. Агар тиловат ва сажда орасидаги вақт узайиб кетса, бу қазога ўтиб, ўз вақтидан кечиктиргани боис банда гуноҳга қолади. Шу сабаб, сажда оятларини ўқисак ёки эшитсан, дарров Аллоҳ таолога сажда қилишга шошилишимиз керак.

### **Савол ва топшириқлар:**

- 1) Тиловат саждасининг фазилати ҳақида нималарни биласиз?
- 2) Тиловат саждаси қай тарзда амалга оширилади?
- 3) Тиловат саждасининг хукмини айтинг?
- 4) Қуръони каримда нечта тиловат саждаси бор? Улар қайсилар?

## **Ўн олтинчи дарс**

### **Алоҳида қоидалар**

Танвин ҳаракати билан тутаган сўздан сўнг васлали ҳамза келса, у ҳолда сукунли “нувн” касра (“и”) ҳаракати билан ўқилади. Бу қоида қуйидаги вазиятларда юзага келади:

1. “ал” артикли олган исмдан олдин ноаниқ ҳолатдаги исм танвин билан келса. Масалан:

﴿إِنْ تَرَكَ خَيْرًا الْوَصِيَّةُ لِلَّوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبَيْنَ بِالْمَعْرُوفِ﴾  
 (хойрон + и + л-васийяту) –  
 ﴿خَيْرَنِ الْوَصِيَّةُ﴾  
 ﴿وَ أَمَّا مَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَهُ جَزَاءُ الْحُسْنَى﴾

جزائِن الْحُسْنَى ( жазааа-ан + и + л-хуснá ) –

(Фурқон, 26), ﴿اَلْمُلْكُ يَوْمَئِذٍ الْحَقُّ لِلرَّحْمَانِ﴾

يَوْمَئِذٍ الْحَقُّ (йавмаизин + и + л-хаққу) –

(Соффот, 6), ﴿إِنَّا زَيَّنَا الْسَّمَاءَ الْدُّنْيَا بِزِينَةِ الْكَوَافِرِ﴾

بِزِينَةِ الْكَوَافِرِ (бизийнатин + и + л-кавáкиб.) –

**Эслатма:** агар Ихлос сурасининг биринчи оядидаги اَحَدُ اَحَدُنَّ اللَّهُ сўзи иккинчи оядаги اَحَدُ اَحَدُنَّ اللَّهُ сўзига улаб ўқилса, “дál” деб тиловат қилинади. Агар اَحَدُ сўзида вақф қилинса, “дál” ҳарфида қалқала қилинади.

2. Васлали ҳамза бўлиб келган исм ёки феъллардан олдин танвинли исм келса. Масалан:

وَ قَالَتِ الْيَهُودُ عُزِيرٌ أَبْنُ اللَّهِ (Тавба, 30), ﴿وَ قَالَتِ الْيَهُودُ عُزِيرٌ أَبْنُ اللَّهِ﴾

عُزِيرُونِ اَبْنُ (шузайрун + и + б.ну) –

وَ نَادَى نُوحٌ اَبْنَهُ وَ كَانَ فِي مَعْزِلٍ (Худ, 42), ﴿وَ نَادَى نُوحٌ اَبْنَهُ وَ كَانَ فِي مَعْزِلٍ﴾

نُوحُنِ اَبْنَهُ (нувхун + и + б.нахув) –

يَا زَكَرِيَا إِنَّا نُبَشِّرُكَ بِعُلَامَ أَسْمَهُ يَحْيَى (Марям, 7), ﴿يَا زَكَرِيَا إِنَّا نُبَشِّرُكَ بِعُلَامَ أَسْمَهُ يَحْيَى﴾

بِعُلَامَ مِنْ اَسْمَهُ (бигулáмин + и + смухув) –

﴿فَإِنْ أَصَابَهُ خَيْرٌ أَطْمَئِنَّ بِهِ صَلِي﴾

﴿وَ إِنْ أَصَابَتْهُ فِتْنَةٌ أَنْقَلَبَ عَلَى وَجْهِهِ خَسِيرًا الْدُّنْيَا وَ الْآخِرَةُ﴾

Ушбу ояти каримада юқорида айтиб ўтилган қоидага тегишли иккита мисол келтирилган:

﴿خَيْرُنِ أَطْمَئِنَّ بِهِ ، فَتِنَّنِ أَنْقَلَبَ﴾ (Хаж, 11)

(хойрун + и + **т.ма-аңна** бих; фитнатурун + и + **и-қолаба**)

﴿وَ إِذَا رَأَوْا تِجَارَةً أَوْ لَهْوًا أَنْفَضُوا إِلَيْهَا وَ تَرَكُوكَ قَائِمًا﴾

(лахван + и + **и-фаðз-ðзуғ**) – Лехон анфасува

﴿وَ مِثْلُ كَلِمَةِ خَبِيثَةِ كَشَحَرَةِ خَبِيثَةِ أَجْتَهَتْ﴾  
﴿مِنْ فَوْقِ الْأَرْضِ﴾

(хобийсатин + и + ж.туссат) – Хабишин ажгашт

3. Нисбий олмошларнинг биридан аввал танвинли исм келса. Масалан:

﴿جَمِيعًا الَّذِي﴾ (Аъроф, 158) – Жамиен алди


(жамийбан + и + лазий) – Жамиен алди


﴿جَنَّاتٍ عَدْنٍ الَّتِي وَعَدَ الْرَّحْمَانُ عِبَادَهُ بِالْغَيْبِ﴾

(гад.нин + и + латий) – Уднин алти




Ҳафс ривоятига кўра, Қуръони каримдаги баъзи сўзларни қўйидаги тартибда ўқиш талаб этилади:

1) Фотиҳа сурасидаги  сўзи, фақат “сод” ҳарфи билан ўқилади. Ушбу сўзни бошқа ривоятларда “сийн” билан ҳам ўқишади:



**Изоҳ:** اَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ сўзи, аслида اَلصِّرَاطُ шаклида бўлиб, ал-Фарронинг айтишича, Қурайш қабиласининг тилида ушбу сўз “сод” билан ишлатилади. Лекин, арабларнинг аксарият қисми уни “сийн” билан ўқишади. (Лисанул-ароб, 3-жузъ, 1993-бет.)

Мазкур сўзни Ибн Касир, Нофеъ, Абу Амр, Ибн Омир, Осим ва Кисоийлар “сод” билан, Яъқуб<sup>35</sup> эса, “сийн” билан ўқиган. Бунинг сабабини у қўйидагича изоҳлайди: “Ушбу сўздаги “сод”, аслида “сийн” бўлиб, у “то”нинг таъсирида истеъло ҳарфига айланган. Чунки, уларнинг маҳражи бирбирига яқин”. Жавҳарий  сўзини шаклларида ҳам қўллаш мумкинligини айтган. (Лисанул-ароб, 4-жузъ, 2432-бет.)

2) Агар алифнинг устига сукунга ўхшаш думалоқ белги қўйилган бўлса, у агар ўзидан кейинги сўзга қўшилса, алифсиз, мазкур сўзда вақф қилинса, бир алиф микдорида мад билан вақф қилиш лозимligини англатади. Масалан:

Биринчи мисол ( Юсуф, 45):

وَقَالَ اللَّهُمَّ بِحَمْمَاهُ وَأَذْكُرْ بَعْدَ أَمْمَةٍ أَنَا أَنْتَ كُمْ

٤٤١٧٠

Иккинчи мисол (Кахф, 38):

لَكَنَّا هُوَ اللَّهُ رَبِّيْ وَلَا أَشْرِكُ بِرَبِّيْ أَحَدًا

٣٨٠

Учинчи мисол (Аҳзоб, 10):

إِذْ أَغَتَ الْأَبْصَرُ وَلَمْ يَلْعَمْ الْقُلُوبُ الْخَاطِئُونَ  
وَتَظْهَرُوا لِلَّهِ الظُّنُونُ

Мисолнинг ўқилиши:

1. Вақф қилинганда: وَ تَظْهَرُوا لِلَّهِ الظُّنُونُ

2. Улаб ўқилганда: وَ تَظْهَرُوا لِلَّهِ الظُّنُونُ هُنَالِكَ أَبْتُلَى ...

Тўртинчи мисол (Аҳзоб, 66):

يَوْمَ تَقَبَّلُ وُجُوهُهُمْ فِي النَّارِ يَقُولُونَ يَنِيَّتَنَا أَطْعَنَاهُ اللَّهُ  
وَأَطْعَنَاهُ الرَّسُولُ

Мисолнинг ўқилиши:

1. Вақф қилинганда: أَطْعَنَاهُ اللَّهُ وَ أَطْعَنَاهُ الرَّسُولُ

2. Улаб ўқилганда:

وَ أَطْعَنَاهُ الرَّسُولُ وَ قَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطْعَنَاهُ سَادَتَنَا ...

Бешинчи мисол (Аҳзоб, 67):

وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطْعَنَاهُ سَادَتَنَا وَ كَذَّبَنَا  
فَأَضَلُّوْنَا السَّبِيلَأً  
رَبَّنَا إِنَّهُمْ ضَعْفَينَ مِنَ الْعَذَابِ

Мисолнинг ўқилиши:

1. Вақф қилинганда: فَأَضَلُّوْنَا السَّبِيلَأً

2. Улаб ўқилганда:

فَأَضَلُّوْنَا السَّبِيلَأً رَبَّنَا إِنَّهُمْ ضَعْفَينَ مِنَ الْعَذَابِ ...

Олтинчи мисол (Инсон, 4):

إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلْكُفَّارِ سَلَاسِلًا وَأَغْلَلَّا وَسَعَيرًا

Оятнинг ўқилиши:

إِنَّا أَعْتَدْنَا لِكُفَّارِينَ سَلَاسِلَ وَ أَغْلَالَ وَ سَعِيرًا

Агар **سَلَاسِلٌ** сўзи ўзидан кейинги сўзга улаб ўқилса,

“лом”нинг ҳаракати танвансиз фатҳа бўлади. Буни юқоридаги мисолда кўриб ўтдик.

Агар ушбу сўзда вақф қилинса, икки хил усулда ўқилиши мумкин:

a) “Лом”да алиф билан вақф қилиш:

سَلَاسِلًا – **“саласила”**

b) “Лом”да сукун билан вақф қилиш:

سَلَاسِلٍ – **“саласил”**

Еттинчи мисол (Инсон, 15-16):

وَيُطَافُ عَلَيْهِمْ بِأَنِيمَةٍ  
مِنْ فِضَّةٍ رَأَكَوْبَ كَانَتْ قَوَارِيرًا ﴿١٦﴾ قَوَارِيرًا مِنْ فِضَّةٍ قَدَرُوهَا نَقْدِيرًا

Мисолнинг ўқилиши:

\* وَ يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِأَنِيمَةٍ فَضَّتُوا أَكْوَابِنَ كَانَتْ قَوَارِيرًا  
قَوَارِيرًا مِنْ فِضَّتِنَ قَدَرُوهَا تَقْدِيرًا

3) Ҳуд сурасининг 41-оятидаги **رó** сўзидаги “ró” ҳарфи **имола** қилиб, яъни фатҳадан касрага, “алиф”дан “йá”га мойил қилиб<sup>36</sup>, “маж.рéхá” деб ўқилади (a – i = e):

وَقَالَ أَرْكَبُوا  
فِيهَا إِسْحَاقَ اللَّهَ بَحْرَهَا وَمُرْسَهَا إِنَّ رَبِّي لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ

4) Ҳафс ривоятига кўра, Фуссилат сурасининг 44-оятидаги сўзи тасҳил қилиниб, **أَعْجَمِيٌّ** (“*a-aḍżsamīy-*”-йун”) тарзida ўқилади:

وَلَوْ جَعَنَهُ قُرَاءً أَعْجَمِيًّا لَقَالُوا لَوْلَا فَضْلَتْ إِذْنَهُ  
أَعْجَمِيٌّ وَعَرَبِيٌّ

5) Бақара сурасидаги **بَصَطَةٌ** ва Аъроф сурасидаги **بَصَطُ** сўзларида “сад” ҳарфининг устига кичик “сийн” ҳарфи қўйилган. Бу мазкур сўзлардаги “сад”ни “сийн” қилиб ўқиш лозимлигини англатади.

Биринчи мисол (Бақара, 245):

وَالَّهُ يَقْبِضُ وَيَبْصُطُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ (٢٤٥)

Иккинчи мисол (Аъроф, 69):

وَأَذْكُرُوا إِذْ جَعَلْنَاكُمْ خُلَفَاءَ مِنْ بَعْدِ قَوْمٍ نُوحٍ وَزَادُوكُمْ  
فِي الْخُلُقِ بَصَطَةً

Агар “сад”нинг остига кичик “сийн” ҳарфи қўйилган бўлса, бу ўша ҳарфни ҳам “сад”, ҳам “сийн” қилиб ўқиш жоизлигини билдиради. Бундай сўз Тур сурасининг 37-оятида келган:

أَمْ عِنْدَهُمْ خَرَائِينَ رَبِّكَ أَمْ هُمُ الْمُصَيْطِرُونَ (٣٧)

Оятнинг охирида келган сўзни **الْمُصَيْطِرُونَ** (“мусойтиру-ууувин”) ёки “сийн” билан **الْمُسَيْطِرُونَ** (“мусайтирууувин”), деб ўқиш мумкин.

Фошия сурасининг 22-оятидаги **بِمُصَيْطِرٍ** сўзи фақатгина “сад” ҳарфи билан талаффуз қилинади:

لَسْتَ عَلَيْهِمْ بِمُصَيْطِرٍ (٢٢)

6) Намл сурасининг 36-оятидаги сўзи қуйидаги кўринишга эга:

## Тажвид қоидалари

1. Агар ушбу сўз ўзидан кейинги сўзга қўшиб ўқилса, “йá”нинг ҳаракати фатҳа олади:

“фамá áтáнийаллóху” – فَمَا آتَانِيَ اللَّهُ

2. Агар мазкур сўзда вақф қилинса, икки хил усулда ўқила-ди:

a) “Нувн”га “йа”ни қўшиб ўқиш:

“фамá áтáни” – فَمَا آتَانِي

b) “Йа”ни тушириб ўқиш:

“фамá áтaaaан” – فَمَا آتَان

Энди, ушбу қоидага мувофиқ ояти каримани ўқишга ҳара-кат қилинг:

فَلَمَّا جَاءَ سُلَيْمَنَ قَالَ أَتَيْدُونَ بِمَا إِلَيْهِ أَتَيْنَا لَهُ خَيْرٌ مِّمَّا

أَتَنَّكُمْ بِلَمْ أَنْتُمْ بِهِ يَعْلَمُونَ ﴿٣٦﴾

7) Ҳужурот сурасидаги ﴿الإِسْمُ﴾ сўзи ушбу сўздан бош-лаб ўқилганда, қуйидагича кўриниш касб этади:

1. “Ҳамза”ни фатҳа, “лом”ни касра ва “сийн”ни сукун қилиб ўқиш:

﴿الإِسْمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَان﴾

“алисмул-фусувқу баъдал-иймаааан”

2. Васлали ҳамзани тушириб қолиб, “лом”ни касра, “сийн”-ни сукун қилиб ўқиш:

﴿الإِسْمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَان﴾

“лисмул-фусувқу баъдал-иймаааан”

Ушбу икки ҳолатда “лом”дан кейин ҳамза мавжуд эмас.

Агар ﴿الإِسْمُ﴾ сўзи ўзидан олдинги сўзга қўшиб ўқилса, қуйидагича бўлади:

﴿بِئْسَ أَلَا سُمُّ الْفُسُوقُ بَعْدَ إِلَيْمَانٍ﴾

“біңса лисмұл-фусувқу ба<sup>з</sup>дал-иімсааан”

8) Рум сурасининг 54-оятида келган ضعف феълидан ясалған уч сүздаги “дзод”нинг ҳаракатини ҳам фатҳа, ҳам замма билан, яни ضعف ёки ضعف тарзида ўқиш мүмкін<sup>37</sup>:

﴿أَللَّهُ الَّذِي خَلَقَكُم مِّنْ ضَعْفٍ ثُمَّ جَعَلَ مِنْ بَعْدِ ضَعْفٍ

﴿قُوَّةً ثُمَّ جَعَلَ مِنْ بَعْدِ قُوَّةٍ ضَعْفًا وَشَيْءًا﴾

9) Қуйидаги сўзлар агар қўшиб ўқилса, “нувн” билан, вақф қилинса, “алиф” билан ўқилади:

а) Юсуф сурасининг 32-оятидаги ﴿لِيَكُونَا﴾ сўзи. Агар қўшиб ўқилса “лайакувнам...” деб ўзидан кейинги “мийм”га идғом қилинади. Ушбу сўзда вақф қилинса “лайакувнá”, деб тўхталинади. Нафас ростлангач, яна ўша услубда ўқилади, яни “лайакувнам...” деб ўзидан кейин келаётган “мийм”га идғом қилинади. Мисолни кўрсатилган тартибда ўқишга ҳаракат қилиб кўринг:

﴿وَلَيْلَنْ لَمْ يَفْعَلْ مَا مَاءَ اُمُرُّ، لِيَسْجُنَ وَلَيَكُونَأَمِنَ الصَّغِيرَيْنَ﴾

б) Алақ сурасининг 15-оятидаги ﴿لَنْسَفَعًا﴾ сўзи. Агар мазкур сўз улаб ўқилса, ўзидан сўнг келаётган “бá” ҳарфига иқлоб қилинади ва “ланасфа-зам-бин-насийаҳ” тарзида ўқилади. Ушбу сўзда вақф қилинган ҳолатда, “ланасфа-бá”, деб тўхтаб, кейин ушбу сўз яна такрорланиб, оятнинг охирига-ча яқунланади:

﴿كَلَّا لَيْلَنْ لَمْ يَنْتَهِ لَنْسَفَعًا بِالنَّاصِيَةِ﴾

с) Исро сурасининг 76-оятидаги ﴿إِذَا﴾ сўзи. Ушбу сўз ҳам худди юқорида келтирилган мисолларда кўрсатилган тартибда ўқиласи:

وَإِنْ كَادُوا لِيَسْتَفِرُونَ فَمِنْهَا  
وَإِذَا لَا يَبْشُرُكَ خَلَفَكَ إِلَّا قَلِيلًا

Бу ерда “ва ип-кадув лайастафиззувнака минал-ардзи ли-йухрижувка минҳа ва иза (деб вақф қилинса, ушбу сўз яна тақрорланади) ва изал-ла йалбасувна хилáфака иллá қолиийлá”.

10) Мурсалот сурасининг 36-оятидаги ﴿نَخْلُقْكُمْ﴾ сўзининг ўқилиши борасида икки хил фикр бор:

1. “Қоф” ҳарфини “каф”нинг ичига тўлиқ идғом қилиш. Бунда “қоф”нинг хусусияти буткул йўқолади.

2. “Қоф”ни “каф”нинг ичига ноқис (ярим) идғом қилиш. Бунда “қоф”нинг истеъололик сифати қолиб, қалқалалик хусусияти йўқолади.

Имом Ибн Жазарий “Китабут-тамҳийд”да ушбу икки ҳарфни бир-бирига тўлиқ идғом қилиш афзал<sup>38</sup>, деган фикрни билдирган.

Энди, мазкур ояти каримани икки хил усулда ўқиб кўринг:

أَلَّا نَخْلُقَ كُمْ مِّنْ مَاءٍ مَّهِينٍ

### Савол ва топшириқлар:

1) Агар сўзининг охри танвинлар (танвин фатҳа, танвин замма ва танвин касралар) билан тугаб, унинг кетидан “ал” аниқлик артикли олган сўз ёки васлали ҳамза билан келган феъл бўлса, у ҳолда буни қандай ўқиш мумкин. Мисоллар келтиринг.

2) Агар сод ҳарфининг усти ёки остига сийн ҳарфи қўйилган бўлса, уни қандай ўқиласи?

3) Қўйида келтириладиган мисоллардаги маълум сўз ва жумлаларнинг ўқилишини эсланг. Уларнинг қай тартибда ўқилишига эътибор беринг!

## Тажвид қоидалари

Биринчи мисол:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَيَصُدُونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَالْمَسْجِدِ  
الْحَرَامِ الَّذِي جَعَلْنَا لِلتَّائِسِ سَوَاءَ الْعَكْفُ فِيهِ وَالْبَادُ

Иккинчи мисол:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِنَّ هَذَا إِلَّا آفَاقُ أَفْرَانِهِ  
وَأَعْانَهُ عَلَيْهِ قَوْمٌ أَخْرُونَ فَقَدْ جَاءُهُ وَظُلِمُوا زُورًا

Учинчи мисол:

يُضَعَّفَ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَيَخْلُدُ فِيهِ مُهَكَّمًا ﴿١١﴾

Тўртинчи мисол:

فَمَنْ تَكَثَ فَإِنَّمَا يَنْكُثُ عَلَى نَفْسِهِ وَمَنْ أَوْفَ بِمَا عَاهَدَ عَلَيْهِ  
اللَّهُ فَسَيُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١٢﴾

Бешинчи мисол:

وَقَالَ أَرْكَبُوا  
فِيهَا سِرِّ اللَّهِ بَعْرِدَهَا وَمَرْسَهَا إِنَّ رَبِّ الْغَفُورِ رَحِيمٌ ﴿١٣﴾

Олтинчи мисол:

قَالَ أَوْدُعُ لَنَارَيْكَ يُبَيِّنَ لَنَا مَا لَوْنَهَا قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ  
إِنَّهَا بَقَرَةٌ صَفْرَاءٌ فَاقْعُ لَوْنَهَا أَسْرُ الْنَّذِيرِينَ ﴿١٤﴾

## Қуръони карим ҳақида умумий маълумот

Қуръони карим Рамазон ойининг Лайлатул қадр кечасида нозил қилинган. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар қиласди:

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْفُرْقَانُ  
هُدَىٰ لِلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ

“(У саноқли күнлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят ва Фурқон (ҳақ билан ботилни ажратувчи)нинг очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинди” (Бақара, 185).

حَمْ وَالْكِتَابُ الْمُبِينُ ﴿١﴾ إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةٍ  
مُّبَرَّكَةٍ إِنَّا كَانَ مُنْذِرِينَ ﴿٢﴾

**“Ха, мийм. Очиқ-равшан китоб – Куръонга қасамки, ал-батта Биз уни бир муборак-барокатли кечада нозил қилдик. Дарҳақиқат, Биз (инсонларни ушбу Куръон билан Охират азобидан) огоҳлантиргувчи бўлдик”** (Духон, 1-3).

Духон сурасининг 1-3 оятлари тафсирида қуидаги фикр келтирилган: “Ушбу оятда Аллоҳ таоло Куръони каримни муборак кечада, яъни Лайлутул қадр кечасида нозил қилгани ҳақида хабар бермоқда” (Ибн Касир тафсири, 4-жузъ, 148-бет).

Бу маъно қуидаги оятда ҳам таъкидланган:

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةٍ الْقَدْرِ ﴿١﴾

**“Албатта Биз у (Куръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик”** (Қадр, 1).

Мазкур оятларнинг маъноси шуки, Куръони карим Лайлутул қадр кечасида Аллоҳ таоло даргоҳидан дунё осмонига нозил қилинган. Кейин йигирма уч йил давомида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга секин-аста, босқичмабосқич туширилган.

Илк бора нозил қилинган оят Алақ сурасининг аввалги оятлари эди.

Куръони каримда 114 сура, 6236 оят ва 323671 ҳарф мавжуд.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий тушар экан, маҳсус котиблар уни доимий тарзда у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг имло ва кўрсатмаларига биноан текис хурмо шоҳлари, ҳайвон суюклари ёки варақ, тери, мато ва шунга ўхшаш нарсаларга ёзиб борар эдилар. Уларнинг энг аввалида Зайд ибн Собит, тўрт хулафои рошидийн ва Муовия ибн Абу Суфён розийаллоҳу анҳумлар туришарди. Шу билан бирга Аллоҳнинг муқаддас Каломи саҳобаи киромлар қалбларига ҳам муҳрланиб борарди.

Саҳобалар ичидағи энг машҳур қорилардан Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Мусо ал-Ашъарий, Муоз ибн Жабал ва Абу Ҳузайфанинг мавлоси

Солим розийаллоҳу анҳұмларни мисол қилиб көлтириш мүмкін.

Илк бора Қуръони каримни мұсқаф ҳолида жамлаган зот Абу Бакр Сиддик розийаллоҳу анҳұмдир. Сүнгра ундан Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳұ олти мұсқафни күчирма қылдирған ва бу нұсха Мұсқафи Усмоний номи билан машхұр бўлган.

Қуръони карим Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида етти ҳизбга ажратилган:

Биринчи—ҳизб Фотиҳа, Бақара, Оли Имрон ва Нисо суралари;

Иккинчи—ҳизб “Моида”дан “Тавба”гача бўлган суралар;  
Учинчи ҳизб—“Юнус”дан “Наҳл”гача бўлган суралар;  
Тўртинчи ҳизб—“Исрө”дан “Фурқон”гача бўлган суралар;  
Бешинчи ҳизб—“Шуаро”дан “Ёсин”гача бўлган суралар;  
Олтинчи ҳизб—“Соффот”дан “Ҳужурот”гача бўлган суралар;

Еттинчи ҳизб—“Қоф”дан “Нос”гача бўлган суралар. Еттинчи ҳизбга кирувчи суралар “ҳизбул-муфассал” ёки “муфассал” дейилади.

Қуръон ўттиз жузъ (пора)га, ўз навбатида ҳар бир жузъ икки ҳизбга бўлинади. Демак, Қуръон олтмиш ҳизбдан иборат. Ҳар бир ҳизб эса тўрт қисмга бўлинади. Яъни, Қуръон икки юз қирқ қисмдан иборатдир.

### **Қуръон тиловати одоблари**

- Қуръони каримни тиловат қилувчи киши аввало таҳорат олиши шарт. (Бу ерда Қуръони каримни қўлга олиб ўқиш ҳақида гап кетмоқда. Оғзаки тиловат учун таҳоратли бўлиш шарт эмас);

- Тиловатни бошламасдан аввал тааввуз айтиш мустаҳаб амаллардандир;

- Ҳар бир сура бошида, хусусан Фотиҳа сурасидан олдин басмалани айтиш суннат ҳисобланади.

Баъзилар бирон сурани бошидан бошласаларгина басмалани айтиб, суранинг ўргасидан тиловат қилғанларида уни тарқ қиладилар. Аслида, ҳар қандай ҳолатда басмалани айтиб, сүнгра қироат қилиш афзал;

– Куръон ўқувчи қори ва уни эшитувчилар хушуъ ҳамда одобни сақлай билишлари талаб этилади. Тиловат пайтида гаплашиш, овозни баланд кўтариб, шовқин-сурон солиш мумкин эмас;

– Киши қироатда ҳар хил нафма ва оҳанглардан сақланган ҳолда имкони борича овозини чиройли қилишга ҳаракат қиласди. Қўшиққа ўхшатиб, Куръонни бирон оҳангга солиш қатъиян ман қилинади;

– Куръонни ўқигандага ёки эшитганда, киши иложи борича унинг маъноларини фаҳмлашга, тадаббур қилишга ҳаракат қиссин. Чунки, Аллоҳ таоло шундай хитоб қиласди:

﴿ أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ الْقُرْآنَ ﴾

“Ахир улар Куръонни тадаббур қилмайдиларми?!” (Нисо, 82);

– Куръонни ўқувчи доимо унга амал қилиши, Куръонга хилоф бўлган хатти-ҳаракатларни содир этишдан тийилиши керак. Акс ҳолда, Куръон Охират куни банданинг зарарига гувоҳлик беради. Салафларнинг баъзилари: “Куръон ўқувчилар ичидаги шундай кишилар борки, Куръон уларни лаънатлайди (яъни, Куръонни ўқиб, унга амал қилмаганликлари боис Куръон уларга лаънат айтади)”, дейишган;

– Суннатга мувофиқ ҳар куни бир порадан ўқиш яхши одатлардандир. Агар бунга қодир бўлмаса ҳар куни ўн оятдан ўқиса ҳам бўлади. Шунда у ғоғиллар қаторидан чиқади. Кечаси Бақара сурасининг охирги икки оятини ўқиш ҳам банда учун кифоя қиласди. Бу ҳақида сахих ҳадислар ворид бўлган;

– Куръонни бошидан охиригача тўлиқ ўқиб чиққач, ўзи хоҳлаган нарсани Аллоҳ таолога дуо-илтижо қилиб сўрайди. Бунда оила аъзолар ҳам қатнашсалар яхши. Чунки, мазкур пайт дуолар қабул бўладиган вақтлардандир;

– Куръон ўқувчи уни фақатгина Аллоҳнинг розилиги учун тиловат қилиши лозим. Куръони каримни тиловат қилиш энг буюк ибодат. Барча ибодатлар Яккаю Ёлғиз Аллоҳ таоло учун қилинади. Қироати билан риё қилгувчи қориларга ҳадиси шарифларда қаттиқ ваиййлар қилинган. Шу сабаб ҳам, банда риё ва сумъя (одамлар эшитсин, деб амал қилиш)дан буткул четланиши керак;

## *Тажвид қоидалари*

— Қуръон ҳақида тортишиш ва жанжаллашиш қаттиқ ҳаром қилингандай. Агар кишига қироат асносида бирон оят ёки сўз тушунарсиз бўлиб қолса, у китобларга ёки уламоларга мурожаат этиб, унинг ечимини топади. Агар икки киши Қуръон ҳақида тортишиб қолса, дарров ушбу баҳсни тўхтатсинлар. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қуръон ҳақида тортишманглар. Чунки, у ҳақида тортишиш куфрдир” (Имом Аҳмад ривояти), дея барчаларимизни сергак бўлишга чақирганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна шундай деганлар: “Қуръонни қалбларингиз унга ошно (ёки мойил) бўлган ҳолингизда ўқинглар. Агар унда бирон ихтилофга дуч келсангиз, бас, дарров қироатни тўхтатинглар” (Бухорий ривояти);

Күръони каримни тиловат қилиш одоблари ҳақида “Күръони карим фазилати ва одоблари” номли китобимизда батафсил түхталағанмиз. Бу ерда фақатгина энг зарур одоблар санаң үтилди.

## Қироат турлари

Киши Қуръони каримни уч хил услубда ўқиши мумкин.  
Булар: тартыл, тадвир ва ҳадр.

**Тартыл** – Куръони каримни шошмай, ҳарфларини дона-дона қилиб, оятылар маъносини тадаббур қилган ҳолда, тажвид қоидаларига риоя қилиб ўқиш. Тартыл энг яхши қироат тури саналади. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга Куръони каримни худди мана шундай қилиб ўқишини амр қилган: “...ва Куръонни тартыл билан тиловат қилинг!” (Муззаммил, 4.)

Тартилда мадларнинг чўзилиш микдори қўйидагича:

1. Лозим мад ва лийн лозим мад – олти ҳаракат;
  2. Муттасил мад – беш ҳаракат;
  3. Мунфасил мад – беш ҳаракат;
  4. Ориз мад ва лийн ориз мад – олти ҳаракат;
  5. Табиий ва бадал мад – икки ҳаракат.

**Тадвир** – тажвид қоидаларига амал қылган ҳолда Қуръони каримни ўртача тезликда ўқиши. У афзаликта тартылдан кейинги ўринда тұради.

Тадвирда мадларнинг чўзилиш микдори қуидагича:

1. Лозим мад ва лийн лозим мад – олти харакат;

## Тажвид қоидалари

2. Муттасил мад – тўрт ҳаракат;
3. Мунфасил мад – тўрт ҳаракат;
4. Ориз мад ва лийн ориз мад – тўрт ҳаракат;
5. Табиий ва бадал мад – икки ҳаракат.

**Ҳадр** – тажвид қоидаларига амал қилган ҳолда Қуръони каримни тез ўқиши.

Ҳадрда мадларнинг чўзилиш миқдори қуидагича:

1. Лозим мад ва лийн лозим мад – олти ҳаракат;
2. Муттасил мад – тўрт ҳаракат;
3. Мунфасил мад – икки ҳаракат;
4. Ориз мад ва лийн ориз мад – икки ҳаракат;
5. Табиий ва бадал мад – икки ҳаракат.

Киши ушбу қироат турларидан қайсинасини маъқул кўрса, ўша бўйича Қуръони каримни тиловат қилиши мумкин. Тажвид илми уламолари қироатнинг тўртинчи тури сифатида **таҳқиқни** келтирадилар. Бу Қуръонни тартилдан ҳам секинроқ ўқишидир. Мазкур услуб Қуръони каримни таълим беришда қўл келади. Лекин, шуни унутмаслик керакки, таҳқиқ билан ўқишида ҳаракатларни ўз миқдоридан ортиқча чўзиш ҳамда ифратга йўл қўйишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

## Тажвид ўрганувчилар учун фойдали маслаҳатлар

Тажвид илмини ўзлаштиришда энг биринчи босқич киши нутқини арабий ҳарфлар талаффузига ўргатишидир. Ҳарфлар талаффузини тўлиқ ўзлаштиргач, кейин секин-аста қироат қоидалари ўрганилади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, киши ҳарфларни тўғри талаффуз қилмаса, у ҳолда унинг намози ҳам, намоздан ташқаридаги қироати ҳам дуруст бўлмайди. Банда тўғри ўқишига қодир бўла туриб, ҳарфларни нотўғри талаффуз қилса ёки оҳангга солиб, хато қироат қилса, бунинг учун гуноҳкор бўлади.

Тажвид илмини ўрганиш зарурати намозни адo этиш ва мўмин банда Қуръонни доимо тиловат қилиб юриши лозимлигидан келиб чиққандир. Зоро, тажвидсиз намозни рисоладагидек ўқиши мумкин эмас. Шу сабаб, ҳар бир мўмин

банда ўз имконияти даражасида ушбу илмни ўзлаштиришга қаттиқ жудду жаҳд қилиши керак<sup>39</sup>.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тажвид илмидаги энг биринчи босқич – ҳарфларнинг маҳражлари ва талаффузини мукаммал ўзлаштириш, тилни унга ўргатишдир. Шу йўл билан баъзи ўхшаш ҳарфлар орасидаги фарқлар кўзга ташланади, уларни бир-биридан ажратиш осонлашади.

Иккинчи босқич – нутқнинг фасоҳати билан боғлиқ. Бу, аввало ҳарфларни соғ арабий усулда талаффуз қилиш ҳамда идғом, ихфо, мад, тарқиқ, тафхим ва шу каби қоидаларни амалда қўллаш билан бўлади.

Сўнгги босқич – тажвид илмини мукаммал эгаллаган, моҳир қорилар босқичи. Бу нарса вақф аломатларини билиш ва оятлар маъносига қараб тиловат қилишда намоён бўлади.

Куръонни мукаммал ўқишига ёрдам берадиган нарсалардан бири, аввалимбор, қироат илмидан дарс қилишдир. Агар киши қироат илмини яхши эгаллаган бўлса, унинг учун тажвид илмини ўзлаштириш нисбатан осон кечади. Жумладан, биз сизларга тақдим қилаётган ушбу китобни яхши ўзлаштириш учун ҳам араб тилидан хабардор бўлиш талаб этилади. Ҳозирги пайтда бизда “Муаллимус-соний”, “Мабдаул-қироат” ва “Шифоҳийя” каби ўқишига китоблари мавжуд. Агар мазкур китоблар аввал ўқиб тугатилгандан сўнг тажвид илмига киришилса, бу нарса кишига фақатгина енгиллик тудиради. Айниқса, “Шифоҳийя” китоби жуда ҳам фойдали.

Тажвид илмини ўрганишда инсондан талаб қилинадиган асосий нарса доимо, муттасил равища нутқи ва талаффузини яхшилашга қаратилган маҳсус машқларни бажариб юришидир. Шу йўл билан у мукаммал қироат қилиш дараҷасига эришади.

Куръон ўқишини ўрганишга мосланган машқлар икки хил усулда олиб борилиши мумкин:

1) Тўғри ўқилган қироатни эшитиш. Бунда у моҳир қориларнинг бирига қулоқ тутади ҳамда Мусҳафга қараб, унинг кетидан сўзма-сўз кузатиб боради ва унга тақлид қилиб, ҳарфларни рисоладагидек талаффуз қилишга ҳаракат қилади. Мисол тариқасида, машҳур мужаввид қорилардан ҳисоб-

## Тажвид қоидалари

ланмиш Халил Ҳусорий, Миншавий, Абдулбосит ва Али ибн Абдурроҳман ал-Ҳузайфийларнинг қироатини олиш мумкин. Чунки, мазкур қорилар (айниқса ал-Ҳузайфий) бошқаларга қараганда тажвид илмига алоҳида эътибор берган ҳолда тиловат қиласидилар. Аллоҳга ҳамдлар айтамиз, бизда ушбу қориларнинг тиловати ёзилган диск ва кассеталар мавжуд. Бундан ташқари, Қуръони карим тиловатини ўргатувчи маҳсус электрон дарслклар ёки устоз-шогирд машғулотлари ҳам диск ва кассеталар шаклида чиқарилган. Ана ўшаларни олиб, фойдаланиш мумкин<sup>40</sup>;

2) Ҳарфларни қандай талаффуз қилинишини ўзлаштиргач, уни янада мукаммалроқ бажаришга ҳаракат қилиб, мунтазам шу нарса устида шуғулланиш. Бунда тилга қийин бўлган ҳарфлар, бирон жумла ёки оятни алоҳида қофозга ёзиб олиб, уларни кўпроқ талаффуз қилиш ва такрорлаш ҳам яхши натижа беради. Машқлар давомида кишининг тили тиловатга келишмаслиги, қийинчиликка учраши табиий, албатта. Ана шундай ҳолларда мўмин банда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Тили қийналиб ўқувчига икки баробар кўп ажр берилади” деган ҳадисларини эсга олса, қалбидаги таскинлик топиб, шижоати яна ошади. Шунингдек, агар тил қироатга келишмаса, Мусо алайҳиссаломнинг қийидаги дуосини ўқиш ҳам яхши натижа беради:

قَالَ رَبِّ أَشْرَحَ لِي صَدَرِيٌّ وَسَرَلِيٌّ أَمْرِيٌّ  
وَأَحَلَّ عَفْدَهُ مِنْ لِسَانِيٍّ يَفْعَهُوا فَوْلِيٍّ

**“Парвардигорим, Ўзинг қалбимни кенг қилгин. Ишимни осон қилгин. Тилимдан тутунни-дудуқликни ечиб юборгин. (Токи қавмим) сўзимни англасинлар”** (Тоҳа, 25-28).

Лекин, тилим қироатга ҳеч келишмаяпти, деб ҳар хил баҳоналар қилиш, тажвид илмига беэътибор бўлиш яхши эмас. Чунки, Аллоҳ таоло айтади:

وَلَقَدْ يَسَرَنَا الْقُرْءَانَ لِلَّذِي كَرِفَهُلْ مِنْ مُذَكَّرِ

**“Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олувчи борми?”** (Қамар, 17, 22, 40).

Банда ниятини поклаб, ихлос билан тажвид илмини эгаллашга киришса ва Аллоҳга дуо қилиб, унга осон қилишини сўраса, албатта Аллоҳ бу банданинг йўлини енгил қиласди, уни Куръонни тўғри ўқишиликка муваффақ этади, қулфи дилини очади. Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг Каломини тўғри ва тажвид қоидаларига мос ҳолда тиловат қилиб, унга чиройли амал қиласдиган бандалардан қилсин!

Охири дуойимиз шуки, ҳамду санолар Оламлар Рабби – Аллоҳ таологагина хосдир, Пайгамбаримиз Мұхаммадга, У кишининг аҳли оиласлари ва саҳобаи киромларига салавот ва саломлар бўлсин!

## Изоҳлар

<sup>1</sup>Куръони карим Аллоҳ таоло томонидан тажвидли ҳолида нозил қилингани ҳаммамизга маълум. Бу ерда тажвиднинг илм сифатида дунёга келишига сабаб бўлган кишилар ҳақида сўз кетмоқда.

<sup>2</sup>Доктор Мұхаммад Рашод Халифа, “Ал-қироатул-мутаватиро”, 36-бет.

<sup>3</sup>Бу ерда Умар розийаллоҳу анхунинг шижаати, мункар ишларга қаттиқ қарши туриши ва исломни соф ҳолида сақлашга қилган жудду жаҳди яққол ифодаланмоқда. У киши Ҳишомнинг қироатини эшитиб, у Куръонни нотўғри ўқияпти, деб бунинг олдини олмоқчи бўлган.

<sup>4</sup>Яъни, қайси услубни осон, деб билсангиз, ўша услубда ўқинг, дедилар.

<sup>5</sup>Араб тилидаги исм (яъни, от, сифат, сон, олмош) ва феъллар ўзбек тилидагидан фарқли ўлароқ бирлик, иккилик ва қўплик сонда бўлади. Ўзбек тилида эса, иккилик сон мавжуд эмас.

<sup>6</sup>Шайх Қозий, “Китабул-вофий”, 7-бет.

<sup>7</sup>Ўша манба, 7-8 бетлар.

<sup>8</sup>“Мушофаҳа” арабча сўз бўлиб, “юзма-юз гаплашмоқ; сўз ёки гапни бирон кишининг оғзидан эшитмоқ” каби маъноларни ифодалайди. Куръони каримни мушофаҳа йўли билан таълим олиш эса, ҳар бир оятнинг ўқилишини устоз оғзидан эшитиб, сўнг уни ёд олишни англатади.

<sup>9</sup>“Тарихул-қурроил-ъашр ва ривайатухум”, Шайх Абдулфаттоҳ Қози.

<sup>10</sup>Бу ҳақида Куръони каримда шундай дейилган:

فَلَنَّا لَهُ رُوحُ الْمَدْسِ مِنْ زَيْلَكَ بِالْحَقِّ لِيُثَبَّتَ  
الَّذِي كَمَا مَأْمَوْا وَهُدَى وَلَيُشَرِّعَ لِلْمُسْلِمِينَ

## Тажвид қоидалари

“(Эй Мұхаммад, уларга) у (Куръон)ни Руҳул-Қудус (яңни, Жаброил) Парвардигорингиз тарафидан имон келтирған зотларни событқадам құлиш учун, мусулмонларга Ҳідоят ва Хүшхабар қылыш ҳаққи-рост нозил қылганини айтинг!” (Наұл, 102).

<sup>11</sup>Күйіда келтириладиган мисолларнинг ўқилиши фақатгина ўқувчиларимизга, түгрироғи, тажвид илмини янги бошловчиларға бир оз бўлса-да, енгиллик, осонлик туғдириш мақсадида берилди. Лекин, шуни ҳам унутмаслик лозимки, бунда айнан ўша ҳарфлар воситасида берилган транскрипцияларга суюниб қолмаслик керак. Аслида, Куръони карим оят ва сураларининг ўқилишини кирилл ёки бошқа ҳарфлар орқали ифодалаш қатъян мумкин эмас. Чунки, бошқа тилдаги ҳарфлар орқали араб тилидаги барча ҳарфларни (масалан, ظ، ض، ص، ط ва шу кабиларни) ифодалашнинг имкони йўқ. Бу ҳақда маҳсус китоблар ҳам таълиф этилган. Масалан, Солиҳ Али ал-Авднинг “Таҳрийму китабатил қуръанил қарийм бихуруфин гойри аробиййа ав латиниййа” номли китоби шу мавзуга багишиланган. Яна таъкидлаб айтамизки, келтирилган мисолларнинг ўқилиши бошловчилар учун қулайлик туғдириш, уларга бир оз бўлса-да, енгиллик яратиш учунгина берилди, холос. Илтимосимиз шуки, арабча саводи бор кишилар бу нарсага эътибор бермай, соғ арабий ҳарфлар асосида ўқисинлар. Бошловчилар ҳам бир оз саводлари чиққач, мисолларни араб ҳарфлар асосида ўқишига ҳаракат қылсинлар.

<sup>12</sup>“Махраж” сўзи арабча “хорожа-йахрұж” феълидан олинган бўлиб, бирон нарсанинг чиқадиган жойини билдиради. Тажвид илмида маҳраж –ҳар бир ҳарфнинг талафғуз қилинадиган ўрнини англатади.

<sup>13</sup>Табиий мад тури бир алиф миқдорида чўзиб ўқилади, бир алиф икки ҳаракатга тенг. **Ҳаракат** эса, ёпиқ бармоқни ўртacha суратда очиш ёки очиқ бармоқни ёпиш билан ўлчанади.

<sup>14</sup>Баъзилар араб алифбосидаги ҳарфлар сонини йигирма саккизта, деб келтирадилар. Улар бу ҳолатда ҳамзани ҳарф қаторига киритмайдилар.

<sup>15</sup>Биз ушбу китобимиизда араб тилидаги ҳарфларнинг фақатгина алоҳида кўринишини келтирдик. Ҳарфларнинг сўз бошида, сўз ўртаси ва охирида келадиган шаклларини бошқа китоблардан, масалан Мунаввара Алихўжа Эшон Қизининг “Куръон ўқиши қоидалари” номли китобининг 8-29-бетларидан олишингиз мумкин. Тошкент.: Мовароуннахр нашриёти, 2003.

<sup>16</sup>Харф ва сўзларнинг ўқилиши берилганда, аслият инобатга олинди. Бинобарин, “бे” ёки “те” эмас, “бá”, “tá” деб, истеъло ҳарфлар фатҳа ҳаракатини олганида “а” эмас, “о” тарзида келтирилди. Бу усул гарчи тилга бир оз қийинроқ бўлса-да, лекин аслиятга яқиндир.

<sup>17</sup>Биз бу ҳарфни мазкур кўринишда келтиришимизга сабаб, ушбу ҳарфнинг “д” билан “з” ҳарфлари ўртасида талаффуз қилинишидир. “Дзóд” ҳарфининг тахминан 70% “д”, 30% “з” ҳарфидан иборат. Бу ҳолатда “д” ва “з” алоҳида эмас, балки ушбу икки ҳарф бир-бирига киргизилиб талаффуз қилинади. Буни яхшироқ тушуниш учун қўйида берилган маҳражларга мурожаат қилишингиз мумкин.

<sup>18</sup>Ҳарфлар талаффуз қилинишига келтириладиган мисолларнинг деярли барчаси Куръони Каримдан олинган.

<sup>19</sup>Ҳарфларни талаффуз қилишни ўзлаштиришда кўзгу ва техник жиҳозлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

<sup>20</sup>“Аллоҳ” сўзининг ўқилишига доир қоидалар қўйида баён қилинади.

<sup>21</sup>“Báv” ҳарфи уч хил: **аслий “báv”, мадли “báv” ва лиин “báv”**ларга бўлинади. Аслий “báv” замма, фатҳа ёки касра ҳаракатларидан бирини олади. Мадли “báv”нинг маҳражи ҳалқум билан оғиз орасидаги бўшлиқдир. Мадли “báv”дан аввалги ҳарф ҳаракати замма бўлади. Лиин “báv” эса, икки лаб ўртасида талаффуз қилинади, лекин орада бироз очиқ жой қолади. Лиин “báv”дан олдинги ҳарф фатҳа ҳаракатини олади.

<sup>22</sup>“Йá” ҳарфи ҳам уч хил: **аслий “йá”, мадли “йá” ва лиин “йá”** бўлади. Аслий “йá” бирон ҳаракат (замма, фатҳа ёки касра)га эга бўлади. Мадли “йá”нинг маҳражи – ҳалқум билан оғиз орасидаги бўшлиқ. Мадли “йá”дан олдинги ҳарф ҳаракати касра бўлади. Лиин “йá” эса, тил ўртасида талаффуз қилинади. Лиин “йá”дан аввалги ҳарф ҳаракати фатҳа бўлади.

<sup>23</sup>Истеъло ҳарфларидан “ڦ”，“ڻ”，“ڻ”，“ڻ”，“ڻ”，“ڻ” ихфо, “ڙ” ва “ڻ” эса изҳор ҳарфлари саналади.

<sup>24</sup>Равм – яқиндаги киши эшигадиган қилиб, овозни ҳаракат билан пасайтиришdir. Баъзилар: “Равм – яқин атрофдаги одам эшигадиган даражада сўзнинг учинчи ҳарфи ҳаракатини бир оз билдириб ўқиши”, деб айтишган.

Ишмом эса, бирон сўзда тўхташдан аввал заммага ишорат қилиш мақсадида икки лабни бирлаштиришdir. Равм ва ишмом қоидалари фақатгина устоз ёрдамида мушофаха йўли билан ўзлаштирилади.

<sup>25</sup>Атийя Қобил Наср, “Фойатул-мурийд фий ъилмит-тажвийд”, 163-164 бетлар.

<sup>26</sup>Ўша манба, 165-бет.

<sup>27</sup>Суқунли алиф, деганда замма, фатҳа ва касра ҳаракатларидан холи бўлган алиф назарда тутилади.

<sup>28</sup>Ҳозир биздаги тадвиж илмига оид китобларнинг аксариятида мадларнинг чўзилиш миқдори икки ёки тўрт алиф, деб келтирилган. Аслида эса, мадларнинг чўзилиш миқдори “**ҳаракат**” билан ўлчанади. Фақатгина табиий мадни бир алиф (яъни, икки ҳаракат) миқдорида чўзилади, деб айтиш жоиз. Қолган мад турларининг барчаси (тўрт, беш ёки олти) ҳаракат билан белгиланади. Юқорида ҳам айтиб ўтилдики, бир ҳаракат ёпиқ турган бармоқни ўртача тарзда очиш ёки очиқ бармоқни ёпиш билан ўлчанади.

<sup>29</sup>Ориз сукун билан вақф қилинган сўздан аввалги ҳарф мад ҳарфларидан бўлса, унинг хукми ориз мад бўлиб, икки ҳаракатдан олти ҳаракатгача чўзиш жоиз ҳисобланади.

<sup>30</sup>Араб тилида **فَهْلَلَارِنِينْجِ يُرْتَأِيْزِيْغِ** дейилганда ҳозирги-келаси замон ҳолатининг ўрта ҳарф ҳаракати тушунилади. Бу лугатларда берилади. Масалан, **رَجَعٌ** феълининг ўрта ўзаги “и”дир, яъни ушбу феъл ҳозирги-келаси замонда **مَرْجَعٌ** шаклида, унинг буйруқ майли эса, **إِرْجَعٌ** бўлади. Феълларнинг ўрта ўзаги мана шу нарсани англатади. Сарф ва нахъв илмида феълларнинг ўрта ўзаги **فَعْلٌ** вазнидан келиб чиққан ҳолда “ъайн боби”, деб аталади.

<sup>31</sup>Бундай ҳолат асосан Куръони каримни таълим бериш жараёнида содир бўлиши мумкин.

<sup>32</sup>Шайх Абдулфаттоҳ Қози, “Китабул-вафий”, 38-бет.

<sup>33</sup>Мўъминун сураси, 14 оят.

<sup>34</sup>Бундай ҳолат Куръони каримни таълим беришда ёки ёд олишда кузатилади. Куръонни ёдлаётган киши бир ўтиришда неча маротаба ўқиса ҳам бир маротаба сажда қиласа, кифоя қиласи. Шунингдек, тадаббур қилиш учун сажда оятини такрор-такрор ўқиган киши ҳам шундай йўл тутади.

<sup>35</sup>Бу ерда ўн қироат имомларидан баъзиларининг номлари зикр қилинмоқда.

<sup>36</sup>Бу ҳолатда кўпроқ касра ва “йа”га мойил қилиб ўқилади.

<sup>37</sup>Чунки, ушбу феълдан **فَعْلٌ** ва **فُعْلٌ** вазнидаги масдарлар ясалади.

<sup>38</sup>Яъни, “нахлуккум” деб ўқиш яхшироқ.

<sup>39</sup> Тажвид илми бўйича мутахассис бўлмаганлар тиловат қоидаларини назарий жиҳатдан, номма-ном билишлари шарт эмас. Асосийси, амалий жиҳатдан қоидаларни пухта ўзлаштириб, Қуръони каримни тўгри ўқий олиш малакасига эришсалар, улар учун шунинг ўзи кифоя қиласди.

<sup>40</sup> Масалан, “Al-Qori” (Sound Vision) электрон дарслиги фойдаланиш учун жуда қулай. Унда ҳарфларнинг талаффуз қилиниш ҳолатлари яхши тушунтирилган ҳамда ўхшаш ҳарфлар орасида фарқлар расмлар орқали изоҳланган. Шунингдек, унда 30 пора Қуръон тиловати ҳам мавжуд. “Al-Qori” дастуридан компьютер орқали фойдаланиш мумкин.

### **Фойдаланилган манбалар рўйхати:**

1. “Ал-Куръанул-карийм”. – Мадина, 1417 ҳ.й. – 604 б.
2. “Мусҳафут-тажвийд”. – Сурия.: Матбаус-суройя, 1424 ҳ. й. – 604 б.
3. Абулфидо Исмоил ибн Касир. “Тафсийрул-Қуръанилъазийм”. 4 жузъ. – Байрут-Ливан.: Дарул-Маъриф, 1989.
4. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий. “Тафсийрун-насафий”, 4 жузъ. 1988.
5. Шайх Али ибн Мустафо. “Муҳаззабу тафсийрил-жала-лайн”. – Дамашқ, 2002. – 604 б.
6. Алоуддин Мансур. “Қуръони карим”. / Ўзбекча изоҳли таржима. – Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. – 767 б.
7. Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржимаси”. – Тошкент.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – 617 б.
8. Абуттойиб Сиддиқ Ҳасан Али ал-Ҳусайний ал-Бухорий. “Авнул-борий ли ҳалли адиллатил бухорий”. 5 жузъ. – Ҳалаб-Сурия, 1984.
9. Масъуд ал-Косоний ал-Ҳанафий. “Бадоъес-саноеъ”, 4 жузъ.
10. Атийя Қобил Наср. “Фойатул-мурийд фий ъилмит-тажвийд”. – Риёз.: Мактабатул-ҳаромайн. 1410 ҳ.й. – 296 б.
11. Иброҳим Абдураззоқ Абу Али, Абдулбосит Абдулмажид Башир. “Аҳкамут-тажвийд”. – Саудия Арабистони.: Дару Указ, 1987. – 162 б.

## Тажвид қоидалари

12. Фатхий Аҳмад ал-Ховлий. “Қоваидут-танзийл”. – Жидда, 1410 ҳ.й. – 15 б.
13. Абу Осим Абдульазиз ибн Абдулфаттоҳ ал-Қориъ. “Ат-тажвийдул-майассар” (электрон дарслік).
14. Мұхаммад Содиқ Қамховий. “Ал-Бурҳан фий тажвийдил-Куръан”. – Миср, 1968. – 46 б.
15. Мұхаммад ибн Мукарром ибн Манзур ал-Ифриқий ал-Мисрий. “Лисанул-ъароб”. 6 жузъ. – Дарул-маъариф.
16. “Ал-муъжамул фиҳрист ли алғазил Куръан”. – Истамбул.: Даруд даъва, 1990. – 782 б.
17. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. “Ҳадис ва Ҳаёт”. – Тошкент.: Шарқ, 2004. – 5 жузъ. – 415 б.
18. Абдуллоҳ Салоҳиддин, Раҳматуллоҳ Мирзақосим. “Тажвид”. – Тошкент.: Мовароуннахр, 2005. – 94 б.
19. Ҳасанов Б. “Куръон илмлари: Куръони карим, қироат илми, тажвид илми”. – Тошкент.: Мовароуннахр, 2000. – 326.
20. Абдулқаюм Ҳикмат. “Тажвид қоидалари”. – Тошкент.: Мовароуннахр, 2000. – 48 б.
21. Зиёвуддин Раҳим, Севара Абдуллоҳ қизи. “Куръони карим фазилати ва одблари”. – Тошкент.: Мовароуннахр, 2005. – 59 б.
22. Неъматуллоҳ Иброҳимов, Мұхаммад Юсупов. “Араб тили грамматикаси”. – Тошкент.: Ўзб. мил.энцк., 1997. -1 жузъ. – 453 б.
23. Талабов Э. “Араб тили”. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993. – 406 б.
24. Рустамова. С. “Араб тили фонетикаси”. – Тошкент.: ТошДШи.кич.босм., 2000. – 48 б.

## Тажвид илмига оид яна қўйидаги манбаларга мурожаат қилиш мумкин:

1. “Ал-итқон фий ъулумил-Куръан”. Ҳофиз Жалолиддин ас-Суютий
2. “Мабоҳис фий ъулумил-Куръан”. Шайх Манноъ Қаттон
3. “Ал-жазарийя”, “Ан-нашр”. Имом Мұхаммад ибн Жазарий

4. “Хирзул-амоний”, “Ақлийяту атробил-қасоид фий росмил-масоҳиф”. Имом Абулқосим Шотибий.
5. “Талхийсул-фавоид шарху ақлийяти атробил-қасоид”. Абулбақо Али ибн Усмон ал-Қосиҳ.
6. “Ар-риаъя”. Имом Ибн Абу Толиб Қайсий.
7. “Шархул-жазарийя”. Шайх Мулла Али Қори.
8. “Шархул-жазарийя”. Шайх Холид Азҳарий.
9. “Ал-изоа”. Шайх Али Мұхаммад Зоббаъ.
10. “Таҳқиқот фий ъилмит-тажвийд”. Шайх Абдулфаттоҳ Қози.
11. “Ал-имлаъ ма манна биҳир-роҳман”. Шайх Омир Сайид Усмон.
12. “Аҳқаму қироатил-Қуръан”. Шайх Маҳмуд ал-Ҳусорий.
13. “Тұхфатул-ихван”. Шайх Ҳасан Иброҳим аш-Шаир.
14. “Фатхул-мажийд”. Шайх Мұхаммад Али ибн Халаф Ҳусайній.
15. “Ҳидаятул-мустафаййд”. Шайх Мұхаммад Маҳмуд.
16. “Ҳаққут-тилава”. Шайх Ҳусний Шайх Усмон.
17. “Мифтахут-тажвийд”. Шайх Абдуллоҳ ибн Иброҳим Санорий.
18. “Ниҳайатул-баян фий ъулумил-Қуръан”. Шайх Зафар Али.
19. “Ал-маржаъул-вафий”, “Жамиъул-байан”, “Тайсий-рул-қироа”, “Азваул-байан фий асанийди қироатил-қуръан”, “Ат-татбийқул-ъилмий ли аҳқамит-тажвийд”. Иброҳим Абдуррозиқ Абу Али.
20. “Ат-тамхийд фий ъилмит-тажвийд”, “Ал-муқаддаматул-жазарийа фий тажвийди аятил-Қуръанийя”, Аннашр фий қироатил-ъашр”. Имом Мұхаммад ибн Мұхаммад ( У Ибн Жазарий номи билан машхур).
21. “Иршадул-мурийд шархуш-шатибийя”. Шайх Али Мұхаммад Зоббаъ.
22. “Тарихул-қурроил-ъашр ва риваиятухум”. Шайх Абдулфаттоҳ Қози.
23. “Ал-ъамийд фий ъилмит-тажвийд”. Шайх Маҳмуд Али Басса.
24. “Қоваидут-тажвийд”. Доктор Абдулазиз Қори.
25. “Мааъл-Қуръанил-карийм”. Шаъбон Мұхаммад Исмоил.
26. “Ал-қироатул-мутаватиро”. Мұхаммад Рашод Халифа.

## Мундарижа

<b>Муқаддима .....</b>	<b>3</b>
Тажвид ва қироат илмининг қисқача тарихи .....	4
Турли хил қироатларнинг пайдо бўлиши .....	4
Куръоннинг етти хил ҳарфда нозил бўлиши .....	6
Куръоннинг етти ҳарфда нозил қилинишининг ҳикмати .....	9
Имом Осимнинг таржимаи ҳоли .....	10
Имом Ҳафснинг таржимаи ҳоли .....	11
Тажвид илми ҳақида .....	12
Тажвид илмини ўрганиш фазилати .....	14
Лаҳн ва унинг турлари .....	17
<b>Асосий қисм</b>	
<b>Китобнинг истилоҳи .....</b>	<b>19</b>
<b>1-дарс. Араб алифбоси .....</b>	<b>23</b>
<b>2-дарс. Ҳарфларнинг хусусиятлари .....</b>	<b>38</b>
Шиддат ва раховат .....	38
Истеъло ва истифола ҳарфлари .....	38
Тафашший .....	40
Такрор .....	40
Софийр .....	40
Қалқала .....	41
Ғунна .....	45
<b>3-дарс. Баъзи бир ўхшаш ҳарфлар ўртасидаги фарқлар .....</b>	<b>46</b>
“Зál” ва “zá” ҳарфлари ўртасидаги фарқ .....	46
“Cá” ва “сийн” ҳарфлари ўртасидаги фарқ .....	46
“Шийн” ва “жийм” ҳарфлари ўртасидаги фарқ .....	47
“Дзód” ва “зó” ҳарфлари ўртасидаги фарқ .....	47
“Tá” ва “mó” ҳарфлари ўртасидаги фарқ .....	48
“Báv” ва “фá” ҳарфлари ўртасидаги фарқ .....	48
“Дзód” ва “дál” ҳарфлари ўртасидаги фарқ .....	50
Араб тилидаги “вáb” ҳарфи .....	51
<b>4-дарс. Ҳаракатлар .....</b>	<b>52</b>
<b>5-дарс. Сукунли “нуви” ва танвин .....</b>	<b>54</b>
Изҳор .....	55

Идғом .....	57
Мутамосил ва мутажонис ҳарфларининг қоидалари .....	60
Иқлоб .....	65
Ихфо .....	65
<b>6-дарс. Сукуни “мийм” .....</b>	71
Ташдидли “мийм” ва “нувн” .....	73
<b>7-дарс. “Ро” ҳарфига хос қоидалар .....</b>	74
<b>8-дарс. “Лом” ҳарфига хос қоидалар .....</b>	77
“Ал”нинг “лом”и .....	78
<b>9-дарс. Мад .....</b>	82
Муттасил мад .....	84
Мунфасил мад .....	85
Лозим мад .....	85
Ориз мад .....	86
Бадал мад .....	86
Лийн лозим мад .....	87
Лийн ориз мад .....	88
<b>10-дарс. Ҳоул-кинойа (Замир ҳақида) .....</b>	90
<b>11-дарс. Вақф .....</b>	95
Вақф аломатлари .....	96
Сакта .....	102
<b>12-дарс. Васлали ҳамза .....</b>	106
<b>13-дарс. Истиоъза (тааввуз) .....</b>	113
<b>14-дарс. Басмала (тасмия) .....</b>	115
<b>15-дарс. Тиловат саждаси .....</b>	119
Тиловат саждаси кимларга вожиб .....	120
Тиловат саждаси қандай амалга оширилади .....	120
Тиловат саждасининг ҳукми ва адади .....	121
Тиловат саждасига оид баъзи ҳукмлар .....	123
<b>16-дарс. Алоҳида қоидалар .....</b>	124
<b>Қуръони карим ҳақида умумий маълумот .....</b>	134
Қуръон тиловати одблари .....	136
Қироат турлари .....	138
<b>Тажвид ўрганувчилар учун фойдали маслаҳатлар .....</b>	139
Изоҳлар .....	142
Фойдаланилган манбалар рўйхати .....	146

*Мусаниифлафдан:*

Хижрий 1426 йил, муборак Рамазон ойининг илк кунларидан тасниф этила бошланган ушбу китоб, мана энди сиз азиз ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола қилинмоқда. Китобнинг тасниф этилишида кўплаб инсонларнинг меҳнатлари сингди. Ўз ўрнида, тасниф ва тақриз ишларида яқиндан ёрдам берган устозларимиз, бу ерда номи зикр этилмаган қорий биродарларимизга миннадорчилик билдириб, улардан Аллоҳ, таоло рози бўлишини сўрайман!

Ушбу китобдан неки яхшилик ва манфаат топсангиз, бу — Аллоҳ, таолонинг фазли ва марҳамати, неки камчилик ва қусурлар бўлса, бу бандай ожизнинг хатолариdir.

Аллоҳ, таоло барчаларимизга ушбу китобни муборак қилсин! Унинг манфаатини Қиёматта қадар боқий айлаб, номаи аъмолимизга савоб ёзилиб туришига сабаб бўладиган солиҳ амаллар қаторида қабул этсин! Амийн!

## **Тажвид қоидалари**

Мусаннифлар:  
**Зиёвуддин Раҳим,**  
**Одилхон қори Юнусхон ўғли**

Муҳаррир:  
**Бобомурод Эралиев**

Мусаҳҳих:  
**Умида Инсонбоева**

Саҳифаловчилар:  
**Ильнур Караджаев,**  
**Зулхумор Улуғбекова**

Босишга 2011 йил 17 июнда рухсат этилди.  
Босмахонага 2011 йил 10 октябрда топширилди.  
Коғоз бичими 60x84<sup>1/16</sup>  
Босма табоги 8,83 Нашр табоги 8,79 Адади 3000 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда. 104-сонли буюртма.

«Тошкент ислом университети»  
нашиёт-матбаа бирлашмаси.  
700011, А. Қодирий кўчаси, 11-уй.